

# ДЕЙЛ КАРНЕГИ

*Харыра қылудағар үчүн жарур құланма*

Ишчан қиёфа яратышкошынан өнімнен иштептік  
Фаолият турини үзгартыриштың инкитімінде қалыптап  
Яңи иш кидириш – резюме ва интервьюсын қалыптап  
Менежмент күнінің күнінде үйрептеп  
Амалий ёзишмалар күнінің күнінде үйрептеп  
Оммавий чикишлар күнінің күнінде үйрептеп  
Ходимлар билан ишлаш күнінің күнінде үйрептеп



# МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАН ҚАНДАЙ КҮТАРИЛИШ МУМКИН

# ДЕЙЛ КАРНЕГИ

*Сарверд Қиынчылар өткің жарыф көзгелдиңде*

# МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАН ҚАНДАЙ КҮТАРИЛИШ МУМКИН



**УЎК: 159.9**

**КБК: 88.3**

**К – 25**

**Карнеги, Дейл**

Мансаб пиллапояларидан қандай кўтарилиш мумкин. Дейл Карнеги / Таржимонлар: Иброҳимжон Ҳалимбеков, Рустам Жабборов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 272 б.

**ISBN 978-9943-27-805-9**

Маълум бир соҳада фаолият юритаётган кишининг хизмат пиллапояларидан юқори лавозимларга интилиши табиий ҳол. Билим ва тажриба, узоқ йиллик сидқидидан қилинган меҳнат албатта мақсадга етаклайди. Аммо бу борада амал қилиниши керак бўлган қоидалар бор-ки, иш қидиришдан бошлаб, раҳбар билан юзма-юз мулоқот қилишга, резюме тузишга, қолаверса, иш жойининг ўзида ишчан қиёфа яратиш каби нозик масалаларга жиддий ёндашиш талаб қилинади.

Машхур нотиқ Дейл Карнеги худди шулар юзасидан ўзи ишлаб чиқсан тамоилиларни тақдим этади. Унинг фикр ва тавсиялари кўпгина инсонларнинг ҳақиқатан хизмат пиллапояларидан кўтарилишларига асос бўлган.

Китоб кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 159.9**

**КБК: 88.3**

—  
усчадан  
Иброҳимжон Ҳалимбеков,  
Рустам Жабборов  
таржимаси

**ISBN 978-9943-27-805-9**

© Дейл Карнеги, «Мансаб пиллапояларидан қандай кўтарилиш мумкин». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## СЎЗБОШИ

Кўпчилик инсонларнинг ҳаётида иш ўз аҳамияти жиҳатидан оиласдан кейинги ўринда туради. Ишчилар, хизматчилар, сотувчилар, шифокорлар, тадбиркорлар, муҳандислар ва ўқитувчилар ҳар қандай вазиятда ўз ишларига кўпроқ вақт ажратадилар.

Касб танлаш кўпгина омилларга боғлиқ. Баъзи одамлар ишга киришишдан олдин ўзлари ишламоқчи бўлган муҳитни синчиклаб ўрганадилар, интенсив тайёргарлик ва малака ошириш курсларини ўтайдилар. Бошқа тоифа одамлар эса, тасодифий вазият оқимиға кўра, у ёки бу меҳнат муҳитига тушиб қоладилар. Айрим одамлар ўз касбларини севишади, баъзилари ёмон кўришади, кўпчилик эса, ўзлари шуғулланаётган ишга ночор қўникади, аммо бу билан ўзларини баҳтли ҳис этишмайди.

Баъзи одамлар учун мансаб янада юқорироқ лавозимга олиб чиқадиган поғонадан бошқа нарса эмас. Бу тоифадаги кишилар ўзлари кўзлаган натижага эришмагунча тиним билмай ишлашади, тер тўкишади. Ўз ҳолатидан мамнун, ҳозирги

даражасидан юқори интилмайдиганлар ҳам қўпчиликни ташкил этади. Бу китоб биринчи гурӯхга мансуб эркак ва аёллар учун мўлжаллаб ёзилган, лекин нафақа-га чиққунча битта лавозимда қолишнинг уятли томони йўқ.

*2010 йилда социолог Марси Нью-Йоркдаги энг яхши ўқитувчи деб топилган. Бу аёлга университет декани бўлишини тавсия этишди, бироқ у фақатгина дарс беришдан завқ олишини, касби ўзига ёқишини, маъмурӣ иш билан шугулланишга хоҳиши йўқлигини айтиб, бу лавозимдан воз кечди. Марси ўз қароридан афсусланмади ва кўп йиллар давомида дарс берди.*

Кўпинча мансаб пиллапояларидан қўтарилиш инсонни севимли касбидағи ижобий хислатларидан маҳрум этиши мумкин.

Агар сиз чиндан ҳам мансаб погоналаридан қўтарилишни истайдиганлар тоифасига кирсангиз, чўққига олиб чиқувчи йўлнинг оралиқ позицияларини диққат билан ўрганинг. Ишбилармонлик олами юксакликка бўлган интилишни икки хил кўринищда юзага чиқаради: одамлар ва жараёнлар устидан назорат ўрнатувчи бошқарув йўли ҳамда турли хил маъмурӣ масалаларни ечишга қаратилган маъмурӣ йўл.

Китобнинг биринчи қисми мақсаднинг амалга ошиши, яъни юксак лавозимга эришишга тайёргарлик кўришга багишланган. Энг аввало бошлиқ, ҳамкаслар ва ходимларда ижобий таассурот уйгота оладиган ишchan имиж яратиши лозим. Бундан ташқари, шахсий брендни яратиш, яъни сизни рақобатчилар сафидан олдинга олиб чиқадиган индивидуал жиҳатларни намоён этишга диққат қаратиш керак. Баъзилар юқори мансабга қаттиқ интилишади, аммо куттилган натижага эришгач, ўз мутахассисликлари бўйича ишлолмай, ҳафсалалари пир бўлади.

Китобда муайян тажриба ва қўникмаларни ривожлантириш мақсадида бошқа-

*Ўт олдириш kontakt  
тизими асосчиси Чарльз  
Кеттеринг «Женерал моторс»  
компанияси вице-президенти  
бўлганидан сўнг, ўз  
лавозимини пасайтиришиларини  
сўрайди: чунки бошқарув  
фаолияти унинг ижодий  
салоҳиятини намоён этишга  
тўскىнлик қила бошлаган эди.*

Рув лавозимларининг асосий тавсифлари батафсил муҳокама қилинади.

Китобнинг иккинчи қисмида мартабани ошириш учун зарур бўладиган амалий ҳаракатлар ҳақида сўз боради.

- Битта корхона ичида ўсиб бориш:
  - имкониятлар таҳлили;
  - ўзини тақдим этиши;
  - бошқа лавозимга ўтиши;
  - кўтарилиши;
- Бошқарув жараёнларидағи таянч билимларни эгаллаш;
  - режалашибтириш, вакил юбориши, вақтни бошқариси.
- Одамларни бошқариси кўникмаларини тақомиллашибтириш:
- тушунниш ва ходимларга тушунтириши:
- Нотиқлик кўникмаларини ривожлантириш:
  - самарали оммавий чиқишларни тайёрлаш ва ташкил этиши;
- Ёзув кўникмаларини ривожлантириш:
  - иш юзасидан ёзишмалар, хизмат қайдлари, маъruzалар ва электрон хабарлар.

- Янги иш излаш (манбалар):
  - кадрлар агентлиги;
  - бошқарув гурӯҳини саралаш бўйича мутахассислар;
  - бандлик масалалари бўйича маслаҳатчилар;
- Янги иш излаш (маблағ):
  - резюме ёзиши ва ундан фойдаланиши;
  - сұхбатдан мұваффақиятли ўтиши;

- Фаолият турини ўзгартыриш:
  - қарор қабул қилиш;
  - янги касб танлаш.

*Хизмат пиллапоялари  
бүйлаб ҳаракатланиш  
ёқимли ва қизиқ  
саргузаштга ўхшайды.  
Сиз бу билан нафақат  
молиявий даромадларингиз,  
балки ташкилотда ва  
жамиятдаги мавқеингизни  
ҳам оширасиз. Энг асосийси,  
иши сизга битмас-туганмас  
завқ багишлайды. Юксак  
марраларни забт этиш  
осон әмас, аммо сиз күч-  
гайратингизни аямасангиз,  
ҳаммасига эришасиз.*

**БИРИНЧИ БОБ**

## **ИШЧАН ҚИЁФА ЯРАТИШ**

Шекспирнинг шундай ҳикматли сўзлари бор: баъзилар омадли бўлиб туғиладилар, бошқалар омадни қўлга киритадилар, омад айримларнинг оёги остидан чиқади.

Жуда кам одамларгагина омад қулиб бокади, кўпчилик эса омадга эришиш учун қатъий интилиши, меҳнат қилиши, асосийси ўзига ишониши керак. Бошқаларга эргашиш керак эмас, ҳар кимнинг ўз йўли бор. Аввал бошдан сиз ўз карьерангизни назорат остига олишингиз ва хеч қачон уни қўлдан чиқармаслигингиз керак.

*Йўллар сенга келса-да малол,  
Учраса-да не-не тўсиқлар,  
Тақдирингни ўз қўлингга ол,  
Сени кутар улкан ютуқлар.*  
**Уильям Хенли**

Муваффақият сари илк одим – юксак марралар сари учишга тайёр турган ишбилиармон одамнинг шахсий имижини яратишдан иборат. Шахсий имиж – бу атрофингиздагилар томонидан юбориладиган: «қаранг, менинг табиатим қандай» деган мазмундаги ўзига хос номадирки, у сизнинг сўзларингиз ва амалларингизда акс

этиши керак. Шахсий имиж сизни одамлар орасидан яққол ажратиб құрсатади ва шу тариқа бошқаларнинг диққатини тортасиз, ёдида қоласиз. Сизни имкон қадар муаммоларга самарали ечим топадиган, жамоа билан ишлайдиган, мураккаб вазиятлардан осонгина чиқиб кетишга қодир инсон сифатида әслаб қолишилари лозим. Сизни ҳар доим мұлойим, жонқуяр, үз касбининг устаси сифатида қабул қилишин. Бундай имижни қалбакилаштириб бўлмайди. У фақат табиий ва ҳаққоний бўлсин.

### **Ўз-ўзига ишонч қаердан келади?**

Кучли шахсий имижни шакллантириш ва ушлаб туришнинг асосий жиҳати ўз-ўзига бўлган ишончда кўринади. У бир қанча таркибий қисмларни ўз ичига олади.

### **Ўз-ўзига муносиб баҳо бериш**

Ўз-ўзига муносиб баҳо бериш инсоннинг ўз камчиликларини тўла-тўқис билгани ҳолда асосий эътиборни ижобий хислатларга қаратишида намоён бўлади. Айнан ижобий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилганда инсонда ўзига нисбатан ишонч ортиб боради. Бироқ айрим одамлар кўпроқ ўзларининг камчиликлари, ожиз тарафлари билан овора бўлиб, ички ишончни камайтириб юборишади. Сиз ижобий жиҳатларингизга ўзингиз ва атрофдагиларнинг диққатини жалб қила олишингиз керак.

## **Ўз-ўзини хурмат қилиш**

Ўзингизга хурматингизни ошириш учун ўтмишда эришган ютуқларингиз, ғалабаларингиз, одамларга қилган яхшиликларингизни тез-тез эсланг. Омадсизликларни эслаш осон, уларни эслатишга ҳавасмандалар ҳам ҳамиша топилади. Келажагингизни ўзгартириш ва ўзингизга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун тез-тез ўз ютуқларингизни ёдга олинг.

*Хаёлан муваффақиятли инсон образини яратинг ва уни тез-тез кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилинг.*

*Бу тимсол аниқ ва ёрқин бўлиши керак. Сизнинг тафаккурингиз бу образни рўёбга чиқариш йўлларини излай бошлайди. Ҳеч қачон хаёлий зиддиятларни тасаввур қилмасликка урининг.*

**Норман Винсент Пил**

Самарали машғулотлардан бири «омад каталоги», яъни барча эришган кўрсаткичларнгиз рўйхатини тузишdir. Аввалига бу иш бир оз қийиндек туюлади, лекин бу рўйхат кенгайгани сари ўзингизга ишонч ҳам ортиб боради. Махсус папка тутиб, унинг ичини бугунданоқ эришган ютуқларингиз ҳақидаги қайдлар ва ҳужжатлар билан тўлдиришни бошланг. Унга

мактабда олган мақтөв ёрлиқларингиз, раҳбарлар билан хизмат ёзишмалари, сизга турли ташкилотлар, мижозлар, оддий фуқаролардан келган ташаккурномалар, сертификатларни жойлашингиз мумкин. Сиз фаҳрланиб юрадиган ютуқларингиз рўйхатини тузиб, уни қўзга кўринадиган жойга илиб қўйинг. Қийин аҳволга тушганингизда, бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини тополмай қолганингизда, ўзингизга ишончни йўқотиб қўйганингизда ушбу папкани очиб, ўтмишдаги муваффақиятларингизни эсланг. Ишонинг, сиз янада каттароқ ишларни қилишга қодирсиз.

### **Ўзингизни тартибга келтиринг**

Вақти-вақти билан ҳамма ўз-ўзига гапириб туради. Асосийси, сиз ўзингизга нималарни гапирасиз? Фақат яхши нарсалар ҳақида, далил-исботи билан гапиришга ҳаракат қилинг. Шунда ўзингизга берган баҳоингиз ҳам, ютуқларингиз каталоги ҳам сизга катта фойда келтиради. Далилларингиз қанча кўп бўлса, ўзингизни тартибга солишингиз ҳам шунча кўп самарали кечади. Шу тахлит сиз вазият устидан, хусусан, ўз фикрларингиз устидан ҳукмронликни қўлга киритасиз.

### **Таваккал қилишга тайёр туринг**

Ўзингизга ишончни мустаҳкамланг, шунингдек, таваккал қилишга ҳамда жавобгарликни бўйнингизга олишга тайёр туринг. Ҳар бир ҳолатни галаба ёки қурашга

баҳона эмас, ниманидир ўрганиш учун имконият сифатида қабул қилинг. Шу тариқа сиз янги имкониятлар эшигини очасиз ва ўзингизга нисбатан ишончни мустаҳкамлайсиз. Акс ҳолда шахсий муваффақиятлар суръатини секинлаштириб, очилаётган имкониятлар қаршисидаги қўрқувни кучайтирасиз. Бу эса сизни омадсизлик сари етаклайди.

### **Илк таассурот**

Илк таассурот энг ёдда қоларли хотира-дир ва улар асосан ilk сухбат ёки учрашув онларида шаклланади.

### **Ташқи кўриниш**

Кийим-бош муҳим аҳамиятга эга. Сизга бўлган муносабат кўпинча ташқи кўринишингизга қараб белгиланади. Яхши таассурот қолдириши учун Адонис ёки Венера (қадимги Рим мифологиясидаги илоҳалар – тарж.) бўлиш шарт эмас, фақат ёқимли қиёфада, чиройли кийимда бўлсангиз бас.

Ташқи кўриниш компаниядаги ўрнингизни белгилаши мумкин бўлган раҳбар билан танишув чоғида ёки ишга кириш олдидан ўтиладиган сухбатда муҳим аҳамиятга эга. Бу омил сизнинг муваффақиятларингиз даражасини оширади ёки туширади. Кийим-кечак, пардоз, соч турмаги, ташқи безаклар – сиз ҳақингизда ilk таассурот уйғотишга хизмат қиласиди.

Озодаликка амал қилинг. Ифлос тирноқлар, бармоқ учидаги дөглар, ғижим ёқа, тараалмаган соч, эски туфли бефарқ инсон эканингизни кўрсатади ва бу, албатта, сизнинг заарингизга хизмат қиласди.

Ишбилармонлардек кийининг. Бир коллеж битиравчиси клиника лаборантини лавозимига ишга кириш учун сұхбатдан ўтолмади. Бунга қизнинг сұхбатга шиппак кийиб келгани сабаб бўлди.

*Илк учрашувда консерватив  
усулда кийинишга ҳаракат  
қилинг. Кийимингиз замонавий  
бўлиши шарт. Унумтманг,  
дид билан турмакланган ёки  
қисқартирилган соч, тоза  
туфли, меъёрдаги пардоз ва  
шу каби бошқа кўрсаткичлар  
хоҳ ихтиёрий, хоҳ беихтиёр  
бўлсин, ҳамсуҳбатингизни  
дарров ўзига жалб этади.*

Ўз ташки кўринишингизга танқидий кўз билан қаранг. Бу кўпгина хатоларнинг олдини олади. Учрашувга чиқищдан олдин ойна олдида туриб, ўзингизга бошдан-оёқ разм солинг. Имкон бўлса, бу борада муваффакият қозонган танишларингиздан ташки кўринишингиз ҳақидаги фикрларини сўранг. Уларнинг кўпчилиги ким билан учрашишингизга қараб маслаҳат беришади.

Омадли одамлар қандай кийинишига дикқат қилинг. Кийиниш услуги фаоли-

ят турига қараб ўзгаради. Масалан, мола саноати ходимлари янги трендларни күзатиб боришади ва сўнгги модага мувофиқ кийинишади. Кўнгилочар соҳаларда хизмат қилувчилар нисбатан эркин кийинишади ва соч турмагига унча эътибор қилишмайди. Мисол учун, графика дизайнери иш юзасидан учрашувларга спорт кийимида келса, бунга ҳеч ким эътибор бермаслиги мумкин, лекин банкир шундай йўл тутса, буни бемаънилика йўйишади.

*Тасаввур қилинг. сиз билан учрашаётган ҳар бир одамнинг бўйнида биргина медальон осилган бўлиб, унда шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Сени ўзимга керакли одам деб қабул қилишимга мажбур эт». Шунда сиз нафақат тижорат, балки шахсий ҳаётда ҳам муваффақиятга эришасиз!»*

### Ўзингизни очик тутинг

Сиз директорлар, мижозлар ёки бизнес ҳамкорлар ўтирган хонага кириб борсангиз, уларнинг ҳар бирида «мен билан очик-ойдин гаплашармикин?» деган савол туғилади. Агар очик мулоқот юритсангиз, бу сизга кутилган самарани беради. Янги

дўйстлар орттирасиз, ҳамкорлар билан танишасиз. Акс ҳолда, сизга яхшигина фойда келтириши мумкин бўлган имкониятларни қўлдан чиқарасиз.

### Телефондаги илк таассурот

Гоҳида инсон ҳақидаги илк таассурот телефон алоқасидаёқ шакланади. Суҳбатдошингиз мижоз, йирик иш берувчи, сизнинг бўлимингизга ишга кириш учун номзод ёки давлат ташкилотининг вакили бўлиши мумкин. Телефондаги қисқа суҳбат асосида сиз қолдирган таассурот келгусида суҳбатдошингизда унинг сиз ва компаниянгизга нисбатан муносабатига замин яратади.

Женнифер асабий ҳолатда ўтиради: бир ҳафта аввал сотиб олган кир ювиш машинаси бузилиб қолди. Қиз менежер билан боғланиш учун дўконга сим қоқди. Олтита гудокдан кейин гўшакни олишди.

– «Жонс эпликэйшнз» майший техника дўкони эшитади, илтимос, кутиб туринг.

Оператор жавоб бергунинг қадар Женнифернинг назарида соатлар ўтгандек бўлди.

– Жонс эпликэйшнз» майший техника дўкони, нима хизмат?

– Менга менежер керак эди.

– Нима масала бўйича?

– Бир ой аввал сизлардан сотиб олган кир ювиш машинаси бузилиб қолди.

– Сизга менежер керакмас, ҳозир сервис хизмати билан улайман.

Навбатдаги узок кутишдан сүнг сервис хизмати раҳбари гўшакни кўтарди. Женифернинг гапини охиригача эшийтмай унинг гапини бўлди:

– Кечирасиз, сизга ёрдам беролмаймиз. Ишлаб чиқарувчига телефон қилинг. Манзили кафолат талонида кўрсатилган. – У гўшакни тарақлатиб қўйди.

Нима деб ўйлайсиз, Женифер у дўконга қайтиб қадам босадими?

*Суҳбатдошингизда яхши  
таассурот қолдириш  
учун унинг қўнгирогига  
куттирмасдан жавоб беринг.  
Агар бир оз кутишга тўғри  
келса, мижозлар билан  
ишловчи ходим бу ҳақда  
қўнгироқ эгасини огоҳлантири-  
ши лозим. Шунда у вақтига  
қараб ё алоқани узади, ё  
кейинроқ қайта телефон  
қиласди.*

Суҳбатдошингизга муаммони батафсил тушунтиришига имкон беринг. Агар бу муаммони сиз еча олмасангиз, мижозга уни қаерда, қандай ҳал этиш мумкинлиги ҳақида имкон қадар кўпроқ тушунча беринг. Гўшакни илишдан аввал унга яна қандай ёрдамингиз тегиши мумкинлиги ҳақида сўранг ва албатта, қўнғироғи учун миннатдорчилик билдиринг.

## Ёзишмалардаги илк таассурот

Вақтни бошқариш бўйича семинарда Уорренга хизмат ёзишмалари учун ажратилган вақтни имкон қадар қисқартириш, ҳатто биргина сўз ёки жумла билан кифояланишни маслаҳат беришди. Уоррен бу маслаҳатни қабул қилди ва амалда жорий этди. Вақтни бу таҳлит тежашга киришган эди, бироқ бу билан компания имижига зиён етди. Йирик ҳамкорлар Уоррен билан ҳамкорликка чек қўйишиди. Чунки унинг хизмат ёзишмаларига бўлган муносабати қониқарсиз баҳоланди.

*Сиз ҳат орқали ўзингизни  
намоён қиласиз. Жумладаги  
хато ва гализликлар  
масъулиятызлик ва лоқайдлик  
белгиси сифатида юзага  
чикади. Саводли ўқувчи  
лугатингиз камбагаллиги ва  
имло ҳатоларини дарҳол илгаб  
олади. Ҳатни жўнатишдан  
олдин қайта ўқиб чиқинг ва  
ҳатоларини тузатинг.*

Илк таассуротни кейин ўзгартириш қишин. Агар учрашув чогида суҳбатдошинингизда сиз ҳақингизда салбий ва ноҳуш таассурот туғилган бўлса, бу узоқ йиллар давомида икки томонлама ҳамкорликда ўз аксини кўрсатади. Бу ёзишмаларнинг устамида маҳдудунига ҳам тегишли. Ҳар доим

илк учрашув пайтида яхши таассурот қолдиришга урининг, бу уринишларингиз бежиз кетмайди.

Технологиялар юксак даражада тарақкий этган бугунги шароитда илк танишув асосан электрон почта, ижтимоий тармоқлар ёки шахсий сайтлар ёрдамида амалга ошади. Китобнинг кейинги бобларида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ҳақида сўз боради.

### **Шахсий бренд тақдимоти**

Янги одам билан танишаётганда кўпчилик битта саволни беради: «Нима иш қиласиз?» Бу шахсий брендни намоён этиш учун энг қулай фурсат.

*Шахсий брендингиз  
ўзингиз эришган ютуқлар,  
кучли тарафларингиз ва  
қизиқшишларингиз, ким  
бўлишидан қатъи назар  
– мижозми, хизматчими,  
ҳамкасбми, салоҳиятли иш  
берувчими ёки бирор мухим  
шахсми – тингловчингизнинг  
сиз ҳақингиздаги тасаввурнида  
ифодаланади.*

Ўз шахсий брендингизни тайёrlаш учун аввал қуйидаги саволларга жавоб беришингизга тўғри келади:

*Кандай хислатлар ва тавсифлар сизни бошлиходимлардан ажратиб туради?*

**Ҳамкасблар ва мижозлар сизнинг қайси жиҳатларингизни асосий ютугингиз деб билишади?**

**Сизнинг қандай ҳаракатларингиз бошқа одамлар ва ташкилотларга катта фойда келтириши мумкин?**

### **Ўзаро муносабатларнинг қурилиши**

Мулоқотдан мақсад алоқа ўрнатиштирилган. Алоқа бўлмаса, муносабатларни давом эттириш учун асос ҳам бўлмайди. Мулоқот пайтида 80 фоиз эшишиб, 20 фоиз тинглашга одатланинг. Дейл Карнегининг тамойилларидан бири қуидагича: «Сиз инсонга самимий қизиқиш билдиришингиз керак. Ўзгаларни эшитинг ва уларда ўзлари ҳақида гапириб бериш истагини рафбатлантиринг».

Янги ҳамкорингиз билан мулоқотни йўлга қўйиш учун қуидагиларга эътибор беринг:

#### **Қўл бериб қўришиши**

Танишишдан аввал қўл бериб қўришилади. Яхши тасаввур уйғотиш учун сухбат дошингизнинг қўлинини қаттиқроқ сиқинг, аммо оғритадиган даражада эмас. Табасум қилиб, унинг кўзларига қаранг. Унинг исмини тилга олинг ва сўзларига қизиқаётганингизни сездиринг.

*Хар бир инсон ёши,  
эгаллаб турган вазифаси,  
фаолият туридан қатыи  
назар, брендинг қанчалик  
мұхимлигини англаши лозим.  
Хар бир инсон үзининг «Мен»  
деб аталған компаниясини  
бошқаради. Бұгун бизнес  
майдонида қолиш учун бозорда  
үз брэндингизни илгари  
сүришингиз керак.*

### *Ижобий «лұқма»*

Атрофинингиздаги ҳолаттаға фикр билди-  
ринг. Масалан: «Сизга нотиқнинг фикри  
ғалати түюмаяптыми?» «Бұгунги йиғи-  
лиш сизга манзур бўлдими?»

### *Ҳамфикрлилик нұқтасини топинг*

Сұхбатдошингизни бу учрашувга (се-  
минарга, йигилишга ва ҳ.к.) нима бошлаб  
келгани билан қизиқинг. Мақсадларингиз-  
да у билан умумийликни топишга ҳаракат  
қилинг.

### *Бизнес ҳақида гапириб беринг*

Ҳамсуҳбатингиз ишбилармөнликнинг  
қайси соҳаси билан шуғулланишини сұраб  
олинг. Самимий қизиқиши билдириңг ва  
имкони борича меъёрни унутмаган ҳолда  
унинг үзи ҳақида күпроқ савол беринг.

## *Ўзингизни таништириңг*

Сұхбат давомида гапни ўзингиз томон булинг ва ўз ҳақингизда гапириңг. Шахсий бренд ва reklamанинг тақдимот техника-сидан фойдаланиңг (бу ҳақда тұрткынчи бобда тұхталиб ўтилади).

## *Ташрифнома алмашиңг*

Сұхбат сүнгіда сұхбатдош билан ташрифнома (визитка) алмашиңг. Агар имко-ни бўлса, уни шахсий сайtingизда рўйхатдан ўтишга унданг.

*Ташрифнома шахсий  
бренднинг бир қисми бўлиши  
мумкин. Анъанавий форматга  
қарамай, визиткангизда  
ўзингизга хос бўлган  
қандайдир янгича дизайн  
бўлишига ҳаракат қилинг.  
Агар реклама тизимида  
ишламасангиз, визиткани  
реклама кўринишида  
чиқартирунг.*

*Сұхбатдошингизга визиткани узатаётиб:*

- Визиткани ҳар доим қўлингиз етадиган, олиш осон бўлган жойда, масалан, кўкрак чўнтагида сақланг.
- Визиткани берәётиб, бу сұхбатдошингиз учун катта ҳурмат белгиси эканини сездиришга ҳаракат қилинг.
- Шахсий изоҳингизни ҳам қўшиб қўйинг (масалан, уй телефонингиз ва ҳ.к.)

- Визитканинг юза қисмини сұхбатдошингизга күрсатып беринг, токи у визитка даги дизайн ва безакларни күра олсин.

*Сизге визитка узатыштанда:*

- Уңдаги битикларни дикқат билан үқинг.
- Сарлавҳага қаранг ва унга аниқлик киригининг.
- Ўзингизни қизиқтирган нарсаларни сұраб олинг.
- Үнда қўл телефони рақами бор-йўқлигига эътибор қаратинг, бўлмаса ёзиб олинг.
- Электрон почта ёзиладиган бўлса, сўраб ёзиб олинг.
- Визитканинг орқа тарафида танишган вақтингиз ва жойингизни ёзиб қўйинг.
- Визиткадаги рақамларни телефон ёки органайзерга киритиб қўйинг. Визитка йўқолиб қолса керак бўлади.

### *Танишувни чиройли якунланг*

Хайрлашув олдидан «сиз билан танишганимдан хурсандман (сұхбатдошнинг исми), тез орада кўришиб қолармиз» ёки «танишганимдан хурсандман (исми), эртага интернетда боғланамиз» дейишни унутманг.

### *Ижобий муносабатларни сақланг*

Биринчи ижобий таассурот келгусида атрофингиздагилар сизни қандай қабул қилишини белгиловчи профессионал имиж яратиш борасидаги биринчи қадам ҳисобланади. Тащқи кўринишингизга, бошқа одамлар билан муомала қилишга катта эътибор қаратинг. Бундан ташқари,

ишингиз тушган одамлар сиз ҳақингизда қандай үйлаши доим диққат марказингизда бўлиши керак.

## **Олдинга интилишингиз учун туртки берадиган 7 маслаҳат**

1. Ишончни оқланг, ҳамиша берган ваъдангизда туриング. Тадбиркорлик борасидағи режаларингизни ким билан бўлишиш ёки бўлишмаслик кераклигини яхши билб олинг.

2. «Очиқ эшиклар» сиёсатини юритинг. Ҳар бир ходимга алоҳида эътибор қаратинг, очик-оидин баён қилинган норозилик, қизиқиш ва хоҳиш ифодаларини рагбатлантиring. Уларни тез-тез мақтаб, мукофотлаб туриинг.

3. Яхши хислатлар, эшитиш қобилияти ва нутқнинг равонлигига эътибор қаратинг. Сўзингиз ва ишингиз бир бўлсин.

4. Мижозлар ва етказиб берувчилар билан бир хилда ижобий муносабатларни ўрнатинг.

5. Дадил, қатъиятли ва гайратли бўлинг. Қийинчиликлардан қўрқманг. Кейинги пайтларда ходимларнинг мустақил иш юртишига эътибор кучайган. Ўзингиз мустақил бўлинг: ташаббусни қўлга олинг, муаммолар юзага келишига йўл қўйманг.

6. Йиғилишларнинг самарали ва мазмунли ўтишига эътибор беринг. Барча катнашчиларга тадбирнинг батафсил режалари ва конспектини етказинг.

7. Ишончлилик, доимийлик ва масъулиятга катта эътибор беринг.

### **Сизни орқага судрайдиган 7 та хусусият**

1. Ҳамкаслар, ходимлар ва раҳбариятнинг ишончини йўқотиш.

2. Иш вақтида бекор ўтириш, ишдаги асоссиз танаффуслар, топшириқларни ўз вақтида бажармаслик ва хабарларни эътиборсиз қолдириш.

3. Бирор муаммо юзасидан яқуний фикр айтилгунига қадар раҳбарга ўз нуқтаи назарини билдирумаслик.

4. Яқуний қарор қабул қилинганидан кейин ҳам ўз фикрини маъқуллаш.

5. Ёқимсиз ташқи қўриниш ва саводсиз нутқ.

6. Раҳбарият ва ходимлар билан муаммолар муҳокамасида қатнашмаслик.

7. Ўзини қўлга ололмаслик, қийинчилик ва омадсизликдан сўнг ўйинга қайтиш.

### **Атрофдагиларнинг сўзсиз муносабатлари**

Ахборотлар доим сўз ёрдамида эмас, балки вужуд «тили» билан ҳам билдирилиши мумкин. Мимика, қўл ишоралари, ҳолат – буларнинг барчаси фикрлаш ифодалариидир. Агар вужуд тилининг лугати тузилганда эди, биз инсоннинг нима демоқчи эканини, умумий жумлалар ортида нима яширинганини осонгина билиб олган бўлардик.

Күпчилик вужуд тилини англашга, сўз-сиз сигналлар рўйхатини тузишга уринган. Масалан, агар қаршиングиздаги одам иягини қашиса, у вазиятдан чиқишини ўйлаётган, эрталаб соқолини олмасдан чиқкан ёки шунчаки ияги чиқиб турган бўлади.

*Суҳбатдошингиз  
қўлини кўкраги устида  
қовуштириб ўтирган бўлса,  
бу унинг сиздан ўзини  
олиб қочаётганидан, қабул  
қилмаётганидан дарак беради.  
Қизик ҳолат! Масалан, синф  
ёки томоша залига кирган  
пайтингизда кўпчилик қўлини  
қовуштириб ўтирган бўлса,  
бу ўқитувчи ёки актёрнинг  
қабул қилинмаганини  
англатмайди. Балки улар учун  
шундай ўтириш қулайдир  
ёки совқотишганми? Бошқа  
томондан, агар суҳбат қизиб  
турганида суҳбатдошингиз  
бирданига қўлини қовуштириб  
олса, бу сизнинг фикрингизга  
қўшилмаслигини билдиради.*

## Тананинг универсал тили бўлмайди

Гарчи қўл ҳаракатларининг бир маъноли лугати бўлмаса-да, буни тушунишга ҳаракат қилиш мумкин. Ҳар бир инсон гоя ва ҳисларини ўзича ифодалайди. Бундай ҳаракатлар кўпинча миллий мансубиятга ҳам боғлиқ бўлади. Мисол учун, икки йигит Мичиган штатида, Детройтда туғилган, аммо уларнинг ота-онаси АҚШга турили мамлакатлардан кўчиди келишган. Биринчи йигитнинг оиласи сухбат пайтида қўл ишоралари кўп ишлатиладиган мамлакатдан келган. Иккинчи оиланинг ватанида қўл ҳаракатлари билан гапириш ўта кучли ҳиссий қўзғалиш белгиси ҳисобланади. Йигитлар университетда учрашиб қолишади. Биринчи йигит муаммо ҳақида ўзи ўрганиб қолган усуlda, имо-ишоралар билан гапиришга тушади. Иккинчи йигит: «Бу муаммо бечорани ростдан ҳам қаттиқ изтиробга соглан шекилли», деб ўйланиб қолади. Гапириш навбати унга келганда ўта босиқлик билан, ортиқча ҳаракатсиз сўз бошлиайди. Биринчи йигит: «Бу масала уни умуман қизқитирмайди шекилли», деб ўйлайди.

Куйидаги мисол эса сўзсиз мулоқот воситаларидан фойдаланишда маданий хилма-хиллик қандай таъсир қилишини кўрсатади. Нью-Йоркдаги университет каҳвахонасида ўғрилик содир бўлади. Ректор кассага кириши мумкин бўлган талабаларни сўроққа тутади. Натижада унинг

шубҳаси Лотин Америкасидан келган қизга қаратилади. Ижтимоий ходим ундан шубҳасини асослаб беришни сўраганда у шундай дейди: «Ҳамма талабалар менинг кўзимга тик қараб, пулни олмаганини айтди, у эса биз гаплашаётганимизда кўзларини олиб қочди ва ерга тикилиб ўтирди. Бу унинг айборлигидан далолат беради». Ижтимоий ходим Лотин Америкасида туғилиб, тарбия кўрган қиз ҳеч қачон университет ректоридек юқори мартабали инсоннинг кўзига тик қарамаслигини тушуниради. Бу ўрнида қиз туғилиб ўстган муҳитдаги одатларни ректор, афсуски, ногўғри тушуниб, қизни сал бўлмаса ўғрига чиқараёзди.

Имо-ишоралар тили оиласавий анъаналарга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Николнинг оиласида гапираётиб бош ирғиб ўтиришга одатланишган. Улар билан сухбатлашаётиб фикримни тасдиқлайти деб ўйлашингиз мумкин. Аммо Николнинг айтишича, бош ирғаш бу оиласада «мен сизни яхши эшитяпман» деган маънени билдираркан.

### **Ҳар бир одамнинг имо-ишоралар тили бир-биридан фарқланади**

Имо-ишоралар тилини аниқ тушуниш тизими ишлаб чиқилмаган. Бироқ ҳар бир инсоннинг хулқини яқиндан ўрганиб, у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишини кузатиб, унинг ўзига хос «тил»ини тушуниш мумкин.

*Бирор бир фикрни  
тасдиқлаш учун Клавдий  
бошини хиёл олдинга эгса,  
Пол ўнгга буради. Николь  
эса, сиз нима дейшишингиздан  
қатъи назар, бош иргиб  
тураверади, фақат гапингиз  
унга ёқмаса, қош чимириб,  
бошини қимирлатишда давом  
этади. Сиз ҳар доим мулокот  
қиладиган ҳар бир кишининг  
табиатига қараб, сизнинг  
гапларингизга ҳаққоний  
муносабатини аниқлашингиз  
мумкин. Бундан ташқари,  
айрим имо-ишоралар сиз  
ишилаётган идора учун  
умумий бўлади ва шу асосда  
сиз муайян тасаввурларни  
умумлаштирасиз. Бироқ у  
ёки бу ишоранинг маъносини  
ўзингизча англашдан аввал  
жуда эҳтиёт бўлинг ва ўша  
одамга синчковлик билан  
назар солинг.*

Агар назарингизда имо-ишоралар сўз-  
ларга мос тушмаса ёки сўzsиз сигнални  
тўғри қабул қилганингизга ишончингиз  
комил бўлмаса, савол беришдан тортин-  
манг. Сухбатдошингиздан у назарда тутган  
нарсани бошқачароқ тушунтириб бери-

шини сўранг. Ўз вақтида берилган савол бирор ишора ҳақидаги ноўрин тасаввурга йўл қўймайди.

### Эшитиш ҳам санъат

Самарали мулоқот учун ҳамсұхбатлар бир-бирини эшита олиши жуда муҳим. Ўз навбатида сұхбатдошингизга дикқат билан разм солинг, у сизни эшитяптими-йўқми, эътибор беринг. Эшитиш маданияти билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Энг аввало, ўзингизни текширинг, тавсияларни ўрганинг ва ахлоқингизни назорат қилинг. Кейин эса, сұхбатдошингиз қайси муаммоли тоифага киришини аниқлаштиринг, уни сизнинг гапларингизни эшитишга мажбурлаш учун қуидаги тавсияларга амал қилинг.

*Ва ниҳоят, ўз  
вужудингизнинг ҳам «тил»ига  
эътибор беринг. «Олтин  
үрталық»ни сақланг. Ҳатто  
ижобий ишораларни ҳам  
керагидан ортиқ ишлатиш  
сұхбатдошингизда сизнинг  
самимиятингизга нисбатан  
шубҳа уйготади.*

## Тингловчиларнинг 7 тоифаси

Эшитишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Бу ерда ана шу таснифлардан биттаси ўрин олган. Рўйхатга қараб ўзингиз ва сухбатдошингиз қандай тоифага киришини аниқлаб олинг.

*Яхши тингловчи бўйинг.*

*Кулоқ сизни нокулай  
вазиятларга тушиб қолишдан  
асрайди.*

***Фрэнк Тайгер,  
таҳририят шарҳловчиси***

1. «Машгуллар». Улар ҳамма вақт қаергадир шошишади. Атрофга боқиб, бир пайтнинг ўзида бир нечта ишни бажаришади. Улар шунчаки ўтириб эшита олишмайди. Маслаҳат: агар сиз ушбу тоифага кирсангиз, сиз билан сухбат қилишаётганда бошка ишларингизни четга суринг. Агар сухбатдошингиз шу тоифага мансублигини сезсангиз, унинг бўш вақти бор-йўқлигини сўранг ёки «менга бир неча дақиқангизни ажратса оласизми?» дея мурожаат қилинг. Гапни асосийсидан бошланг, мақсадни аниқ ва лўнда баён қилинг, чунки бундай тоифадагилар дикқатларини тез жамлай олишади.

2. «Хаёлпастлар». Улар жисман сизнинг ёнингизда бўлсалар-да, хаёллари бутунлай бошқа томонда. Буни уларнинг юзидағи ифодадан ҳам сезса бўлади. Улар

гоҳида ухламай туриб «түш кўришади», гоҳида нималарнидир ўйлаб ўтиришади, фақат сизга эътибор қаратишмайди, холос. Маслаҳат: агар сиз ушбу тоифага кирсангиз, фикрингизни бир жойга жамланг, суҳбатдошингиз томонга эгилиб, бутун эътиборингизни унга қаратинг, саволлар бериб унга қизиқаётганингизни сездиринг. Агар рўпарангиздаги одам «хаёлпаст» бўлса, у сизни эшитяптими, тушуњяптими, йўқми – текшириб кўринг. Худди «машғул» одамлар билан бўлгани каби фикрингизни дадил, аниқ ва қисқа баён этинг. Бу тоифа одамлар ҳам диққатини дарров жамлай олишади.

3. «Сабрсизлар». Бундай одамлар билан исталган пайтда суҳбатга киришиш мумкин. Улар ҳам доим гапни сиздан кейин тугатишади, ўзлари гапираётган, эътибор қаратган гапни ўзлари эшитишмайди. Маслаҳат: агар сиз бу тоифага кирсангиз, суҳбатдошингизнинг сўзини бўлганингизни сезган заҳотингиз ундан узр сўранг. Шу тариқа сиз мулоқот пайтида ўз ҳолатингизни бошқаришни ўрганаасиз. Агар «сабрсиз» ҳамсуҳбат билан гаплашаётган бўлсангиз, гапингиздан тўхтаб, унга фикрини якунлаши учун имкон беринг. Ў ўз нутқини тугатиши билан «мен боя айтганимдай...» дея фикрингиз бўлинниб қолганига ишора қилинг ва уни дастлабки мавзуга қайтаринг.

4. «Лоқайдлар». Бундай одамларга нима дейишингиздан қатъи назар, лоқайд қа-

бул қилишади. Ҳудди бу нарсанинг уларга дахли йўқдек. Масалаҳат: агар сиз шундай тоифага кирсангиз, фикрингизни жамлаб, сұхбатдошингизга қизиқиши билдиринг ва унга ўз мақсадини очиқ баён этиши учун шароит яратинг. Қулоқ, кўз ва юрагингиз билан уни тингланг. Агар ана шу тоифа вакиллари билан сұхбатлашаётган бўлсангиз, имкон борича унга кўпроқ савол бериб, мавзуга унинг қизиқишини уйғотинг.

5. «Тажовузкорлар». Бу одамлар ҳар доим тиши тирногигача «қуролланган» жанговар ҳолатда бўлишади. Улар ҳамиша норозилик билдириш ва бошқаларни айблашга мойил кишилардир. Маслаҳат: агар ушбу тоифага кирсангиз, ўзингизни ҳамсұхбатингиз ўрнига қўйиб кўринг ва унинг нуқтаи назарини тушунишга, қабул қилишга урининг. Агар «тажовузкор» сұхбатдош сиз билан «жанг» қилаётган бўлса, қизишманг, уни босиқлик билан эшитиб, фикрларини қабул қилинг. Унинг фикрига қарши далилларингизни юмшоқлик билан кўрсатинг ва ҳолатни келгусида қандай ўзгартириш мумкинлигини ётифи билан тушунтиринг.

6. «Таҳлилчилар». Бундай инсонлар ўзларини ҳамиша маслаҳатчи ёки шифокордек тутадилар. Ҳатто сўрашмаса ҳам улар ўз фикрларини айтишга тайёр турадилар. Улар ўзларини буюк тингловчи деб биладилар ва ёрдам беришни хуш кўрадилар. Доим ниманидир ўйлаб топишади ва таҳлил қилишади. Маслаҳат: агар сиз ушбу то-

ифага кирсангиз, ўзингизни бир оз эркин қўйинг ва ҳамма ҳам сизнинг маслаҳатингизга муҳтож эмаслигини унутманг. Айрим одамлар масаланинг ечимини аниқ ва равшан кўриб турган бўлишса-да, ўз ғояларини муҳокама қилишни ёқтиришади. Бундай одамлар билан мулоқот қилсангиз, сухбатни қуидагича бошланг: «Маслаҳат сўрамоқчимасман, фақат ўз фикримни билдиromoқчиман!»

7. «Эътиборлар». Улар инсонни чинакамига тинглашни билишади. Қулок, кўз ва юрак билан севишади. Ҳамиша ўзларини сухбатдош ўрнига қўйиб кўришади. Бу сухбатдошни рағбатлантиради, унинг «очилиши»га ёрдам беради ва ўргадаги масаланинг тезда ҳал бўлишини таъминлайди. Ҳар бир инсон ана шундай эътиборли тингловчи бўлишга интилиши лозим.

### Тингловчининг принциплари

Эшитиш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун:

1. Сухбатдошингиз билан юзма-юз гаплашишни ўрганинг.
2. Ҳар бир жумланинг маъносини англанг.
3. Имо-ишоралар «тили»га эътибор беринг.
4. Сабрли бўлинг: фақат сухбатдошингиз фикрини туттанидан кейин гапиринг.
5. Сухбатдошнинг фикрини бўлманг, бир мавзуни охирига етказмасдан гапни бошқа тарафга бурманг.

6. Айтилган фикрлар эсингизда қолиши учун сұхбатдан кейин сизни махсус тест күтәётганини ҳис этинг.

7. Сұхбатдошингизнинг фикрини аниқ тушунмаган бўлсангиз, албатта сўраб олинг.

8. Унинг фикрларини хаёлан такрорлаб, аниқ тушуниб етганингизга ишонч хосил қилинг.

9. Шошилинч хulosса чиқарманг.

10. Эшиتاётган пайтингизда бошқа нарсаларни хаёлингиздан чиқариб ташланг.

11. Гапираётиб, сұхбатдошингиз сизни қандай қабул қилаётганига эътибор беринг, ўзингизни четдан әшитиб кўринг.

*Инсонга гапиришдан кўра  
икки марта кўпроқ әшишиши  
учун битта оғиз ва иккита  
қулоқ берилган.*

### Мулоқот пайтидаги мутаносиблик

Мулоқотнинг энг мураккаб томонларидан бири фикрни ифодалаш ва танқидни қабул қилишдир. Танқиднинг ўзи ҳеч қандай самара бермаслиги мумкин. Шу боис, диққатни мулоқот ва ахлоқий жиҳатларни яхшилайдиган амалий ахборотларга асосланган жавоб реакциясига жамлаш лозим. Мулоқот – бу икки ёқлама жараён. Сиз йўл-йўриқ кўрсатасиз, фикр билдирасиз, ғояларингизни бўлишасиз, кимнидир танқид қиласиз ёки бошқа бир инсон сиз-

га нисбатан худди шундай йўл тутади. Сиз сұхбатдошингизни тушунганингизга ёки у сизни тұла тушунганига қандай ишонч ҳосил қилиш мүмкін? Қуйидаги маслаҳатлар икки томонлама асосли мuloқotни йўлга қўйишда асқотади:

### **Қандай танқид қилиш керак?**

1. Далилларни тўпланг.
2. Ҳар бир ҳолатни ўз вақтида, алоҳида олиб ўрганинг.
3. Диққатингизни инсонга эмас, унинг харакатига, ҳолатига қаратинг.
4. Сұхбатдошингизга самимий мулозамат кўрсатинг ва шундан сўнг муаммоли масалани муҳокама қилишга киришинг.
5. Аввал бир оз мақтаб, кейин танқид қилинг. Бир пайтлар ўзингиз йўл қўйган ва бартараф этилган ана шундай камчиликларни санаб ўтинг.
6. Ўз қарашларингизни таҳлил қилинг: сиз нима учун танқид қиляпсиз? Сиз ўз ҳамсұхбатингизни унга холисона ёрдам бермоқчи эканингизга ишонтиринг.
7. Ҳеч қачон буюрманг, муаммони ҳал этишнинг тахминий йўлларини тавсия этинг.
8. Сұхбатдошингизга ўз қарашларингизнинг афзал томонларини тушунтиринг.
9. Сұхбатни дўстона оҳангда якунланг. Бундан кейин қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида келишиб олинг.

## **Танқидни қандай қабул қилиш керак?**

1. Ўзингизни қўлга олинг ва сұхбатдо-  
шингиз фикрини охиригача эшигинг!
2. Вазиятга ўз муносабатингизни билди-  
ринг.
3. Ўз қарорингиз ва ҳолатингизни ўзгар-  
тиришга тайёр туринг.
4. Сұхбатдошиңизнинг нияти холис  
эканига ишонинг.
5. Ўзингизни ҳимоя қилишга ҳаракат  
қилманг.
6. Ўзингизни оқлаш учун йўл қидир-  
манг, фактларни баён қилинг.
7. Сұхбатдошиңизнинг фикри учун  
миннатдорчилик билдиринг.
8. Ишнинг қандай давом этиши юзаси-  
дан келишиб олинг.

### **Резюме**

- Сұхбат асносида сиз сигнал юборасиз  
ва бу сигналларни одамлар қандай қабул  
қилишига қараб уларнинг сизга бўлган  
муносабати шаклланади.
- Ривожланиш ва ижобий шахсий  
имижни сақлаб қолишининг асосий омили  
ўз-ўзига бўлган ишончдир.
- Биринчи таассурот жуда катта аҳами-  
ятта эга ва у ташқи кўринишга қараб юзага  
келади.
- Шахсий бренд сизнинг ўзига хос то-  
монарингиз, кучли жиҳатларингиз, қи-  
зиқиш ва интилишларингизда намоён

бўлади, сизнинг иш берувчи, мижоз, ҳамкасб ва бошқа муҳим шахслар билан муносабатингизни белгилайди.

• Ташрифномангиз (визиткангиз) сизнинг ўзингизга хос томонларингиз ва сұхбатдошиңгизга қандай фойдангиз тегишини кўрсатиши ҳамда эсда қоларли бўлиши керак.

• Бирламчи яхши таассурот – атрофингиздагилар қабул қилиши учун профессионал имиж яратишдаги биринчи қадам саналади. Ҳар бир инсон билан мулоқот қилишдан олдин ташқи кўринишиңгизга, юриш-туришиңгизга, нутқингизга эътибор беринг.

• Биринчи таассурот сизнинг телефонда қандай гаплашишингиз ва иш юзасидан олиб бораётган ёзишмаларингизда ҳам юзага келади.

• Омадли одамлар тана тилини қандай тушуниш ва ундан қай тарзда фойдаланишни яхши биладилар.

• Ҳар бир инсонни мавқеи, мансаби, холати ва муҳимлилигидан қатъи назар, уни дикқат билан эшийтинг.

## ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ КҮНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мұваффақиятга әришиш үчүн фақат шахсий ва касбий хүсусиятларни ривожлантириш әмас, илгер башқарув технологияларини ҳам үрганиш зарур. Мартабанинг үсиши бевосита ходимлар билан ишлай билишга ҳам болғық.

Бу бобда персонал ҳақида тұхталиб ўтамиз.

### Ходим – менежер

Мутахассис сифатида ўз вазифаларини мүкаммал адо этадиган инсонлар башқарув ва раҳбарлик позициясини ҳам осонлик билан әгаллашади. Касбий имкониятлардан ва вақтдан имкон қадар унумли фойдаланиш үчүн «бажараман» босқичидан «бошқараман» босқичига ўта олиш керак.

*Профессионал жиһатдан  
ривожланиб бораётган  
менежерлар ташкилотта  
құшаётган фойдаларини  
200–300 фоизга оширадилар.  
**Жин Дальтон ва Пол  
Томсон, Гарвард бизнес  
мактаби***

## Иқтидорли менежернинг хислатлари

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, барча иқтидорли менежерлар дунёқараши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Мана уларнинг ўзига хос жиҳатлари:

*Ишбилармон менежерлар  
ходимларни бошқариш ва  
технологик жараёнларга ўз  
куч ва вактларини тенг  
тақсимлашади. Агар ҳамма  
эътибор жараёнга қаратилса,  
ишлаб чиқариш изга тушади,  
фақат ишчилар ўртасида  
тушуунмовчилик келиб чиқиши,  
янги технологияларга қўника  
олмаслик ҳолатлари  
юзага келади.*

1. Юксак ахлоқли, тамойиллар ва қадриятларга риоя қиласдилар.
2. Ҳам ишда, ҳам шахсий ҳаётда бошқаларга ўrnak бўладилар.
3. Улар ташкилотнинг мақсадини алоҳида, бўлимларникини алоҳида тушунадилар. Компанияда бўлаётган ўзгаришлардан ҳамиша огоҳ бўладилар.
4. Улар ҳамиша келажакка қараб иш тутадилар ва натижани қўздан қочирмайдилар.
5. Мулоқот қилиш, эшитишни яхши биладилар.
6. Ишонч ва ҳурмат қозонадилар.

7. Қийинчиликлар уларни қўрқитмайди ва ҳамиша ўз туйғуларини бошқара оладилар.

8. Гоялар, концепциялар ва жараёнларни соддалаштирадилар.

9. Қарашлар хилма-хиллиги ва жамоа меҳнатини ҳурмат қиласадилар.

10. Янги гоялар, ўзгаришларни, шунингдек, ўзларига нисбатан танқидларни ҳамиша самимий қабул қиласадилар.

11. Ходимларнинг муаммоларини ўрганишдан вақтларини аямайдилар, жамоанинг ҳар бир аъзоси ютуқлари билан алоҳида қизиқадилар.

12. Ходимларнинг кучли томонларини ўрганиш ва ривожлантиришга ҳаракат қиласадилар.

13. Натижа учун жавобгарликни ўз бўйниларига оладилар ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиласадилар.

14. Вақтни самарали бошқарадилар.

15. Ижодкорлик ва янгиланишни олқишилайдилар.

16. Муаммолар, зиддиятлар ва қабул қилинган қарорларни ҳал этишга холис ёндашадилар.

17. Муттасил ўқиб, ўзларини камолга етказадилар.

### **Янги менежерларнинг 10 та хатоси**

1. Мансаб ҳурмат қозонишга ёрдам беради деб ўйладилар.

2. Ўзларига қарши чиқиб, вавъдаларини бажармайдилар.

3. Иш билан бөглиқ муаммоларни ўзлариники деб биладилар.

4. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос олам эканини тушунмасдан ҳамма ходимларга бир хил муносабатда бўладилар.

5. Корпоратив мақсад ва стратегияга зид масалаларни ўртага ташлайдилар.

6. Ўз бўлимлари масаласини корпоратив муаммолардан юқори қўядилар.

7. Мақсад ва вазифаларни аниқ асослаб беришни билмайдилар.

8. Бошқаларга юклатиш лозим бўлган ишларни ҳам ўзлари бажаришда давом этадилар.

9. Кадрларни жойлаштириш масаласида сусткашлиқ қиладилар.

10.Ходимларни мақташ ва рағбатлантиришни унугдилар.

*Кўлингда имконинг  
бўлганида муҳтожларга  
ёрдам беришдан тўхтама.*

**Ҳазрати Сулеймон (а.с.)**

### **Ходимларнинг ишончига кириш учун...**

Янги менежер ўз мартабасининг янада ортиши учун унинг муваффақияти бевосита қўл остидагиларнинг ютуқларига бөглиқ эканини унумаслиги лозим.

Гэллап институти 400 та компания ходимининг содиқлигини текшириш учун тажриба ўтказди. Натижা шуни қўрсатдики, ходимнинг компанияда қолиши

ёки кетиши унинг оладиган маоши ва истиқболдаги ўсиш имкониятларидан қўра бевосита раҳбар билан муносабатларига боғлиқ экан. Ходимлар гамхўр, эътиборли ва меҳрибон раҳбарни ҳаммадан устун кўришар экан. Гэллап тадқиқотлари ходимнинг ишчанлик салоҳияти ва ўз ишидан қониқиши кўпроқ унинг раҳбарига бўлган ишончи, раҳбарнинг унга нисбатан гамхўрлиги натижаси ҳисобланишини кўрсатди.

*Одатда раҳбарнинг вазифаси ходимларнинг меҳнати билан ишни бажариш деб ўйлашади.*

*Бироқ ҳақиқий раҳбарлик ўз мақсадида иш воситасида ходимларини ривожлантириш демакдир.*

***Оға Ҳасан Обидий,  
халқаро банкир***

### **Ходимларни рағбатлантириш**

Ривожланиш ва таълим бўйича Америка мутахассислар жамияти ахборотномасининг 2003 йил октябрь сонида компания учун энг зарур ва ҳал қилувчи пайтларда ходимларни рағбатлантириш ва тўғри йўналтириш уларнинг ойлик ёки лавозимини кўтаришдан қўра кўпроқ таъсир кўрсатар экан. Файрат-шижоат, ишиаш иштиёқи бебаҳо хислат. Ўз ходимларини иш жараёнини бошқаришга жалб қиладиган

раҳбарлар янги-янги гоялар олиш билан бирга, уларда умумий муваффақиятларга қўшган ҳиссасидан ғуурланиш ҳиссини ҳам уйғотадилар. Турли масалаларда фаол иштирок этәётган ходимлар раҳбарга ўзлари истаган унумли иш шароитларини яратишда ҳам катта ёрдам берадилар.

### **Ўсиш имкониятлари**

Шахсий ёки касбий ўсиш имкониятлари мавжуд бўлганда ходимлар бошқа иш жойи қидиришга шошилмайдилар. Янги кўнишка ва ютуқларга бошловчи, малака оширувчи тренинг ва семинарлар ходимнинг ўз раҳбарига бўлган ишончи ва хурматини оширади. Бундай гамхўрлик биринчи навбатда ходимнинг ўз раҳбарига нисбатан садоқатини оширади. Ходимларни рағбатлантиришда касаба уюшмалиари турли имтиёзлар, тўловлар, қўшимча танафусларни тавсия этган ҳолда ёрдам беради. Кадрларга етарлича гамхўрлик кўрсатадиган компаниялар уларнинг кўз олдида келгусидаги манзараларни намоён қиласди. Натижада улар нимага интилиш кераклигини билишади ва янги ишга ўрнига ошиқишмайди.

### **Ходимнинг шахсий хаётига хурмат**

Айрим раҳбарлар ўз ходимларининг тўлақонли ҳаётини билиш муҳим эканлигини англайди, иккинчи тоифадагилар ўз ходимлари фақат иш билан нафас олиш

лари, яшашлари керак деб ҳисоблайди. Биринчи тоифадаги раҳбарларда ходимларини ўз қўл остида ушлаб туриш имкони қўпроқ. Ходимларнинг оиласидан шахсий ҳаётига ҳурмат билан ёндашадиган раҳбарлар уларнинг ишончи ва садоқатини қозонадилар. Омадли раҳбар болалар тарбиясига, ота-оналар хизматини бажо этиш заруратини чуқур англайди ва ўз ходимлари учун қулай иш жадвалини тузишга уринади.

*Раҳбар ўз қўли остидагига тарга  
улардан нимани талаб қилишини  
ва уларнинг хизматини қандай  
рағбатлантиришини билсагина,  
ўзи кўзлаган мэрраларни забт  
эта олади.*

**Макс Депри,  
«Herman Miller Inc»  
компанияси фахрий раиси**

### **Компенсация ва имтиёзлар**

Пул – муҳим, аммо ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлмайди. Ходимлар ўз хизматига яраша адолатли тарзда ҳақ олишни исташади. Улар тиббиёт сугуртаси, пенсия жамгармасидан тўлов сингари қўшимча даромадларни ҳам ёқтиришади.

**Ходимдан максимал фойда олишга  
қандай эришса бўлади?**

Ходимлар ғайрат-шижоат билан, сид-қидилдан ишлашлари учун уларни албатта рағбатлантириш ва тўгри йўналтириш

керак. Улар сизни муносиб раҳбар сифатида тан олиши, компанияни ўз уйи сифатида кўришлари керак.

Афуски, ходимларнинг катта қисми ўзлари ишлаётган компанияда гайрат-шижоатни, қониқишини ҳис этмайдилар. Нега шундай? Чунки раҳбар биринчи кундан ходимга нима қилиши кераклигини ва нималар мажбурий эканини уқтиради. Аслида ходимнинг ишдаги ҳаёти қандай назорат қилинади? Агар унга ўз ишига мустақил ва маъсуллият билан ёндашиш имкони берилса, у ўз меҳнати натижасини кўрсатишдан манфаатдор бўлади ва ишидан хузурланади. Натижада меҳнат жараёни сермаҳсул кечади.

### **Ходимга нима иш қилаётганини англаши учун имкон беринг**

Ходимларнинг иш маҳсулдорлигини оширишдаги биринчи қадам – билимдир. Агар инсон ўз ишини тушунса, зиммасига юклатилган вазифани тўлиқ бажарса, ўзи ҳам мириқиб ишлайди, ҳам фойда келтиради. Масалан, Натан даставвал компанияда куръер сифатида иш бошлади. Натанга бу иш ёқмади ва тезроқ бошқа иш топиш ҳаракатига тушди. Унга ҳужжатларни компьютер бўлимига етказиши топширилган эди. У ўқувчилик пайтида компьютер курсини битирган, бўлим ходимлари билан уларнинг иши ҳақида тез-тез гаплашиб турарди. Арт бўлими бошлиги Натаннинг

компьютерга қизиқишини пайқаб қолди ва уни ўз бўлимига ишлашга таклиф қилди. Натан фақатгина дастурий таъминот ва компьютер қурилмалари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиши лозим эди. Бир неча ойда у бўлим ходимлари биладиган ҳамма нарсаларни ўрганиб олди. У янги ишига меҳр қўйди, ишда ўзини қулай ва эркин ҳис эта бошлади. Ҳамкаслари хурматини қозонди, бўлимнинг энг самарали ходимларидан бирига айланди.

### **Муқаммалликка интилаётган ходимни рағбатлантиринг**

Яхши раҳбар ўз ходимлари сонини кўпайтиришга интилади. Кристина ўз вазифаларини тўғри бажарар эди, аммо бошлиғи Кэти унинг ўз имкониятидан етарлича фойдалана олмаётганини сезиб

*Кэти ва Кристина  
мақсадларни белгилаб, уларга  
қандай эришиш режасини  
тузиб чиқшишди. Улар тез-  
тез учрашиб туришар,  
бажарилган ишларни мухокама  
қилишар эди. Шу тариқа  
Кристинанинг ўсиш жараёнини  
таҳлил этишарди. Бир  
неча ой ўтиб, Кристина ўз  
самарадорлигини бир неча  
баробар оширди ва қисқа вақт  
ичида жуда катта ютуқларни  
қўлга киритди.*

қолди. Кэти Кристинани хонасига чақириб шундай деди: «Сен жуда яхши ишлапсан, эътиrozим йўқ, лекин билишимча, сен бундан кўпроғига қодирсан. Сенинг салоҳиятинг жуда баланд ва компаниянинг энг яхши ходимларидан бири бўла оласан. Жуда қийин топшириқларни ҳам аъло даражада бажаришингта ишонаман. Кел, биргалиқда режа тузиб чиқайлик: сен нимага қодирсан ва ҳақиқатда нимага арзийсан?»

### **Ходимларнинг бошқарувдаги иштирокини қўллаб-қувватланг!**

Бихевиористлар қўп ииллардан бери ходимларнинг бошқарув жараёнидаги иштирокини ҳимоя қилиб келишади. Олимларнинг исботлашича, ходимларнинг ўз

*Заводдаги ишчи бир соат  
ицида маълум миқдордаги  
деталларни ишлаб чиқариши,  
муҳаррир бир кунда муайян  
саҳифадаги матнларни таҳрир  
қилиши, савдо вакили бир  
ойда белгиланган миқдордаги  
савдо ҳажмини таъминлаши  
керак. Меъёрларни одатда  
ким белгилайди? Бошлиқ.  
Агар ходим ушбу меъёрлар  
белгиланаётганда раҳбарнинг  
ёнида бўлса, самарадорлик  
сезиларли даража ортади.*

иш мажбуриятларига оид муаммоларни ҳал этишдаги иштироклари ва қизиқишлиари шу муаммоларнинг муваффақиятли ечимида катта ўрин тутади.

Асосан, ходимларнинг нормативларни белгилашдаги иштироклари жуда кўп касбларнинг ажралмас унсури ҳисобланади.

Уста Жекка бир соат ичида 100 та деталини йўнишни буюрди. Жек ўйлаб қолди: «Ўх-хў, бунинг имкони йўқ. Мен бир соатда кўпи билан 70 та деталини йўна оламан». Агар бошқача йўнилса-чи? Дейлик, уста бошқача ёндашди: «Жек, рақобатчиларимиз ишлаб чиқаришни ишчи кучи арzonроқ бўлган хорижий давлатда йўлга қўймоқчи. Улар билан муносиб рақобатлашиш учун ҳар бир ходим иш ҳажмини ошириши керак. Нима деб ўйлайсан, сен бир соатда кўпи билан нечта деталини йўна оласан?» Шунда ходим ўзининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳиссасини, хизматини англаб етади. Шу тариқа у ўз устида кўпроқ ишлаб, самарадорликни оширишга интилади. Бунинг учун ходимга ташки туртки (раҳбар)дан кўра ички туртки (шахсий) кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

### **Ходимнинг янги ғояларини қўллаб-куvvatlanг**

Кўпгина ходимлар, агар раҳбарият уларнинг таклиф ва ғояларига жиддий ёндашишса, ўз зиммасидаги масъулиятни чукурроқ ҳис этишади. Табиийки, ҳар қандай ғоя ҳаётга татбиқ этилавермайди, бал-

ки ҳар бир гоя таҳлил ва муҳокама қилинади. Ходимларда ўз-ўзидан қониқмаслик ҳиссини шакллантиринг. Ходим жараён тұхтаб қолмаслиги, технология ва жараёнылар доимо ўзгариши ва унинг ўзи шунга тайёр туриши кераклигини англаши лозим.

*Рахбар доим келажакка күз тутыб, ходимларни түгри йўналтириб бориши керак.*

*Ходимлар фақат кўрсатилгани вазифани бажариши эмас, балки тинимсиз ўйлаши ҳам керак.*

Ходимларнинг барча таклифлари холосона қабул қилиниши, имкониятларга қараб муҳокама этилиши лозим. Агар бу таклиф фойда берса, ходим рағбатлантирилиши, аксингча бўлса, сабаблари тушунилиши керак.

Ходимлар ўз ишларига нисбатан қарор қабул қила олишларига кўзлари етса, ўз вазифаларини самарали ва муваффакиятли бажаришга интиладилар, куч ва гайрат билан ишлаб, ҳар бир янги иш кунини сабрсизлик билан кутадилар.

### **Ўз муносабатингизни билдиринг**

Тўғри йўналтирилган жамоани ривожлантиришнинг энг муҳим омили унинг ҳар бир аъзосига индивидуал ёндашишдир. Мехнат жамоаси роботлардан эмас,

инсонлардан таркиб топади. Ҳар бир инсоннинг кучли ва заиф томонлари, шахсий принциплари, ўзига хос иш услуби бор. Раҳбар ҳар бир ходимнинг ўзига хос жиҳатларини билиши, ҳисобга олиши, уларда энг яхши кўникмалар ва хусусиятларни ривожлантириши керак.

*Ходимни тушуниш  
учун унинг фақат касбий  
хусусиятларини тушуниш  
етарли бўлмайди. Унинг учун  
ўз шаъни, ор-номус, мақсадлар,  
оила, шахсий муаммолар  
биринчи ўринда туришини  
унутмаслик лозим.*

### Барча ходимларнинг феъл-авторини таҳлил қилинг

Ҳар бир инсон ўзича яшайди, ишлайди. Психологлар бу феноменни ахлоқ манераси деб атайдилар. Масалан, Скотт ҳамиша гапириш ёки изоҳлашдан аввал ўйлаб олади. Шейла ҳисботни топширишдан олдин бир неча марта қайта ҳисоблаб чиқади. Тодд кўп ўйлаб ўтирмасдан дархол ишга киришади.

### Ҳар битта ходимни англаанг

Ҳар бир инсонни англашнинг энг яхши усули у билан сұхбатлашиш, савол бериш, у ёки бу муаммо юзасидан унинг фикрини билишdir. Агар эзма бўлиб қўринишни истамасангиз, тўғридан-тўғри шахсий са-

волларни берманг, фақат эшитинг – нимани гапирётгани ва нимани гапирмаётганига эътибор қилинг. Ҳамкаслар билан нима ҳақда гаплашаётганини кузатинг. Бирорларнинг сухбатини эшитиш яхши одат бўлмаса-да, бу инсонни англашнинг мақбул усули. Унинг қандай ишлашини, у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишини кузатинг. Инсонга нима ёқиши-ёқмаслиги, унинг ўзига хос, ҳатто галати тарафларини тушуниб етиш учун унча кўп вақт керак эмас. Диққат билан эшитиш ёки кузатиш орқали ҳар бир ходим учун нималар кераклигини англаб етасиз.

Кичикроқ жамоани бошқариш асосида ҳар бир ходимнинг хусусиятларини эслаб қолиш осон. Агар йирик бўлим ёки компанияни бошқарсангиз, ҳар бир ходимнинг шахсий жиҳатларини белгилаб бориш учун блокнот тутинг ёки компьютерда алоҳида папка очинг, ходимларнинг оиласи, фарзандлари, қизиқишлиари, энг муҳим хусусиятларини ёзиб боринг. Бу уларнинг қалбига йўл топишингизга ёрдам беради.

### **Замонавий технологиялардан фойдаланинг**

Мотивацион технологиялар курсини тутгатган айрим янги менежерлар ҳам уларни кундалик иш жараёнида қўллашда қийинчиликларга дуч келадилар. Ишни нимадан бошлаш кераклигини белгилаб олинг:

• Ҳар бир ходимнинг шахсий ишлари ва интилишларини ўрганинг.

• Жамоа билан очик мулоқотда бўлинг. Ҳамма саволларни диққат билан эшигинг. Уларни баҳоланг ва жавоб қайтаринг.

• Бирорта қарорни ўзбошимчалик билан қабул қилманг. Агар бирор қарор юзасидан сизга мурожаат қилишса, сиз бу борада ходимнинг шахсий фикрини, муаммонинг ечимини нимада кўришини сўранг.

• Иш режасини тузишдан олдин уни жамоанинг муҳокамасига ташланг.

• Ходимларнинг малака ошириш ва янги кўникмаларни ўзлаштириш ҳақидаги талаб-истакларини рағбатлантиринг. Бир қанча касбларни эгаллашни таклиф қилинг. Турли бўлимлардаги ходимларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиринг.

• Ҳар бир ходим ундан нималар кутилаётгани, иши қандай баҳоланаётганини тушуниб етадими-йўқми, буни билиш учун мақсад ва вазифаларни унинг ўзи билан муҳокама қилинг.

• Вақти-вақти билан умумий йигилишларни ташкил қилиб туринг.

• Етказиб берувчи ва воситачилар билан учрашувлар уюштириб, уларни умумий йиғилишларга таклиф қилинг.

Бу тавсиялар меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширишга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга, жамоадаги кучларни бирлаштиришга ёрдам беради.

## Ишни бойитиш

Завқ ва қониқиши хиссини уйғотадиган касблар жуда күп. Фақат айрим одамлар эҳтиёж туфайли ўзлари ёқтирган ишларни бажаришга мажбурлар. Бундай ишлардан роҳат олишнинг имкони йўқ.

Бир хил ва бир маромдаги ишни ёқимили ишга айлантиришнинг усулларидан бири модернизациядир. Ишни бажарилиши шарт бўлган вазифа деб эмас, жараён сифатида қабул қилинг. Натижадан кўз узмаган ҳолда чегараларни кенгайтиринг.

*Хақиқий раҳбар ўртамиёна  
ходимни иктидорли ходимнинг  
ишини бажаришга қандай  
мажбур қилиш мумкинлигини  
яхши билади.*

**Жон Д. Рокфеллер**

Ишни бойитишга мисол келтирамиз. Женниферни ўз ишидан норози, ноаҳил ходимлардан иборат жамоанинг суғурта талабларини қайта ишлаш бўлимига раҳбар этиб тайинлашди. Суғурта талабномаларини қайта ишлаш бир нечта босқичда бажариларди. Ҳар бир ходим талабноманинг муайян қисмини кўриб чиқар ва кейинги ҳамкасбига узатарди. Бирор хато аниқланганда ҳужжат раҳбарга етказиларди. Бу самаралими? Эҳтимол. Аммо иш шакли ўта зерикарли.

Женнифер талабномаларни, қайта ишлаш жараёнини ўзгартирди. Энди ҳар

бир ходим талабномани түлиқ үқиб чиқар, хатоларни бартараф этар, муаммоларни шахсан ҳал этарди. Шу тариқа биттә талабномани қайта ишлашга кетадиган вақт сарфи ошди, аммо ишнинг бу шакли ходимларнинг қизиқишини оширди, улар қизиқишиш ва қониқиши билан ишлашга ўтишди. Ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Кадрларнинг ўз ишидан норозилиги, ноаҳиллиги минимум даражага тушди.

Ходим барча жараёнлар билан таниш бўлса, барча масалаларни қолган ҳамкаслари билан бирга ҳал этишга қодир бўлса, ходимлар ўртасидаги жипслик ортади, бу меҳнат самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, фаолият турини ўзгартириш қотиб қолган мажбуриятларнинг хилма-хил бўлишига ёрдам беради.

Кимгадир ниманидир мажбуран сотиш, нимадир килишга ундаш, буюриш хеч кимга ёқмайди. Ҳар бир инсон ўзи истаган нарсани сотиб олгиси, ўзи тўғри деб билган ишни қилгиси келади. Ҳар бир инсон унинг фикри, истак ва талаблари билан ҳисоблашишларини истайди.

### **Мотивациянинг салбий шаклидан қочинг**

Ишлаб чиқариш андозаларини ёки корпоратив қоидаларни бузиш оқибатида ишдан ҳайдалиш хавфи ҳаракатланишнинг самарали усули бўлиши мумкин. Бироқ бу вақтинча, холос иши йўқлиги, бу

*Меҳнат бозори кенгайиши  
билин ишдан қувилиш хавфи  
ҳам камаяди. Бошқа ишга  
үтиш имкони мавжуд бўлса,  
диктатор раҳбарнинг қўл  
остида ишлаш кимга ёқади?*

ишидан ҳам ажралиши ва ҳеч нимасиз қолишини англаб турган ходим албатта ишлайди. Лекин қандай? У факат ишдан қувилмаслик учун ишлайди. Қўрқув ишга туртки бермайди. Ҳақиқий мотивация одамларни керагидан кўпроқ ишлашга ундаиди.

Баъзи одамлар мотивациянинг салбий шаклига ўрганиб қолишган. Эҳтимол, болалик пайтида уларни ота-оналари муттасил қўрқитишгандир? Балки уларнинг ўзлари золим раҳбар қўл остида ишлашгандир? Шу сабабли улар учун қаттиққўлий бошқарувнинг асосий шакли бўлиб қолгандир? Яхши раҳбар барча ходимларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ходимларга мақбул бўлган муомала ва мотивация усулини қўллаши керак.

## **21 та самарали мотивация омили**

Қуйида ходимнинг самарадорлигини оширишни кафолатловчи энг яхши мотивация усуллари келтирилди.

1. Мақсадларни аниқ белгилашда ва уларни амалга ошириш режасини тузища ходимларнинг иштирокини рағбатлантиринг.

2. Ходимларнинг бажараётган ишлари бошқа ходимларнинг ишига қанчалик мувофиқ келишини тушунтириб боринг.
3. Ходимларни муваффақиятли ишлаш учун зарур бўладиган воситалар ва дастурлар билан таништириб боринг.
4. Ҳар бир ходимга муносиб иш хақи белгилант.
5. Қулай ва хавфсиз меҳнат шароитини яратинг.
6. Аниқ ва тушунарли йўл-йўриқларни беринг.
7. Ходимнинг имконияти ва қобилиятидан келиб чиқиб топшириқ беринг.
8. Одамларга уларнинг бевосита мажбуриятлари билан боғлиқ қарор чиқариш имконини беринг.
9. Ҳар бир ходимнинг фикрига диққат билан ёндашинг.
10. Топшириқни муваффақиятли бажарган ходимдан мақтовингизни дариг тутманг.
11. Ҳар бир саволга аниқ ва очиқ жавоб беринг.
12. Ҳар бир ходимга холис, адолатли, ҳурмат билан ёндашинг.
13. Ходимларга уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашинг.
14. Ходимларнинг янги билим ва кўнникмалар орттириш истагини қўллаб-қувватланг.
15. Ҳар бир ходимга алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатинг.

16. Ҳар бир ходимнинг феъл-атворини ўрганиб чиқинг ва у билан мулоқот пайтида эътиборга олинг.
17. Ходимларда ишга нисбатан қизиқиш ва ғайрат уйготинг.
18. Ҳар бир ходимга жамоанинг ажралмас қисми эканини ҳис этишига имкон беринг.
19. Жамоанинг гоя ва таклифларини дикқат билан ўрганинг.
20. Ходимларни уларнинг сардорлик даражасидан хабардор қилинг.
21. Ходимларни тўлақонли ишлаш истаги ва ҳаракатларини қўллаб-қувватланг.

*Мотивациянинг энг самарали шакли шахсий ютуқларни қўллаб-қувватлаш ва тан олишдир. Раҳбар оғзаки ёки ёзма равишда ходимнинг позициясини қўллаб-қувватлаши, ташкилот ютуқларидаги аҳамиятини таъкидлаб туриши керак. Ходимлар ҳамманинг олдида ва раҳбар билан юзма-юз турганда мақтov эшишишини, уларнинг хизматлари хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, ётироф этилишини яхши кўришади.*

## **Эътироф ва рағбат**

Пул – ойлик маош ва турли бонусларни ошириш – ходимларни рағбатлантиришнинг кенг тарқалган усули. Ҳақиқатан, молиявий масалалар қўпчилик учун муҳим саналса-да, ҳаракатга келтиришнинг бошқа, янада самаралироқ усуллари ҳам бор. Қўплаб сўровлар натижаларига кўра, айрим кишилар ўзларини кўрсатишни, ўз меҳнатларининг эътироф этилишини пулдан юқори қўйишиди.

Биз муваффақият қозонишимизга, ўз ишимиздан завқ олишимизга ёрдам бергандарга миннатдорчилик билдиришни қўпинча унтиб қўямиз. Раҳбат сифатида сиз хомларга уларнинг умумий мақсадлар рўёбига қўшган ҳиссасини қадрлашингизни айтишингиз шарт.

### **Ходимни қандай мақташни ўрганинг**

Одатда раҳбарлар имкон қадар ходими ни мақташ эмас, танқид қилиш учун асос қидиришади. Раҳбарият вижданан бажарилган ишни мажбурият ўрнида қабул қиласи ва бунинг учун мақтовни лозим топмайди.

Мисол учун, супермаркетлар тармоги раҳбари Дугласнинг дўконларидан бирида бошқарувчи бўлиб ишлаётган Томга муносабатини келтириш мумкин. Дуглас айтади: «Мен ҳар гал дўконга кирганимда Томнинг ишидан бирор камчилик топиши-

га уринардим. Мен ундан ҳамма ишни бекаму күст бажаришини сўрардим, назаримда у кўпроқ нарсага қодир қўринарди. Кейин мен бу дўконнинг яхши даромад келтираётганини пайқадим (хафтасига 10 минг доллар). Сўнг сотувчиларнинг ва бошқа ходимларнинг Томга қанчалик ҳурмат билан қарашларини кўрдим. Мен танқидга шу қадар берилиб кетганимдан Томнинг ютуқларини эътироф этишни унугиб қўйибман.

Кейинги гал дўконга кирганимда Томга беназир ходим эканини айтдим. Савдо ҳажми ошаётганини билдириб, унинг харидорлар билан муомаласини мақтадим. У менинг қаршимда қаддини тик тутиб турар, аммо кўзларида ёш милтиради. «Хўжайин, – деди у, – бу ерда иш бошлаганимдан бери бир марта ҳам мен билан гаплашмагансиз. Мен ва менинг ишим

*Банкнинг бош газначиси  
Виржиния ҳамиша таътил  
ёки даволанишдан сўнг  
ишга қайтганларни очиқ  
чеҳра билан кутиб оларди.  
Ходимларнинг саломатлиги,  
таътил қандай ўтганини  
сўраб, у йўқлигига ишда юз  
берган янгиликларни гатириб  
берарди. Шу тариқа у  
ходимларга керак нарсани  
бера оларди.*

ҳақида ўйлашингизни билиб бошим осмонга етди».

Кўпгина раҳбарлар маош ёки мукофот миқдорини ошириш ходимни рағбатлантиришнинг энг тўғри йўли деб билишади. Саноат корхонаси соҳиби Тимоти ишини янада ривожлантиришни ўйларди. Унинг ходимларидан бири бошқалардан кўра кўпроқ иш бажаарди. Табиийки, бунинг учун у қўшимча мукофот олар, аммо Тимоти ўз миннатдорлигини фақат пул билан ифодалай олмасди. Шунинг учун у ходимига алоҳида раҳматнома йўллаб, компаниянинг ривожига ҳиссаси бекёёс эканини баён қилди. Бу мактубни олган ходим йиғлаб Тимотига миннатдорлик билдириди. Тимотининг ўзи ҳам ходими ning садоқатидан кўнгли бўшаб, кўзлари ёшланди.

Ходимнинг меҳнатини эътироф этиб, раҳбар унинг ишга бўлган қизикишини оширади, уни келгусидаги ютуқларга ундаиди.

Одамлар нега ўзгаларнинг меҳнатини камдан-кам эътироф этишади. Кўпчилик раҳбарлар ўз ходимларини ишлашга мажбур деб ўйладилар: «У ўзининг ишини бажаряпти, холос!» Айрим раҳбарлар эътироф этишни ожизлик белгиси деб биладилар.

### **Мақтov борасида ҳасис бўлманг**

Ҳар доим ходимларга эътиборли эканингизни тақрорлаш шарт эмас. Гоҳида бажарилган ишга қандай қарашингиз, ходимингиз ютуқларидан қанчалик қувони-

шингизни самимий айтиб турсангиз бас. Самимий мақтодан ҳали ҳеч ким чарчамаган. Сиз юқори баҳолаган ходимнинг қайси жиҳати маъқул эканини унинг ўзига билдиринг. Агар ходимнинг бирон ҳаракати ёки бажарган иши таҳсинга сазовор бўлса, имкон қадар тезроқ миннатдорчилик билдиришга ҳаракат қилинг. Шу тариқа сиз унинг қувончига қувонч қўшасиз.

Агар узок муддатли ишни бажараётган ходимни мақташни истасангиз, ҳар бир оралиқ босқични ижобий тарзда якунлаганидан сўнг мақтаб кўйинг. Бу худди севги изҳори оиласвий муносабатларни яхшилаганидек, ходим билан орангиздаги муносабатларни изга солади, унинг иш натижасига бўлган қизиқишини оширади.

Айрим раҳбарлар ходимларнинг хизма-

*Одамларга сизнинг қанча  
кўп билишингиз эмас, уларга  
қанчалик эътиборли эканингиз  
муҳимроқ.*

***Говаррд Шульц***  
***«Старбукс» раиси***

тини эътироф этиш ўз мавқеларига путур етказишидан хавфсирайдилар. Бу нотўғри. Барча буюк инсонлар муваффақиятга эришишларида кўмаклашган инсонларга миннатдорчилик билдиришдан уялишмаган. Шу тариқа улар кучли инсон сиймосини яратишган ва бошқаларнинг ишончини қозонишган.

## **Доим ҳалол бўлинг**

Миннатдорчилик чин юракдан бўлиши лозим. Сизга ишонишлари учун ўзингиз айтган гапингизга ишонишингиз керак. Овоз, қарашлар, ҳаракатлар сизнинг асл ҳиссиётингизни ошкор этади. Агар сиз кимнингдир ишидан чин юракдан рози бўлмасангиз, уни ва ўзингизни сохта мақтовлар билан алдаманг.

*Миннатдорчилик юракдан  
чиқиши керак. Чин кўнгилдан  
айтилган сўзлар ўзингиз ва  
сухбатдошингиз кайфиятини  
кўйтариши аниқ.*

### **Резюме**

- Раҳбарлик курсисига ўтирганингиздан сўнг ходимларингизни сиз илгари бажарган ишни камида сиздек ёки ундан ҳам яхшиrok бажаришлиарига илҳомлантиринг.
- Гэллоп институтининг аниқлашича, ходимнинг бевосита раҳбар билан муносабати иш ҳақи ва имтиёзлардан кўпроқ аҳамият касб этар экан.
- Сиз ходимларингизга касбий ва шахсий ўсиш имкониятини яратиб, уларнинг садоқати ва ишончига эга бўласиз.
- Тадқиқотларга қараганда, бошлиқларнинг эътирофи қарор қабул қилиш, жараёнда иштирок этиш ходимлар учун пулдан кўра муҳимроқ саналар экан.
- Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт тарзи ва иш услуги бор. У ёки бу ходим қандай

ишилдайтганини кузатинг. Шу орқали унинг ахлоқий манерасини билиб оласиз.

• Зерикарли ишни ранг-баранг қилиш учун уни замонавийлаштиринг.

*Агар кемангиз қайси портга  
боришини билмасангиз, ҳеч  
қандай шамол манзилга  
етишингизга ёрдам  
беролмайди.*

### **Сенека**

• Ўз вазифасини қониқарсиз бажаргани учун ишдан қувилиш таҳдиidi ходимга ҳаракат бағишламайди, бундай ҳолатда у минимум даражада ҳаракатланади. Фақат мотивациянинг ҳаққоний усуслари ходими ни керагидан кўпроқ ишлашга ундаиди.

• Мақтov ҳаққоний бўлиши керак. Сиз ўзингизга, гапираётган гапингизга ишонинг.

## УЧИНЧИ БОБ

### ЖАРАЁНЛИ МЕНЕЖМЕНТ КҮНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жамоани бошқариш күникмаларини ошириш билан бир қаторда салоҳиятли раҳбар корпоратив мақсадларга хизмат қиладиган жараён унсурларини ҳам бошқара олиши керак. Бунга режалаштириш, йўналтириш, вақтни бошқариш, танлай олиш ва инновацияларни жорий этишни киритиш мумкин.

*Машғул бўлиш ҳар доим  
ишилаш дегани эмас. Ҳар  
қандай ишдан мақсад ишлаб  
чиқариш ёки бирор ютуққа  
эришиш демакдир. Бунинг учун  
бошқарув, ражалаштириш, ақл  
ва соглом нуқтаи назар ҳамда  
огир меҳнат керак бўлади.  
Нимадир қилишини истамоқ  
нимадир қилмоқ дегани эмас.  
**Томас А. Эдисон***

### Йўналтиринг

Шубҳасиз, ҳар бир бўлим ходимининг ўзига яраша иши кўп бўлади. Раҳбарнинг энг муҳим вазифаларидан бири қайси

ишиңи ўзи бажарып, қайсинасинани ходимларига топшириш ҳақида түғри қарор қабул қилишдир. Ишни түғри тақсимлаб сиз нафақат ходимга тегишли вазифаларни юклайсиз, балки унга мұхим ваколат берип, натижа учун масъул қилиб құясыз.

Ходимни түғри йұналтириш унинг уёки бу вазифаны бажаришда ўз қобиilia蒂га бўлган ишончини оширади.

*Энг яхши раҳбар иш  
пайтида четда тура олиши  
учун ўз атрофига уни  
қизиқтирадиган масалаларни  
муваффақиятли бажаришга  
қодир, ақлли ва тадбиркор  
ходимларни жамлаши лозим.*

**Теодор Рузвельт**

Менежерлар жуда кўп ҳолларда ўз имконияти доирасидан кўпроқ ишни зиммасига оладилар. Қуйидаги саволларга жавоб берип, ўзингизни синаб кўринг:

1. Сиз айрим ишларни уйга олиб бориб бажарасизми?
2. Мансабингиз ошгунча бажарган ишларингизни ҳозир ҳам давом эттиряпсизми?
3. Маслаҳат ёки ахборот олиш учун сизга тез-тез мурожаат қилишадими?
4. Бошқа ходимларингиз қилиши мумкин бўлган ишни ўзингиз қиляпсизми?
5. Ҳаддан ташқари кўп лойиҳаларни зиммангизга олмаганимисиз?
6. Ходимларингизнинг ишларига аралашишга, шошилинч бўлмаган ишларни ҳал этишга кўп түғри келадими?

7. Бошқа менежерлардан кўра кўпроқ ишлайсизми?

8. Бошқа ходимларнинг ишини бажариш учун кўп вақт сарфлайсизми?

9. Офисда бир неча кун бўмасангиз, сизни электрон хатлар ва овозли хабарларга кўмиб ташлашадими?

10. Бошқа ходимларга топширган ишинизни ўзингиз бажаришингизга тўғри келадими?

Агар сиз ушбу саволларнинг барига ёки аксариятига «Ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, иш жараёнини ва бошқарув услубини қайта ташкил этишингиз керак бўлади. Энг аввало, ходимларнинг сизнинг аралашувингизсиз кўпроқ ишларни бажара олишсин.

*Агар олдингизда қийин  
вазифа турган бўлса, уни  
қобилиятли, аммо дангасароқ  
ходимингизга юкланг. У  
муаммони ҳал этишининг энг  
енгил усулини топади.  
**Номаълум муаллиф***

### Йўналтиришдан қўрқманг

Сиз раҳбар сифатида ўз бўлимингизда юз бераётган барча ўзгаришлар учун масъулсиз. Лекин барча масъулиятни ўз зиммангизга олишингиз имконсиз, ҳатто хатарлидир. Зўриқиб ишлаш асабийликка, ошқозон яраси, ҳатто юрак хуружига ҳам сабаб бўлади.

Албатта. Фақат сиз қилишингиз лозим бўлган ишлар, фақат сиз ҳал қиласидиган ма-салалар, фақат сиз еча оладиган ўткир муам-молар кўп. Шу билан бирга, қўпгина вази-фаларни бемалол қўл остингиздагилар ҳам ҳал эта олади. Йўналтириш ваколатларни тўғри тақсимлаш имконини беради, сиз-нинг ва сиз ходимларингиз салоҳиятини оширишга кўмаклашади. Шунингдек, барча ишлар ўз муддатида, етарли тажриба ва ма-лакага эга ходимлар таарафидан бажарили-шини тъминлайди.

### **Мажбуриятларни тақсимланг**

Сиз ўз ходимларингиз қобилиятини яхши билишингиз керак. Вазифаларни тақсимлаш асосида у ёки бу вазифани ким қандай ҳал эта олишини хаёлингиздан ўт-казинг. Агар вақт етарли бўлса, ходимла-рингиз тажрибасини ошириш учун уларга қийинроқ топшириқ беринг. Агар ходим-ларингиз турили вазифаларни бажаришга қодир бўлишса, сиз учун ўз ваколатингиз-ни бажариш ва жамоани бошқариш шу қа-дар осон кечади. Агар жамоанинг ҳеч бир вакили бу ишни бажара олишига кўзингиз етмаса, бу ишни ўзингиз ҳал қилинг, аммо келгусида бундай ваколатларни юклаш учун бир ёки бир қанча ходимларни тай-ёрлаб туринг.

## Йўриқномалар аниқ ва тушунарли бўлсин

Раҳбар ходимига топшириқ бераркан,  
«тушунарлими?» деб сўрайди ва одатда  
ижобий жавоб олади.

Лекин ходим ундан нима талаб қилина-  
ётганини аниқ биладими? Эҳтимол. Агар  
у ҳаммасини тўла тушунмаган, фақат буни  
тан олишга журъат қилолмаган бўлса-чи?

«Ҳаммаси тушунарлими?» деб сўраш  
ўрнига ундан ишни нимадан бошламоқ-  
чи эканини сўранг. Шу орқали унинг иш  
моҳиятини қанчалик англаб етганини  
фарқлайсиз.

Зарурат туғилса, ходим йўриқнома-  
га тўла амал қилиши учун кичикроқ тест  
ўтказиб, бунга ишонч ҳосил қилинг. Ход-  
имнинг келгусидаги иш-ҳаракатини аниқ  
белгилаш учун аниқ саволлар беринг. Агар  
сизни асосан натижа қизиқтирса, умуний  
саволлар билан чекланинг.

Йўриқнома ходим учун нафақат тушу-  
нарли, балки мақбул ҳам бўлиши керак.  
Масалан, офис менежери Жанет сешанба

*Хеч қачон ходимларингизга  
ишни қандай қилиш  
кераклигини тушунтирунганг.*

*Уларга нима қилиш  
кераклигини айтинг ва улар  
ўз иш натижалари билан  
сизни лол қолдирishiшади.*

***Жорж Смит Паттон,  
генерал-лейтенант***

куни эрталаб Жеремига топшириқ беради ва ишни уч яримда тугатишни сүрайди. Жереми иш ҳажмини таҳлил қилиб, «бунинг имкони йўқ» деб ўйлайди. Бундай ҳолатда иш белгиланган муддатда битмайди.

Ходим топшириқни қабул қилиши учун унга бу ишнинг қанчалик мухимлигини тушунтиринг. Жанет шундай дейиши мукин эди: «Бу маъруза эртага эрталаб директорнинг столи устида туриши керак. Маъруза унга акциядорлар кенгаши олдидан сўзга чиқиши учун керак бўлади. Нима деб ўйлайсан, сен бу ишни қанча вақтда

*Ҳамма ишни ўзи қиласидиган  
ва ҳар нарсани ўз зиммасига  
оловерадиган одам ҳеч қачон  
буюк тадбиркор бўлолмайди.*

бажара оласан?» Бундай ҳолатда Жереми ўйлайди: «Ҳа, бу жуда мухим ҳужжат экан, агар тушликка чиқмасам ва севган қизимга қўнгироқ қиласам, маъruzani бешгача ёзиб битираман».

Маъруза эртага эрталаб тайёр бўлиши керак бўлса-да, нима учун Жанет уни соат уч яримда битириб беришни сўради? Эҳтимол шундай деса, Жереми ишни кечгача чўзиб бўлсаям битириб беришига умид қилгандир? Бироқ унутмаслик керакки, кўпчилик тезкорликни ижобий қабул қиласиди. Муддатида улгура олишмаслигини билиб, ҳатто бажаришга уриниб ҳам кўришмайди. У ёки бу вазифани

бажаришнинг мақбул муддатини ходимнинг ўзи белгилашига қўйиб бериб, сиз унга вақтида улгуриш имконини берасиз.

### **Назорат нуқталарини аниқлаштиринг**

Назорат нуқтаси – бажарилган ишнинг тутатилган, таҳлил қилинадиган, хатолари тўғриланадиган нуқтасидир. Назорат нуқталарининг мақсади хатоларни вақтида англаб бартараф этишдир. Назорат нуқтаси кутилмаган текширишга айланиб кетмаслиги керак. Ходимлар уларнинг фолияти қайси босқичларда таҳлил қилиниши лозимлигини билиши керак.

Ижодий имкониятларини рўёбга чиқармоқчи бўлсангиз, ходимнинг ҳар қадамини назорат қилманг.

*Ўз атрофингизга энг яхши  
ходимларни тўпланг, уларнинг  
ваколатларини белгиланг ва  
ишларига аралашманг.  
**Рональд Рейган***

**Ходимларнинг ваколатларини  
тақсимланг ва топшириқни аъло  
бажаришлари учун уларни зарур  
воситалар билан таъминланг**

Етарлича маблаг бўлмаса бирор ишни бажариш қийин. Бунинг учун ходимга керакли қурилмалар, мақбул иш жадвали, фойдаланадиган манбалар, шунингдек, етарлича ваколат берилиши керак.

Айрим раҳбарлар вазифаларни тақсимлашга эътиборсиз. Агар сиз қўл остингиздаги ходимнинг ҳар бир қадамини назорат қилишни истамасангиз, унда қарор қабул қилишни унинг ўзига қўйиб беринг.

*Раҳбарга юэага келган  
муаммо бўйича мурожаат  
қиларкан, ходим уни ҳал этиши  
бўйича ўзининг таклифини  
билдириши керак. Яхши  
ҳолатда у бу муаммони ўзи  
ҳал этади, ёмонроқ ҳолатда  
«сиз нима деб ўйлайсиз,  
шундай қилсан бўлармикин?»  
деб маслаҳат солади. Вазият  
янада қалтисроқ бўлса, «энди  
мен нима қиласман?» дейшиши  
ҳам мумкин.*

Агар ходимга қандайдир ашёлар керак бўлса, унга керагича маблаг беринг, токи у ўзига керакли нарсани сизнинг тасдигингизсиз топа олсин. Бу айниқса, мунтазам ишлайдиганлар учун асқотади. Ходимнинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилар экансиз, сиз ишнинг ижросини кечиктирасиз, ходимнинг эса ишга бўлган қизиқиши йўқолади.

## **Ишни тақсимлашда сиз мастьулиятни зиммангизга олмайсиз**

Ходимларингиз сизга тез-тез саволлар беришади, маслаҳат сўрашади, сизнинг ёрдамингизга муҳтоҷ бўлишади. Уларга ёрдам беринг, аммо ходимларнинг ишига чуқур кириб кетманг. Уларга ҳам доим ёрдамга, маслаҳатга, кўмакка тайёр эканингиз, аммо ҳеч қачон уларнинг ишини бажармаслигингизни айтинг.

*Сизнинг асаларидек  
тинимсиз ишлашингиз эмас,  
нима устида ишлаётганингиз  
муҳимроқ.*

**Генри Дэвид Торо**

Вазифаларни тўғри юклай билиш қобилияти бошқарув самарадорлигини оширади. Сиз вақтдан ютасиз, чунки асосий ишларни қўл остингиздагилар бажаради. Шу билан бирга, улар тажриба тўплашади ва қасбий жиҳатдан ўсиб боришади. Қолаверса, сиз ўзингиздаги раҳбарлик салоҳиятини ўстирасиз.

### **Вақтдан унумли фойдаланиш**

Муваффақиятли раҳбар бўлиш учун ўз иш вақтингиздан унумли фойдаланишингиз керак. Афсуски, вақтни назорат қила олмаслик бугунги раҳбарларнинг кенг тарқалган муаммоларидан бири саналади.

Вақтдан унумли фойдаланишингизга нималар халал бераётганини таҳлил қилиш учун қуйида келтирилган тўсикларни

энг муҳимидан бошлаб энг аҳамиятсизи-  
гача белгиланг. Кейин бу тўсиқларни бар-  
тараф этиш йўлларини кўриб чиқинг:

- диққат ва мотивациянинг йўқлиги;
- доимий узилиш ва ушланишлар;
- ишнинг ҳаддан ташқари кўплиги,  
вақтнинг эса озлиги;
- масалаларни ҳал этиш учун маблаг-  
нинг жуда озлиги;
- ишни оқилона режалаштирмаслик;
- вақтни орқага суриш тенденцияси;
- ўз-ўзини бошқариш ва зарур нарса-  
ларни саралашни билмаслик;
- ваколатларни тўғри йўналтира олмаслик;
- тўғри вақт доирасиги белгилай олмаслик;
- вақтни бекорга сарфлаш ва фойдасиз  
йигилишлар;
- рухий зўриқиши.

### **Вақтни самарали бошқариш тамојиллари**

Ўз вақтингиздан унумли фойдаланиш  
учун бир қанча тавсияларни келтириб  
ўтамиш:

1. Иш жойингизда тартиб ўрнатинг.  
Столингиз устидан кераксиз нарсаларни  
олиб ташланг, ҳужжатларни муҳимлик  
ва ишлатилиш тезлигига қараб тахлаб  
чиқинг.

2. Вақтни бошқариш воситаларидан –  
ишлар рўйхати (муҳимлик даражасига  
қараб), органайзерлар, хронологик жур-  
наллар, лойиҳалар рўйхати, тақвимлардан  
фойдаланинг.



3. Олдингизда турган ишлар ва белгиланган режалар рўйхатини қоғозга чиқариб олинг, ҳар бир пунктни бажарганингиздан сўнг ўзингизни рағбатлантириб туринг.

*Дақиқалар ҳақида қайгуринг.  
Соатлар ўзи ҳақида  
қайгураверади.  
**Лорд Честер***

4. Аниқ мақсадларни ишлаб чиқинг, уларни бир нечта босқичга бўлинг, ҳар биридан навбатма-навбат фойдаланинг. Сиз шу ишни бошланг, кўп ўтмай натижани кўрасиз.

5. Ҳар бир кунни режалаштиринг, кичик танафусларни ҳам фойдали ишларга сарфланг.

6. Ички биологик ритмга риоя қилинг. Айримлар эрталаб самаралироқ ишлашса, бошқалар кечки пайт кўпроқ ишлашади. Самарадорлик ва энергия кўпроқ бўлган пайтда ишлашга ҳаракат қилинг.

7. Омад келганида вақтни бой берманг. Куч-кувват, ғайрат, мотивация, ижодий изланишларни ўз фойдангизга ишлатинг. Бу муддат сизнинг илгари беҳуда сарфланган вақтингиз ўрнини тўлдиради.

8. Ўз ўзингизга «эртага меҳнат таътилига чиқаман ва ҳамма ишларимни тартибга солишим керак» деб сўз беринг. Ғайрат ва шиддат билан ишланг, шошилинч муаммоларингизни дарҳол ҳал этинг, муҳим қўнғироқларни дарҳол амалга оширинг, шошилинч хатларни тезлиқда жўнатинг.

9. Тезкорлик билан түғри қарор қабул қилишни ўрганинг.

10. Ҳар қуни бирон мұхым ишни бажа-ришга ҳаракат қилинг. Сизни чалғитув-чи омилларни четта суринг, танаффуслар вақтими қисқартиринг ва бутун дикқатин-гизни ишга йўналтиринг.

11. Мажбурий кечикириш ва ушланиш-лардан ўз манфаатингиз учун фойдала-нинг: ижодий куч ва энергия захирасини тўлдириб олинг.

12. Бошингиздан баланд сакрай олмай-сиз. Қўшимча вазифаларни зиммангизга олманг. Фақат «йўқ» денг, тамом. (Изоҳлаш учун ортиқча вакт сарфлаш шарт эмас.)

13. «Бирорга иш буюр, орқасидан ўзинг юргур» қабилидаги қараашдан воз кечинг. Бошқаларга юкланг, ходимларингизга ишонишдан қўрқманг.

14. Вақтлироқ уйгониш ва ишга гайрат билан киришишга одатланинг.

15. Амалий қўргазмаларга бориб ту-ринг, маҳсус журналларни мутолаа қи-линг: янги технологиялар ва вақтни тежаш йўлларидан боҳабар бўласиз.

16. Келгусида хатоларингизни такрорла-маслик учун уларни таҳлил қилиб туринг.

**Ойлик, ҳафталик, кунлик  
хронологик журналлар юритинг**

Вақт ҳисобини юритишнинг бир қатор усулларини кўриб чиқамиз.

**Келгуси ойдаги лойиҳалар рўйхати**

Ой _____	
Қилишим керак бўлган ишлар <i>Oй бошида тўлдирилади</i>	Иш ҳолатини текшириш <i>Oй охирида тўлдирилади</i>
1 лойиҳа Бажариш шарт %	1 лойиҳа Бажарилди %
%	%
%	%
2 лойиҳа Бажариш шарт %	2 лойиҳа Бажарилди %
%	%
%	%
3 лойиҳа Бажариш шарт %	3 лойиҳа Бажарилди %
%	%
%	%

**Зарур бўлганда бошқа лойиҳаларни  
ҳам киритишингиз мумкин.**

**Ҳафталик хронологик журнал**

	Душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума
7:00 гача					
7:00-					
7:30-					
8:00-					
8:30-					
9:00-					
9:30-					
10:00-					
10:30-					
11:00-					
11:30-					
12:00-					

12:30-					
13:00-					
13:30-					
14:00-					
14:30-					
15:00-					
15:30-					
16:00-					
16:30-					
17:00-					
17:30-					
18:00-					
18:30 дан кейин					

## Кундалик хронологик журнал

7:00 гача	
7:00-	
7:30-	
8:00-	
8:30-	
9:00-	
9:30-	
10:00-	
10:30-	
11:00-	
11:30-	
12:00-	
12:30-	
13:00-	
13:30-	
14:00-	
14:30-	
15:00-	
15:30-	
16:00-	
16:30-	
17:00-	
17:30-	
18:00-	
18:30 дан кейин	

## Зиқдик азоби

Мақсадларнинг амалга ошмай қолишига шошилинч ишларни муҳимлари билан чалкаштириб кўйиш сабабдир. Албатта, гоҳида кутимаган вазиятлар юзага кела-

*Ишибилармон раҳбарлар у  
ёки бу ишларнинг муҳимлик  
ва шошилинч нисбатига катта  
эътибор қаратишади.*

ди ва уларни ҳисобга олиш керак бўлади. Аммо келгусида албатта фойдаси тегадиган муҳим ишларни ҳам четга суриб бўлмайди.

Худди глобал инқироз муаммолари каби вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш, зиддиятларни ечиш сингари бир пайтнинг ўзида ҳам шошилинч, ҳам муҳим ишлар бўлади.

Шунингдек, ҳар доим муҳим, аммо шошилинч бўлмаган, масалан, лойиҳаларни режалаштириш, муносабатларни қайта кўриб чиқиш, кўникмаларни такомиллаштириш сингари ишлар ҳам бор.

Бундан ташқари, шошилинч, аммо муҳим бўлмаган ишлар ҳам бўлади. Дейлик: телефон қўнгироқлари, электрон хатлар, матнли хабарлар, янгиликларни томоша қилиш ва ҳоказо.

Айрим ишлар шошилинч ҳам, муҳим ҳам бўлмайди. Ҳар хил спамлар, компьютер ёки виртуал ўйинлар, бекорчи гап сотишлар дегандек.

## Саралашни ўрганинг

Сиз инсонларни бошқарасиз ва ишчан мухит талабларига нисбатан муносабатларни, харидорларнинг кутишини, ўзингиз эришишни истаган натижага боғлиқликни белгилайсиз. Замонавий дунёда нарх ва сифат бир хил қийматга эга.

Бироқ реал ҳаётда кўпроқ, яхшироқ, тезроқ ва камхаржроқ иш битиришга тўғри келади, демакки, ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя билишингиз керак. Дунёни нима бошқараётгани, раҳбар, ҳамкаслар, ташкилотнинг бошқа бўлими ходимлари бизнесда қайси омиллар етакчилик қилаётгани юзасидан билдирилаётган фикрларга қандай муносабатда эканини тушуниш жуда муҳимдир. Бу эса бутун ташкилот учун мақбул бўлган хулосаларни чиқаришга ёрдам беради.

*Вақтдан максимал даражада  
амарали фойдаланишни  
истасангиз, сиз учун нима  
муҳим бўлса, бор кучингизни  
шунга сарфланг.*

### **Ли Якокка**

Ишларни тўғри саралашга ёрдам берадиган тавсияларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- ишлар рўйхатини тузинг;
- ишларни уларнинг муҳимлигига қараб шахсий ва касбий гуруҳларга бўлинг;
- рўйхатдаги қайси муайян масалалар бошқа ходимларга ҳам алоқадорлигини

аниқланг (масалан, кимгадир қайсиdir ишни бажаришда ёрдам беришингиз керак);

• ҳар бир ишнинг бажарилиш муддатини белгиланг;

• у ёки бу масаланинг вақтида бажарилмаслиги эҳтимоли бўлса, таҳлил қилиб чиқинг;

• барча топшириқларни муддатида бажариш қанчалик мухимлигини ўйланг;

• рўйхатнинг охирида қилинадиган ишларни бошқаларга топширинг ёки улар вақт сарфлашга арзимаса, умуман воз кечинг.

### **Масалаларни мухимлик даражасига қараб тақсимланг**

Машҳур раҳбарлар қайси лойиҳалар ўта мухимлигини билишади ва ана шу «долзарб масалалар»ни келгусида кўриб чиқишиади. Улар бу масалада иш ҳолатидан хабардор бўлиб туришади, лойиҳаларнинг стратегик аҳамиятини ва бу ишни муваффақиятли битириш барча манфаатдор шахслар учун қанчалик мухим эканини яхши англашади. Улар мазкур лойиҳалар ташкилотнинг умумий стратегиясига қанчалар тааллукли эканини икки оғиз гап билан ифодалаб беришади.

Долзарб масалаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– даромаднинг ортиши;

– бозордаги ҳиссанинг кўпайиши;

– мижозлар базасининг кенгайиши;

– меҳнат самарадорлигининг ортиши;

– мавжуд муаммоларнинг креатив ечими.

## **Парето қонуни ёки 80/20 тамойили**

1906 йилда итальян иқтисодчиси Вильфредо Парето мамлакатдаги фаровонылик тақсимотидаги тенгсизликни акс эттирувчи формулани амалга киритди. Унинг аниқлашича, даромадларнинг ўртача 80 фоизи аҳолининг 20 фоизи ҳиссасига тўғри келар экан. Паретонинг бу кашфиётидан сўнг мутахассислар ўз фаолиятлари доирасида ҳам шунга ўхшаш феноменларни пайқашган.

Сифат менежменти бўйича илк мутахассис, доктор Жозеф Журан «кўплаб фойдали ва бир оз ҳаётий муҳим» универсал тамойилини ишлаб чиқди. Доктор Жураннынг кузатишларига кўра, ҳар қандай вазиятда 20% та 80% натижা мутаносиблиги юзага келади ёки бу Парето қонуни, бошқача айтганда, 20/80 тамойилини тасдиқлайди.

### **20/80 тамойилига мисоллар:**

- маҳсулотларнинг 20 фоизи омборхоналарнинг 80 фоиз захирасини ташкил қиласди;
- сотувларнинг 80 фоизини 20 фоиз сотувчилар ташкил қиласди;
- ходимларнинг 20 фоизи муаммоларнинг 80 фоизини юзага келтиради;
- фаолиятнинг 20 фоизи натижаларнинг 80 фоизини таъминлайди;

Бироқ бу формулани барча ҳолатларга мутлоқ тегишли деб бўлмайди. Бу концепциядан фақат вақтни унумли бошқаришда

фойдаланиш мүмкін. У 80 фоиз вактингизни 20 фоиз ўта мұхим мұассасаларга сарфлашингиз лозимлиги ҳақида кундадалик әслатма сифатида хизмат қиласы.

## Рақобатчиларни енгишнинг 5 усули

Күплаб ташкилотларда күтарилиш имкони бўлган юқори малакали мутахассислар ўртасида кучли рақобат боради. Бу қурашда устуныкка эришиш учун ташкилот газнасига сезиларли хисса қўшиш керак. Кучли рақобат мұхитида ўзингизни намоён этишнинг 5 усули қўйидагича:

1. *Пулни тежанг.* Ҳар бир ташкилот муваффақиятининг кафолати товар ва хизматлар сифатига зиён етказмаган ҳолда ҳаражатларни қисқартириш ҳисобланади. Ёпиқ таннархни ўрганинг ва уни камайтириш чораларини ишлаб чиқинг, шу тариқа даромадни оширинг. Барча ходимларни йигиб, таннархни тушириш масаласини мұхокама қилинг.

2. *Вақтни тежанг.* Пулни иқтисод қилиш сингари вақтни тежаш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Барча тажрибали бошқарувчилар вақт энг бебаҳо ресурс эканини билишади. Агар сиз жараёнларни оптималлаштириб, кераксиз ҳаракатлар сонини қисқартиришга эришган бўлсангиз, рақобатчилардан илгарила брмоқдасиз.

3. *Сифатни яхшиланг.* Харидорлар ва сотувчилар ўртасида мунтазам сўровлар ўтказиб, товар ва хизматлар сифатини ях-

шилаш борасида қимматли маълумотлар олишингиз мумкин.

4. *Бозор улушини кенгайтиринг.* Мижозлар базасини кенгайтириб, сиз рақибларингизга нисбатан имкониятларингизни оширасиз. Савдони кенгайтириш ва бизнесни ривожлантириш учун харидорлар билан ишлаш хизматини юқори босқичга кўтариб, мижозлар билан муносабатларни ўзаро ишонч асосига ўрнатинг.

5. *Марканинг обрўсини оширинг.* Сиз қилаётган ҳар бир иш, гапираётган ҳар бир сўз маҳсулот рекламасини кучайтиради. Бу борада савдо вакилининг ташқи кўринишидан то маркетинг ва реклама материаллари дизайнни, мижозлар билан ишлаш сифатигача барчаси сиз учун муҳим. Мувваффакиятли компаниялар бозордаги устуналикни белгиловчи обрў ва эътиборлари билан фахрланадилар.

Марка (маҳсулот)ни бошқаришда энг асосийси бозорда ўз ўрнингни топиш демакдир. Интернетдаги оддий қидирув ҳам сизга зарур маълумотни олиш имконини беради. Рақобатлашаётган фирманинг ҳажмига, таклиф этаётган хизматларига ва фаолият кўрсатаётган жўгрофий ўрнига эътибор беринг. Ушбу компаниянинг сайтини ўрганиб, сизнинг компаниянгиз билан ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор қаратинг. Бу ахборот ўз йўналишингизда ажралиб туришингиз учун режани ишлаб чиқишига кўмаклашади.

## **Ички мониторинг**

Сиз ўсувчи номзод сифатида ташкилотнинг бошқа илгор ходимлари дикқат марказида турасиз. Раҳбарият назарида ҳар доим ғолибдек таассурот қолдириш учун ўзингизни мунтазам баҳолаб боринг. Ўз-ўзига холисона баҳо бериш усулларидан бири ички мониторинг саналади. У кучли ва заиф жиҳатларингизни, белгиланган мақсад йўлидаги имкониятлар ва хавфли омилларни белгилашингизга ёрдам беради. Бу техника сиз тўқнашишингиз мумкин бўлган муаммоларни ҳам олдиндан аниқлайди. Ички мониторинг кучли тарафларингизга эътибор қаратиш, салбий жиҳатларингизни камайтириш, хавф солувчи омилларни чеклаш ва мавжуд имкониятлардан юқори даражада фойда олишга йўл очади.

Кучли жиҳатларингизни аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Сиз нимани қойил қиласиз?
- Сизнинг ютуқларингиз нимада?
- Сизнинг ихтиёрингида қандай воситалар ва манбалар бор?

Заиф жиҳатларингизни белгилаш учун қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Сиз нималарни яхшироқ бажарасиз?
- Сизнинг қайси ҳаракатингиз танқидга учради?
- Сизнинг ожиз томонларингиз нимада?

Мақсадингиз йўлида хавф солувчи омилларни аниқлаш учун қуидаги саволларга жавоб беринг:

– Муваффақият йўлида қандай қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин?

– Бу муаммоларни қандай ҳал этмоқчизиз?

Ушбу саволларга жавоб қайтариб, имкониятларингизни чамаланг:

– Сиз қайси имкониятлардан хабардорсиз?

– Фаолиятнинг қайси тури сизга фойда келтиради?

– Муваффақият қозониш учун кучли жиҳатларингиздан қандай фойдаланасиз?

*Мени хаёлтараст деб  
ўйлашингиз мумкин. Лекин мен  
ёлгиз эмасман. Умид қиласманки,  
сен ҳам бир кун бизга  
қўшиласан ва дунё бир бутун  
бўлади.*

## **Жон Леннон**

### **Инновацион жараён**

Асрлар давомида одамларни ижодий жараён қамраб олган баъзи тадқиқотчилар инсонни креатив ҳаракат қилишга нима ундаши ҳақида бош қотиришади, бошқалари ижодий муҳитни юзага келтирувчи муҳитни ўрганишади, яна баъзилар товар ва хизматларнинг креатив шаклини ишлаб чиқишиди. Замонавий социологияда олиб борилган сўнгги изланишлар ижоднинг ўзига хослиги ҳақидаги қарашларни йўқقا

чиқармоқда. Ўртача қобилияларни инсон ҳам табиатнинг инновацияларини тушуниши ва ижод қилиши мумкин.

Бу феномен бутун дунё миқёсида менежерларни қизиқтириб қўйди, улар ходимларнинг ижодий қобилиятини ўстириш орқали қанчалик фойда кўриш ва муаммоларни ҳал этиш мумкинлигини англаб етишди. Ҳақиқатан, таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, ижодий фикр юритиш қобилияти муаммолар ва имкониятларни ғайриоддий бурчак остида таҳлил қилиш мунтазам ўчиб бораётган корхоналар раҳбарлари томонидан энг қимматли фазилатлардан бири сифатида баҳоланади. Нега? Чунки ижодий гоялар янги кашфиётларга, ишлаб чиқариш усулларини яхшилашта, таннархни пасайтириш ва сифатни оширишга йўл очади. Бу омилларнинг барчаси юқори рақобат шароитида сув билан ҳаводек зарур.

*Яхши гоя топишнинг  
энг яхши усули кўп гоялар  
топишдир.*

**Доктор Лайнус Полинг**

Шу тариқа, инновацияларни ижодий жараённинг бир қисми сифатида кўриш, улардан мижозлар манфаатини кўзлаган ҳолда фойдаланиш зарур.

*Кўпгина таълим дастурлари  
ва тизимлари танқидий  
фикрлаш қобилиятини  
ривожлантиришига қаратилган  
(масалан, қарор қабул  
қилиш қобилияти, вазиятни  
солиштириши ва баҳолаш,  
тўғрини нотўғридан ажратиш  
ва ҳ.к.); кўпчилликнинг ижодий  
потенциали ўзлари ўйлаганидан  
кўра юқорироқ. Аслида ҳар  
бир инсон осон ривожлантириши  
мумкин бўлган ижодий  
қобилиятга эга.*

### **Фикрлаш механизми**

Инсон миясининг фикрлаш механизмини икки қисмга бўлиш мумкин: эркин ижодий фикрлаш ва таҳлилий, танқидий фикрлаш.

Яшил фикрлаш. Кўп йиллар мобайнида «яшил фикрлаш» термини ижодий гояларни равожлантирувчи фикрий жараён маъносида ишлатиб келинди. Бу ҳолатда янги гояларнинг сифати эмас, сони катта аҳамиятта эга. Яшил фикрлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муҳокамани кечиктириш;
- фикрлар хужуми;
- миқдорга диққат қаратиш;
- гоялар оқими.

Қизил фикрлаш. Ақлнинг танқидий қисми миясининг креатив соҳаси гояларини баҳолайди ва таҳдил қиласди. Бу ўринда

диққат ғоялар сифатига қаратилади. «Қизил фикрлаш» термини қуйидаги ҳолаттарни үз ичига олади:

- сайлаш борасидаги фикрлаш;
- яшил фикрлашни текшириб күриш;
- сифатни аниқлаш.

Яшил ва қизил фикрлаш адаштириб бўлмайдиган икки хил жараёндир.

### **Ижодий қобилиятни ривожлантириш**

Кўпчилик ўзини янгиланишларга қобил деб билмайди. Улар ижодкорликни фақат айрим одамларгагина (масалан, Леонардо да Винчи, Билл Гейтс, Стив Жобв, Уильям Шекспир ва ҳ.к.) бериладиган ноёб қобилият деб биладилар. Бу нотўғри ёндашув, аслида ҳар бир инсонда креатив қобилият яширин бўлади.

Ҳаммасини муаммони ҳал қилиш ёки имкониятларни юзага чиқариш учун инновацион ёндашув талаб қилинадиган жойда товар, хизмат ва вазиятларни қидиришдан бошланг. Янгиланишга креатив нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Навбатдаги қадамлар бизнесингизга янгича қарашга ёрдам беради.

### **БИРИНЧИ ҚАДАМ**

#### **Визуализация**

Сизнинг мақсад ва вазифаларингиз нималардан иборат? Ўзингиз орзу қилган натижанинг хаёлий манзарасини кўз ол-

дингизга келтириңг. Ҳал қилиш керак бўлган муаммо, амалга ошириш керак бўлган имконият учун келгусидаги режаларни тузиш, олдинга ҳаракатланишда визуализация ёрдам беради.

## ИККИНЧИ ҚАДАМ

### Фактларни аниқлаш

Барча ижобий ва салбий фактларни жамланг: «ким», «нима», «қачон», «қаерда», «нима учун», «қандай»... Ҳукм чиқарманг, фақат ахборот тўпланг. Тўпланган фактларга сиз симптомлар ёки сабаблар деб қаранг, чунки улар ёрдамида барча қийинчиликларни енгигб ўтасиз. Эсда тутиңг, нотўғри муаммонинг тўгри ечими тўғри муаммонинг нотўғри ечимиidan кўра хатарлироқ. Аниқланган имкониятлар ёки муаммоларни мухимлик даражасига қараб таснифлаш лозим.

## УЧИНЧИ ҚАДАМ

### Имкониятларни белгилаш

Имкониятларни кимга караб шакллантираётган бўлсангиз, унга бўлган муносабатингиз ҳам танқидий ёки ижодий бўлиши мумкин. Сиз дарров қатъий хulosачиқармаслигингиз ва «эҳтимол»ларга эрк бермаслигингиз керак. Имкониятларни «Қандай усуlda амалга оширса бўлади?»

деган савол кўринишида тизиб чиқинг. Масалан: «сотувни қандай шаклда кўпайтириш мумкин?» ёки «таннархни қайси усулда камайтирса бўлади?»

## ТЎРТИНЧИ ҚАДАМ

### Фояларни юзага келтириш

Фояларни яккама-якка ёки гуруҳ кўринишида юзага келтириш мумкин. Гуруҳ тарзида таснифланган гоялар фикрий ҳужум деб ҳам аталади. Бу босқичда танқидий фикрлар юзага келишига йўл қўйилмайди.

Ўз гояларингизга баҳо беришдан тийилиш учун фикрлар ҳужуми пайтида иштирокчилар хаёлларига нима келса, ҳаммасини ёзib боришлари керак. Хат фикрларнинг сифати эмас, сонига диққат қаратиш имконини беради. Бундай ишлаш «фикрлаш оқими»ни бошқа иштирокчиларнинг реакциясидан озод қиласи.

## БЕШИНЧИ ҚАДАМ

### Ечим излаш

Бу босқичда фикр юритар экансиз, яшил фикрлаш босқичида сараланган фикрлар танқидий фикрлар оқимига дуч келади. Ундан сўнг барча қатнашчилар ўз фикрларини ёзib бўлиб, уларни энг яхши ва энг аҳмоқона гуруҳларга бўлиб чиқадилар. Энг яхши гоялар муҳокамаси пайтида уларнинг муаллифлари ўртага чиқиб ўз

фикрларини ҳимоя қиладилар. Аҳмоқона фикрлар муҳокамасини эса, раҳбарнинг ўзи бошлаб беради, шундан бошқалар ўзларининг ножӯя фикрларини баён этишдан чўчимайдилар.

Ҳар сафар қарор қабул қилишдан аввал ўзингизга бу масалани ечиш учун нима қилмоқ керак? деб савол беринг. Биз қандай натижаларга эришамиз? У ёки бу гоянинг амалга ошиши учун нима кераклиги ва у қандай фойда беришини билган ҳолда сиз холисона қарор қабул қила оласиз.

## ОЛТИНЧИ ҚАДАМ

### Қабул қилинган ғоянинг тасдиқланиши

Агар сиз гоянгизни қабул қилишларига интилмасангиз ва муаммонинг умумий ечимида иштирок этсангиз, жуда катта қийинчиликларга дуч келасиз. Сиз гоянгиз қабул қилинмаслигига тайёр туришингиз керак. Эҳтимол, учинчи қадамга қайтиб, янги имкониятларни излаб кўрарсиз? Инновацион жараён осон эмас, янги қарор навбатдаги муаммога йўл очиши мумкин.

## ЕТТИНЧИ ҚАДАМ

### Татбиқ этиш

Сиз яшил ва қизил фикрлаш босқичларида гоялар, унинг ечимларини ўйлаб

топдингиз. Энди уларни амалиётга татбиқ этиш керак. Лойиҳанинг бошидан охири гача ҳар бир босқични амалга ошириш нинг муддат оралигини белгиланг.

## САККИЗИНЧИ ҚАДАМ

### Ижро назорати

Ижрони назорат қилиш йўлдан оғиш маслиқда катта аҳамиятга эга. Кўлга кири-тилган натижани баҳолаш учун 30, 60 кундан кейин ёки муайян муддатда йигилишни режалаштиринг. Лойиҳани ишга тушириш муддатини орқага сурманг. Энергия ва мотивация даражасини сақлаб туринг.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ

### Баҳолаш

Вақти-вақти билан сарфланган меҳнат ўзини оқладими-йўқми, текшириб туринг. Сиз исталган натижани қўлга киритдингизми? Ҳаммаси режа асосида кетяптими? Бу босқичда фаолиятингизга холисона баҳо беришингиз керак.

### Ишни жамоавий ташкил қилиш

Омадли раҳбарлар ходимларини инновацияларни қайта ишлашга шунчаки рағбатлантиришмайди. Улар жамоавий ишлашни афзал билишади.

**Жамоавий ишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар:**

- **ғояларни ривожлантириш учун қулай шароит яратинг;**
- **барча иштирокчиларга муаммо ёки вазиятни ўрганиш учун бир хил шароитларни яратинг;**
- **йигилишилар 20–30 дақиқадан ошмасин;**
- **ҳар бир иштирокчининг фикрини у қандай бўлишидан қатъи назар, рағбатлантилинг. Кимнингдир ғалатироқ фикри бошқа ходимларнинг тасаввурнида янада мукаммалроқ гояларни туғдириши мумкин;**
- **бидирилган фикрларни таҳлил қилманг;**
- **жавобларни баҳоламанг, бетарафликни сақланг;**
- **ўз ғояларингизни йиғилишиларда айтманг;**
- **инновацион фикрларни рағбатлантилинг;**
- **қатнашчилардан ҳамкасларнинг фикрини тўлдириш ва ривожлантиришни сўранг;**
- **имкон қадар қўпроқ фикрлар олишга интилинг;**
- **ҳар бир фикрни батафсил муҳокама қилинг, уни ҳар томонлама кўриб чиқинг;**
- **қатнашчиларга фикрларни баҳолашларига йўл қўйманг;**
- **қатнашчилар фикрларини сотишларига йўл қўйманг;**
- **барча олинган жавобларни ёзиб боринг;**

- қайдлар дафтарини ўқиб туринг;
- имкон қадар уни тўлдириб боринг;
- рўйхат қилиб чиқаринг ва уни барча қатнашчиларга тарқатинг.

## Резюме

Ҳеч бир иш пухта режалаштирилмасдан туриб муваффақиятли бажарилмайди.

- Ходимлар ҳамиша раҳбарнинг кўмагига, маслаҳатига, тавсиясига муҳтож бўй

*Нима ҳақида ўйламанг,  
аниқ ўйланг, нимани гапирманг,  
аниқ гапиринг.*

## *Людвиг Виттенштейн*

лишади. Ёрдам беринг, маслаҳат беринг, аммо уларнинг ишини ўзингиз қилманг.

- Раҳбар вақтдан тўғри фойдаланиши керак. Вақтдан унумли фойдаланиш имконини берувчи омиллар рўйхатини кўздан кечиринг.

- Ойлик, кунлик, ҳафталик даврий журнallар тутинг.

- Вақтдан унумли фойдаланиш учун асосий ишни иккинчи даражалар ишдан фарқлай билинг.

- Раҳбарият ва манфаатли томонлар учун энг долзарб масалаларни белгилаб олинг.

- Рақобатчилардан ўзиб кетишнинг бешта усулига риоя қилинг:

- Пулни тежанг.
- Вақтни тежанг.

- Сифатни яхшиланг.
- Бозор ҳиссасини оширинг.
- Брэнд обрўсини оширинг.
- Юқори раҳбарият ходимларнинг креатив фикрлаш, янги товарлар яратиш, илгор тизимларни қайта ишлаш, янгилик жорий этиш қобилиятини қўллаб-қувватлайди.
- Инсон миясининг фикрловчи механизмини икки бўлимга ажратиш мумкин: креатив (яшил) фикрлаш ва таҳлий-танқидий (қизил) фикрлаш.
- Ҳар бир инсон ижодий қобилиятга эга. Ишни муаммони ечиш ёки имкониятлардан фойдаланиш учун инновацион ёндашув қўллаш мумкин бўлган жойдан товар, хизмат ва вазиятни излашдан бошлианг.
- Янги ғоялар ва концепциялар тугилишини рағбатлантириш учун ҳамкорлик ва рағбат ижодий муҳитини шакллантиринг.

## ОММАВИЙ ЧИҚИШЛАР БҮЙИЧА КҮНИКМALARНИ ОШИРИШ

*Раҳбар яхши нотиқ бўлиши шарт. Катта ютуқларга эришиш учун ўз гояларини оғзаки ва ёзма шаклда баён этишини уддалаши керак. Ушбу бобда оммавий чиқишлар бўйича кўникмаларни ошириши ҳақида сўз боради.*

### Ахборий маъruzalар

Амалий чиқишларнинг энг кенг тарқалган усули ахборот кўринишидаги маъruzalarдир. Ҳар кун бўлмаса-да, ҳар ҳафта сиз ўз ходимларингизнинг нима иш қилаётгани, ишлаб чиқаришдаги янгиликлар, корпоратив бошқарувдаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларини эшлитиб турасиз. Ҳар ҳолда бу мурожаатларнинг асосий қисми ахборот бериш билан боғлиқ.

Раҳбарнинг вазифаларига турли тақдимотларни ўтказиш киради:

- ўргатувчи семинарлар;
- таъминот ёки ҳамкорлар иштироқидаги йигилишлар;
- янги маҳсулот ёки хизматни жорий қилиш;
- техник тақдимотлар;
- касаба уюшмаси йигилишлари;

- директорлар кенгаши ва ҳамкорлар иштирокидаги йигилишлар;
- савдо палатаси, жамоат ташкилотлари минбаридачи чиқишлиар.

Айрим раҳбарлар ахборий маъruzalарни маҳорат билан тайёрлашади. Ҳодимлар йигилишдан нима иш қилиш борасидаги аниқ кўрсатмалар билан чиқишиади. Айрим ҳолларда эса, чиқиш сифатсиз бўлгани учун иштирокчилар ҳеч нарсани тушунишмайди ва ланж кайфиятда чиқишиади.

Раҳбар лавозимига тайёрланар экансиз, энг аввало тингловчилар учун аниқ, тушунарли ва фойдали ахборий маъruzalар тайёрлашни ўрганинг.

*Кўплаб маъruzalар  
мазмунсиз бўлади, чунки  
уларда маъruzачилар ўзлари  
билиган ҳамма нарсани  
айтмоқчи бўладилар.*

## **Дейл Карнеги**

### **Тақдимотларни тайёрлаш кўнимкалари таҳлили**

Ахборий маъruzalар тайёрлаш қобилиятингизни баҳолаш учун қуидаги саволларга жавоб беришда «ҳар доим», «баъзида», «ҳеч қачон» вариантларидан бирини бегиланг.

1. Мен тақдимот қандай ўтишига жиддий тайёргарлик кўраман.
2. Тингловчиларга янада тушунарли бўлиши учун қўшимча визуал воситалардан фойдаланаман.

3. Мен тингловчиларга маъруза тезисларини тарқатаман ёки видеотақдимот тайёрлайман.

4. Ахбортни етказиб бўлгач, синов ўтказаман.

5. Чиқишим пайтида тингловчилар мени тушуняптими-йўқми, текшириб бораман.

6. Тингловчилардан эшитганларини шарҳлаб беришларини сўрайман.

7. Маъруза ўқишини машқ қиласман.

8. Маъруза пайтида ҳар бир тингловчнинг қизиқишини эътиборга оламан.

9. Ҳар бир фикрни исботи билан баён этаман.

10. Нутқим қизиқарли бўлиши учун аниқ мисоллар ва тасвирлардан фойдаланаман.

11. Энг муҳим ахбортларни етказиш мақсадида маъruzam ўта ихчам ва содда бўлишига ҳаракат қиласман.

12. Тингловчиларнинг диққатини ушлаб туришим учун айтган фикрларимга уларнинг муносабати билан қизиқаман.

13. Ҳар бир чиқишим ҳамкаслар томонидан муҳокама қилинади.

14. Чиқишим давомида тингловчиларнинг эътибори чалғишига йўл қўймайман.

15. Ҳар бир чиқишимга гайрат ва шижоат билан ёндашаман.

Ахборий маърузани шундай тайёрлангки, барча саволларга ишонч билан жавоб қайтара олинг.

## Кимлар олдида чиқишиң киляпсиз?

Моҳир нотиқлар чиқишидан аввал аудиторияни ўрганишади. Сиз тингловчиларнинг билими ва тажрибасидан келиб чиқиб, улар тушунадиган тиlda ва усулда гапиришингиз керак бўлади. Ахборий маъruzani ўқишидан аввал тингловчилар мавзу билан қанчалик танишилигига эътибор қаратинг.

Тингловчлар сиз кўтарган масала билан қай даражада таниш?

Кимлар олдида чиқишиң киляпсиз? Тингловчилар муҳандисми, дастурчими ёки ҳар иккисими?

*Донишманд каби ўйланг ва  
иддий одамдек гаплашинг.*

### *Aрасту*

Тақдимотнинг назарий қисми қай даражада мукаммал? Балки тўғридан-тўғри амалий қисмга ўтарсиз?

Тингловчиларингиз маъruzадаги масала борасида маълумот ёки тажрибага эгами?

Маърузангиз мавзуси бутунлай янгими ёки бу мавзуга улар ҳар куни ҳар қадамда дуч келишадими?

Агар тингловчилар бу борада иш тажрибасига эга бўлишса, улар қандай масалалар ва муаммоларни муҳокама қилишарди?

Маъруза мавзуси тингловчиларга қизиқарли бўлишига ишонасизми?

Агар муаммоли масалаларни кўтарсангиз, бунга аудитория қандай қарashi мумкин?

Маърузангиздан сўнг аудиторияда қандай баҳс ва саволлар тугилиши мумкин?

Тақдимотдан сўнг залдагилардан ким сизни қўллаб-кувватлаши ёки ким сизга қарши чиқиши мумкин?

Чиқишингиздан мақсад нима? Сиз тингловчиларнинг эътиборини тортмоқчими-сиз ёки уларни ўз ишини ўзгартиришга мажбур қиласизми?

Қўшимча тушунтириш талаб қиладиган хавфсизлик ва корпоратив бошқарув масалаларига алоҳида тўхталасизми?

### **Тақдимотни тайёrlаш**

Тақдимотдан мақсад – ахборот етказиш. Сизнинг вазифангиз зарур ахборотни қизиқарли ва усталик билан етказишдан иборат.

Тингловчиларга қисқа, мазмунли, қизиқарли чиқишлар ёқади.

Муваффакиятли маъруза тайёrlаш учун қўйидаги беш омилни унутмаслик керак:

- мисоллар ва безаклар;
- аниқ ва тушунарли нутқ;
- гояларни ташкил этиш;
- муҳим жиҳатларга диққат қаратиш;
- натижалар.

### **Мисоллар ва безаклар**

Ахборий чиқиш фактлар ва мисолларга бой бўлиши, аудиторияни дарҳол қамраб олиши зарур. Тингловчилар қизиқишини ошириш учун ҳаётий мисоллар келтиринг, расмлар ва жадваллардан фойдаланинг.

## **Аниқ ва тушунарли нутқ**

Тингловчилар махсус терминалдан, қисқартмалардан, махсус сүз ва иборалардан бехабар бўлишлари мумкин. Янги терминаларни ишлатар экансиз, уни аниқ ва қиска тарзда шарҳлаб беринг. Қисқартма ва касбий ифодаларни ҳаммага тушунарли бўлган тилда баён этишга ҳаракат қилинг.

## **Фояларни ташкил этиш**

Айрим нотиклар нутқни тайёрлашга масъулиятсизлик билан ёндашадилар, на-тижада тингловчининг ҳафсаласини пир қилиб, фактдан фактга сакраб ўтаверади-лар. Бир фикрдан иккинчисига ўтишга ақл билан ёндашинг.

## **Мухим жиҳатларга диққат қаратиш**

Агар сиз ўқув семинарини ўтказмаётган бўлсангиз, материални тўлалигича тушунтириш талаб этилмайди. Шу боис, аудиториянинг диққатини энг мухим жиҳатларга қаратинг. Сизнинг вазифангиз регламентдан чиқмаган ҳолда мавзуни тушунтириб беришдан иборат.

## **Натижалар**

Маърузангиз сўнгидаги қандай натижага қай тарзда эришмоқчисиз? Маърузангиз якуни ёрқин ва эсда қоларли бўлиши ке-рак. Тингловчилардан сўров ўтказмоқчи бўлсангиз, бу ишни муҳокамадан кейинга қолдиринг.

## **Маъруза шакли**

Маърузани янгича услубда тайёрлаш тингловчининг қизиқишини орттиради, лекин анъанавий усуллар кўпроқ фойда беради.

### **Маъруза: мавзууни тушунтиринг**

Маърузанинг чиқиши қисми қисқа ва аниқ бўлиши керак Тингловчида муҳокама мавзуси юзасидан шубҳа туғилмаслиғи керак. Агар сизнинг чиқишингиз бир қатор бошқа маърузаларни бошлаб берадиган бўлса, бу жиҳатга янада диққат қаратишингиз керак.

### **Мақсадни баён қилинг: исталган якуний хуроса**

Тингловчида сизнинг маърузангиз мақсади ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши керак.

### **Ҳал қилувчи жиҳатлар ва кутилаётган натижани кўрсатинг**

Маърузанинг асосий мақсадини қисқача баён қилиб бўлгач, асосий маълумотлар ва кутилаётган натижаларга диққат қаратинг. Асосий фикрни тингловчилар унугиб қўймасликлари учун таҳлил қилиб беринг.

### **Диққат талаблик**

Тингловчиларни асосий маълумотлар билан танишитириб, ҳар бир аспектнинг мақсадини очиб берувчи кўргазмали воситалардан фойдаланинг. Булар:

- намойиш слайдлари;
- мисоллар;
- фактлар;
- кўргазмалар;
- таққослар;
- тавсиялар;
- статистик маълумотлар бўлиши мумкин.

### **Хуносা**

Асосий фикрни такрорланг. Тингловчи-дан нима кутаётганингизни сўранг:

- аниқ чора-тадбирларни кўриш;
- янги технологияларни жорий этиш;
- тақдимотда кўрсатилган мақсадлар-нинг амалга ошиш режасини ишлаб чи-киш;
- айтилган ахборотларни ходимларга етказиш ва бошқалар.

Натижаларни таҳлил қилиб, тингловчи-ларга иштироклари ва эътиборлари учун ташаккур билдиринг.

### **Ахборотни мустаҳкамлаш учун визуал воситалардан фойдаланинг.**

Визал воситалар маъruzани янада қи-зиқарли ва оммабоплигини таъминлайди. График ва жадвалларда акс этган маълумотлар хотирада тез ва осон сақланади. Диаграмма ва фотосуратлар тинглов-чиларнинг эътиборини тез жалб қиласиди. Тақдимотдан сўнг қатнашчиларга қисқача тезисларни қоғозга чиқариб, тарқатинг. Шунда ахборотлар уларнинг хотирасидан ўчиб кетмайди.

Визуал воситалар яккама-якка мулоқотда ҳам асқотади. Ҳодимларнинг суғурта талабларини қайта ишлаш жараёнида Жоанна жараён натижалари жадвалини тузиш тушунишни осонлаштиришини пайқаб қолди.

Стив ўз тажрибаси давомида ходимга бирор иш буюришнинг ўзи етарли эмаслигини тушуниб етди. Аввалига у янги ходимларининг тушунчасини шакллантириш учун ўз омборлари бўйлаб олиб юрди. Аммо бунга кўп вақт кетар экан. Шунда у ҳамма омборларнинг макетини чиздириб олди ва ходимларни жамлаб, кимнинг қаерга бориши ва нима иш қилишини ушбу чизмалар ёрдамида тушунтириб берди.

Кўпгина раҳарларнинг хонасида маҳсус маъруза плакатлари, доскалар, чизмалар осилган бўлади. Турли жадваллар, диаграммалар, графиклар ва қайдлар ёрдамида баҳслашиш факт ва рақамларни хотирада сақлашга катта ёрдам беради.

Сирақуза университетининг энг машҳур ўқитувчиларидан бири ўз маърузаларида комикслар ва карикатуралардан фойдаланар экан. Даставвал бу услуг ҳамкасларнинг танқидига учради. «Бу талабаларнинг билимини оширмайди, шунчаки кўнгилхушликдан бошқасига ярамайди» дейишарди. Дарҳақиқат, бу ўқитувчининг дарсида талабалар жуда қувноқ ўтиришар, бироқ бошқа ўқитувчиларнинг дарслари га нисбатан кўпроқ билимларни ўзлаштиришарди.

**Визуал воситаларнинг қуийдаги турлари мавжуд:**

- жадваллар;
- графиклар;
- фотосуратлар;
- диаграммалар;
- проспектлар;
- амалий моделлар;
- видеороликлар.

### **Визуал тақдимот шакли**

Визуал тақдимот шаклини танлаш визуал воситалар тури ва тингловчилар сонидан келиб чиқади. Кичкина аудитория билан ишлашда жадваллар, диаграммалар, графикларни деворга осиш ёки таянч таглика ўрнатиш керак бўлади. Видеороликни кичикроқ телевизор, компьютер ёки ноутбуқда ҳам кўрсатиш мумкин. Зарур бўлганда доска ва бўрдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Катта аудиторияда экранлардаги слайдлар кўпроқ самара беради.

### **Икки томонлама алоқа**

Моҳир раҳбарлар ўз маъruzаларининг қанчалик тушунарли чиқаёттанини билиш учун албатта тингловчилар билан мулоқотта киришишга уринадилар. Ўзаро алоқа ўрнатишнинг бир қанча усуллари бор.

### **Муҳокама**

Тингловчиларнинг саволлари уларнинг мавзууни қанчалик тушунганини кўрсатади. Бу ўзаро алоқанинг энг тезкор усу-

лидир. Саволларга жавоб бераркансиз, мухим жиҳатларга яна бир карра тұхталиш имконига әга бўласиз.

## Ёзма сўров

Тақдимотдан сўнг ўз чиқишингиз натижасини аниқлаш учун тингловчиларга анкета тарқатинг ёки уларнинг электрон почталарига жўнатинг.

## Батафсил изоҳ

Тақдимот аввалида бир қанча ходимлардан тақдимот тугагач, ўз фикрларини билдиришиларини сўранг. Уларга маърузанинг мақсадини тушунтиринг ва яхшилашни истаган кўникмаларни кўрсатиб беринг. Уларнинг назарида сиз келажакда тақдимотларни қай тарафга ўзгартира олишингизни сўраб суриштиринг. Барча тавсияларни тингланг ва таҳлил қилинг.

## Тушунишни назорат қилиш

Аудитория сизни қанчалик тушунаётганини бир нечта усуllар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу тақдимотдан кейинги ёзма сўровнома, шахсий телефон сўзлашувлари ва электрон почта орқали ёзишмалар бўлиши мумкин.

## Ахборот олиш учун тақдимот

Баъзида чиқищдан мақсад ахборот бериш эмас, ахборот олиш бўлиши ҳам мумкин. Бунда тақдимотлар ўзига хос усулда ташкил этилади.

## **Аудиторияни ўрганиш**

Агар чиқишидан мақсадингиз ахборот олиш бўлса, биринчи навбатда, сизга ушбу ахборотни бериши мумкин бўлган одамларга эътибор қаратинг. Ҳар бир тингловчини қўйидаги ҳолатларга қараб ўрганишга ҳаракат қилинг.

### **Мавзуни билиш**

Ахборот олишингиз мумкин бўлган тингловчилар муҳокама мавзусини яхши билиши лозим. Фақат айрим ҳолларда, масалан фокус-туруҳ билан ишлаш ёки бозорни ўрганувчиар учун маъруза мавзуси етарлича таниш бўлмаслиги мумкин.

### **Иш тажрибаси**

Тингловчилар орасида мавзуни яхши биладиганлар борми? Бор бўлса улар сизнинг маърузангизга қандай қаращди – ижобийми, салбий? Бу масалада улар қанчалик тажрибали?

### **Талаб этиладиган тайёргарлик джараси**

Сиз қандай ахборот талаб қилишингизга қараб тингловчилардан бирмунча тайёргарлик талаб этилади. Улар билан учрашишга нима сабаб бўлишини ўйлаб кўринг (хужжатлар, тадқиқотлар, режалар ва х.к.)

### **Индивидуал ёндашув**

Муҳокама мавзусига қатнашчилар қандай ёндашишини биласизми? Улар ора-

сида сизнинг фикрингизни дадил оқловчи ёки танқид қилувчилар борми?

### **Ҳамкорликка жалб этиш ва тайёrlаш**

Тақдимотда тингловчиларнинг фаол иштироки даражасини баҳоланг. Улар ўз гояларини етарлича баён қила олишадими? Тингловчилар орасида омма олдида гапиришни истамайдиганлар борми? Улар кун тартибида қатнашишадими ва тақдимот мақсадларини маъқуллашадими?

### **Батафсил тушунтириш зарурати**

Айрим тингловчиларга қисқача моҳиятни англатиш етарли бўлса, бошқаларга мавзуни синчилаб тушунтириш керак. Маъruzani аудиториянинг хусусиятидан келиб чиқиб тузинг.

### **Фактлар ва далиллар**

Сиз тингловчиларнинг саволларига жавоб берар экансиз, маъруза асосида ва муҳокама пайтида ўз гояларингиз учун далил ва исботларни баён этишингиз керак бўлади.

### **Аудиторияни кутиш**

Максимал натижага эришиш учун аудитория сизнинг тақдимотингиздан нимани кутаётганини тушунишингиз керак. Куйидагилар:

- аниқ иш режаси;

- муҳокама ва фикр алмашишда иштирок этишнинг фойдали жиҳатларини тушуниш;
- мақсадларни аниқ тушуниш;
- гуруҳ ишини муносиб ташкил этиш.

### **Тақдимотни режалаштириш**

Ахборот олиш мақсадида ўтказиладиган тақдимотлар келгусида ўзаро муҳокама пайтида мавзуни ва муаммоларни аниқлаштириш учун ўтказилади. Бунда маҳсус омилларни унутмаслик керак.

### **Ўз фикрини баён этишни истамаслик**

Айрим одамлар эҳтиёtsизлик билан фикр билдирадилар ва ғоя алмашадилар. Бунинг сабаблари ҳар хил: ўзига ишонмасликдан тортиб тажрибасизлик ва инсон характеристининг ўзига хос жиҳатлари. Унутмаслик керакки, айрим ходимлар қўпчилик олдида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришга нўноқ бўлишади. Сиз иштирокчиларни очиқлик ва ошкоралик уларга ҳеч қаҷон зарар келтирмаслигига ишонтиринг.

### **Қизиқишнинг йўқлиги**

Қатнашчиларда ҳам худди сиздаги кабитифиз иш тартиби, муҳим мақсад ва вазифалар бўлади. Сизнинг чиқишингиз қизиқ туюлмаслиги мумкин, натижада ундаги қизиқиш йўқолади ва эътиборини жамоавий ишга жалб қилолмайсиз.

## **Тайёр бўлмаган иштирокчилар**

Аслида сиз иштирокчиларни аввалдан тақдимот ҳақида огоҳлантиришингиз ва уларни тайёрлашингиз лозим. Гоҳида қатнашчилар муҳокамага тайёр бўлмаган ҳолда келишади.

Бу пайтда сиз уларни тўғри йўналтиришингиз керак.

### **Тақдимотни ташкил қилишнинг 4 босқичи**

Тақдимотга тайёrlанар экансиз, ёдингизда тутинг:

1. Мавзу қатнашчилар учун қанчалик муҳим? Бу масала улар учун долзарбми? Бу каби муаммоларни ечишга уларнинг қурби етадими?

2. Қатнашчилар бу мавзу билан боғлиқ қандай муаммоларга дуч келишади? Тақдимотга қадар тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтариш учун уларнинг ечиимида мақбул вариантларни ўйланг.

3. Муҳокама мавзуси билан боғлиқ қайси масалаларни қатнашчилар муҳим ёки иккинчи даражали деб ҳисоблашади? Тақдимотта қадар бир қанча қатнашчилар билан гаплашиб, уларнинг муҳокама мавзусига муносабатини ўрганинг. Агар сиз қоришик аудитория олдида чиқиш қилмоқчи бўлсангиз, қизиқиши ва эътибор даражаси ҳам турлича бўлишига тайёр туриңг.

4. Қатнашчиларнинг ўзаро фикр алмашшиш ва муҳокама қилиш даражаси қан-

дай? Уларни муҳокамага қандай қилиб янада чуқурроқ чорлаш мумкин?

### **Таркиб**

Ахборот олиш мақсадида ташкил этилган тақдимот қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Муҳокама мавзуси баёни.
2. Муаммоли масалаларни ҳал этиш, камчилик ва ютуқлар тасвири.
3. Қўшимча ечимлар излаш.
4. Таклиф этилган варианtlарни очик муҳокама қилиши.
5. Резюме.

### **Ахборот олиш учун чиқиш**

Ахборот олиш мақсадида тақдимот ўтказишнинг тахминий сценарийсини кўриб чиқинг.

### **Чиқишнинг бошланиши**

#### **Муҳокама мавзуси ҳақида эълон**

«Сизга маълумки, олдиндаги икки ҳафта ичида бир офисимиз жойлашган бинони таъмиrlашимиз керак, шу боис вақтинча бошқа жойга кўчиб туришимизга тўғри келади. Ушбу жараённи харидорлар билан ишлаш самарадорлигини туширмаган ҳолда амалга ошириш бўйича сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчимиз».

## **Афзалликлар ва камчиликларни ҳал этиш билан боғлиқ тахминий вариантлар**

«Биз күчиш бўйича икки вариантни таклиф этамиз. Биринчиси – маъмуриятни, молия ва кадрлар бўлимини яқин икки ой ичида ишлаб чиқариш ҳудудига кўчириш».

Бу қарорнинг афзалиги шундаки, бутун бўлимлар битта жойда, бир-бирига яқин бўлади.

Камчилиги, жуда кўп одам битта жойда ишлаши тигизликни юзага келтиради.

«Иккинчи вариант – уйда виртуал офисларни ташкил қилиш».

Афзалиги: икки карра кўчишда вақт ва маблағга эҳтиёж сезилмайди. Узоқроқда яшайдиганлар пул сарфлаб ишга бориб ўтирумайдилар. Ҳамма ишни уйда компьютер қаршисида ўтирган ҳолда ҳал этадилар.

Камчилиги шундаки, биз бари бир ҳар чорсанба куни Барселона офисимиз билан телеконференция орқали боғланамиз. Бунда компания аъзолари бир жойда бўлиши керак. Бунинг учун ҳамма ишга пиёда ёки жамоат транспортида келиши шарт. Чунки машина тўхташ майдончалари қурувчилар томонидан банд қилинган бўлади.

### **Қўшимча йўл излаш**

«Бу муаммони ҳал этиш бўйича ким ўз таклифини билдиради?»

## **Таклиф қилингандарни муҳокамаси**

Барча тўпланган варианларни қисқача баён қилиб беринг, ҳар бир вариантнинг афзал томонлари ва камчиликларини очиқ муҳокама қилишга чорланг. «Келинглар, таклиф этилган варианлар, фикрлар муҳокасига ўтамиш ва ҳар бир иштирокчинг фикрини тинглаймиз».

### **Чиқишининг якуни: резюме**

«Барчангизга аъло фикрлар учун раҳмат. Биз уларнинг барчасини умумлаштириб, электрон почтангизга жўнатамиш».

### **Инсон омили**

Тақдимот қатнашчилари йигилишга ўз фикрлари билан келадилар. Уларнинг бир қисми муаммоли масалаларнинг ечимидан манфаатдор, бошқалари мутлақо эътиборсиз қолаверадилар. Табиатига кўра, кимдир ўз фикрларини бошқалар билан бўлишишни истаса, бошқа бирор кўп гапиришни ёқтирумайди. Нотиқнинг мақсади ҳар бир иштирокчига эътибор қаратиб, уларнинг барчасини муҳокамага бирдек жалб эта олишдан иборат.

Тақдимотлар давомида кўпроқ ахборот олиш учун «Қандай қилиб кўпроқ дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкин» китобидаги тамойилларга мурожаат қилинг.

## **Танқид қилманг, хукм чиқаришдан сақланинг**

Муҳокамаларда қатнашиш истагининг асосий күшандаси танқид ва масхара саналади. Одамлар ичида изза бўлишдан қўрқсан қатнашчилар мум тишлиб ўтира-веришиди.

### **Ҳаққоний ва асосли баҳо беринг**

Иштирокчи мажлис раҳбарининг бошқаларни қанчалик дикқат билан тинглаб, ҳаққоний баҳолаётганини кўриб, ўзининг ҳам фикрлари худди шу тахлит баҳоланишини англайди. Бу эса уларнинг ўз фикрини очиқ баён этишга, ғояларини бўлишишга ундаиди.

### **Ҳар бир қатнашчига унинг фикри қимматли эканини ҳис қилишига имкон беринг**

Ҳар бир инсон ўз фикрлари қадраниши ва ҳурмат қилинишини истайди. Сиз мавқеи, лавозимидан қатъи назар, ходимнинг фикрлари ҳурмат қилинишини амалда намойиш этинг.

### **Ҳар бир вазиятни қатнашчининг нуқтаи назари билан кўришга ҳаракат қилинг**

Бу босқичда тақдимот ўтказишнинг муваффақияти кўпинча тингловчини эшитиш ва барчанинг фикрини қабул қилингизга ишонтира олишингизга bogлиқ бўлади.

## **Ҳар бир инсоннинг фикрига ҳурмат билин ёндашинг. Ҳеч қачон уни ноҳаққа чиқарманг**

Ахборот олиш учун ўтказилган тақдиматдаги энг қийин синов бу ўз фикрингизни ўзингизда сақлаб туриш ва сизга қарши фикрлайдиганларга ҳам фикр билдириш учун имкон беришдан иборат.

## **Қатнашчиларнинг ўзини ўзи оқлашига имкон беринг**

Сиз раҳбар сифатида ҳар бир муҳокама иштирокчисига ўз нуқтаи назарини очиқ баён этиш имконини беринг. Тингловчилар уларнинг қобилияти билан фахрланишингизни билсин, шунда улар ўз фикрини яққол баён эта оладилар.

## **Тингловчилар сизни қандай қабул қиляпти?**

Фақат айримларгина суҳбат пайтида унинг нутқи қандай жаранглашини аниқ билади. Кўпчилик бошқалар унинг нутқини қандай қабул қилишларини ўzlари ҳам билмайди. Нотиқлик фани ўқитувчиси ўз талабаларига ўzlари яхши биладиган ва тушунадиган мавзуда қисқача нутқ тайёрлашни топширди. Талабалар ҳамма ўрнидан туриб, ўзи қизиққан мавзуда сайраб кетса керак деган ўйда эдилар. Профессор уларнинг нутқини ёзиб олди ва ўzlарига эшилтирди. Талабалар ўzlарини ўzlари четдан эшилтиб кўриб, ҳайратга тушишди.

Нутқларнинг кўпин «МММ», «Хуллас», «Халиги», «анақа», «Биласизми» каби ноаник мавхум сўзларга тўла эди. Бундай чайналишлар – нотўғри талаффуз, ўринсиз урғу, грамматик ноаниқликлар нутқ савиясини тушириб юборади. Омма олдида чиқиш қилишдан аввал нутқингизни диктофонга ёзиб машқ қилинг, эшишиб хатоларингизни тўғриланг.

*Сиз амалий мактуб ёзасизми.  
хизмат қайдларими, электрон  
хабарларми, ҳар бир сўзни  
ўйлаб ёзишингиз керак.*

### **Нотиқлар дуч келадиган энг кўп муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари**

Ғўлдираш. Айрим одамлар сўзларнинг охирини ютиб юборишиади. Шундан сўнг нутқ тушунарсиз бўлиб қолади. Бу камчиликни йўқотиш осон. Гапираётганда оғзингизни кенг очинг. Ойна олдида сўзларни талаффуз этишни машқ қилинг.

Ўта тез ва ўта секин нутқ. Кўпчилик аудитория олдида гапираётганда шошлиб, тезлашиб кетади. Эй, эй, секинроқ! Тингловчилар сизға етиб олсин, нима деяётганингизни тушуниб етсин! Айримлар гапни ҳаддан ташқари чўзиб юборишиади. Уларни тинглаётган тингловчининг мудраб қолиши ҳеч гап эмас. Нутқ суръатини назорат қилинг. Ўртоғингиздан нутқингизни эшишиб кўришини сўранг. Вақтни назардан қочирманг. Меъёрдаги нутқ бир

дақиқа ичида 120–150 та сүзни ўз ичига олади. Энг мухим жиҳатларга ургу беріб, тин сақлашни унұтманг.

*Бир хиллик.* Гапдаги бир хил оқанғ тингловчини мудратиб қўяди. Шунинг учун гап мазмунига қараб, овозингизни кўтариб, тушириб туринг.

*Қотиб қолиши.* Аудитория эътиборини жалб қилиш учун қўл ва юз ифодаларидан ўз ўрнида фойдаланинг.

*Нотўғри талаффуз.* Агар у ёки бу сўзнинг қандай талаффуз қилинишини билмасангиз, луғатға қаранг. Агар кимнингдир фамилияси, исми қандай талаффуз қилинишини билмасангиз, чиқишдан аввал унинг ўзидан секин сўраб олинг.

*Аудитория ҳолатига эътиборсизлик.* Агар тингловчилар чалғий бошлаганини сезсангиз, бир оз тўхтаб, гап оқангини ўзгартиринг, аудитория эътиборини тортиш учун бирор қизикроқ воқеани сўзлаб беринг.

*Ўзига эътиборсизлик.* Айтиб ўтганимиздек, биз гапираётганимизда ўзимизни кўпинча эшитмаймиз. Ҳатто энг қобилиятли нотик ҳам кейинчалик хатосини тўғрилаши учун ўз нутқини диктофонга ёзиб, эшитиб туриши керак. Хатоларни билсангиз, уларни тузатиш осон кечади.

Чиқиши видеотасвирга олиш янада самаралироқ. Ҳолат, имо-ишоралар ва мимикаға аҳамият беринг. Ўз устингизда ишланг, шунда сиз омма олдида чиқиши кўникмаларини орттирасиз.

## Резюме

- Раҳбар бўлишга тайёрланар экансиз, омма олдига чиқишини яхшилаб ўрганишингиз керак.
- Сиз бундай нутқларни қандай тайёрлашни қадам-бақадам ўрганинг. Шунда сиз тингловчини қизиқтириб, муҳим масалаларни аниқлаштирасиз.
- Асосийси, аудиториянинг билим дараҷаси ва тажрибасини хисобга олган ҳолда маъруза тайёрланг. Маърузани тайёрлашда тингловчилар тоифаларини ўрганинг.
- Нутқни тайёрлашда бешта муҳим омилни кўзда қочирманг:
  - мисоллар ва иллюстрациялар;
  - аниқ ва равон нутқ;
  - фикрларни ташкил этиш;
  - муҳим жиҳатларга тўхталиш;
  - ҳолосалар.
- Чиқишининг таркиби.
- Чиқиш: мавзусини эълон қилинг:
  - моҳиятни кўрсатинг, якуний натижани баён этинг.
  - муҳим жиҳатларни ва кутилаётган натижани кўрсатинг;
  - аниқ мисолларга таянинг;
  - ҳал қилувчи жиҳатларни кўрсатинг ва тингловчидан қандай ҳаракатларни кутаётганингизни яна бир бор такрорланг;
  - тақдимот моҳиятини очиш учун визуал воситалардан фойдаланинг: жадваллар, графиклар, диаграммаларни деворга осиб ёки тагликка маҳкамлаб қўйинг. Видеороликларни кичикроқ экранда кўрсатиш мумкун.

кин. Каттароқ экранда намойиш этиш мумкин бўлган слайд-шоулар тайёрланг.

• Статистик маълумотларни жадвал, графикларга жойланг ва тингловчиларга кўлланма тарзида тарқатинг.

• Маълумот олиш мақсадида тузилган тақдимотлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- фикрлар ҳужуми;
- фокус-гурухлар;
- жамоавий таҳдилларни ўтказиш;
- муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича йиғилиш;
- стратегик режалаштириш.

• Ахборот олишни истасангиз, ҳеч қаҷон тингловчини танқид қилманг ва уларни ноҳаққа чиқарманг. Ҳар бир янги фикр учун миннатдорчилик билдиринг.

• Ўз нутқингизни диктофонга ёзиб олиб, оммавий чиқиши қилишдаги маҳоратингизни ўстиринг. Нутқингизда сохталиклар, қусурлар, такрорлар, грамматик хатолар бор-йўклигига эътибор қаратинг. Видеотасвир сизнинг ҳолатингиз, мимика ва қўл ҳаракатларингиздаги камчиликларни ҳал этишда ёрдам беради.

## АМАЛИЙ ЁЗИШМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Биз аввалги бобларда оғзаки мұлоқот күнікмалари хусусида сүз юритдик. Бирок күн ҳолларда раҳбарлардан гояларни ёзма тарзда акс эттириши тараб әтилади. Бу сотувчи ё мижозлар, ҳамкор ва ҳамкасабаларга мурожаат, электрон хат ва хабарлар күринишида бўлиши мумкин.

Ёзма мурожаат қандай шаклда бўлмасин, раҳбариятнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари шаклланишида ҳал қўлувчи роль ўйнайди, натижада сизнинг мартабангиз ошишида ёки насаишида муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай қайдларни орадан ойлар, ишлар ўтиб ўқиб кўринг, улар шахсий брендингизнинг маркибий қисми саналади. Бу бобда амалий ёзишмаларни такомиллаштириш йўл-йўриқлари мухокама әтилади.

Сиз амалий мактуб ёзасизми, хизмат қайдларими, электрон хабарларми, ҳар бир сўэни ўйлаб ёзишингиз керак. Бу бобда амалий ёзишмаларни такомиллаштириш йўл-йўриқлари мухокама әтилади.

## **Хабарни тайёrlаш**

Ҳар бир хабарни юборищдан олдин уни яхшилаб кўздан кечиринг. Бизнинг тавсияларимиз хатоларингизни камайтириш ва ёзма хабарни мартабангиз ошишидаги ижобий воситага айлантириш имконини беради.

### **Уч «Т»**

Ҳар бир хабарни тузишдан аввал унинг шакли устида ишлаш керак. Муваффақиятли мулоқотнинг уч «Т» формуласини ҳамиша ёдингизда сақланг.

Ёзма хабар:

- *тушунарли – oddiy ва anik;*
- *тўлиқ – ҳамма маълумотларга эга;*
- *тегишли – қисқа ва лўнда бўлиши лозим.*

*Мақсадни ёзиб бориш  
мати уларни амалга ошириш  
ишидаги биринчи қадамдир.*

### **Ли Янокка**

Мисол учун хизматга оид баённома ёзмоқчи бўлсангиз, тартиб рақамини, санани, материаллар идентификацияси ва бошқа маълумотларни ҳам кўрсатинг. Аниқлаштирувчи саволларга жавоб қайтаришга тайёр туринг. Ўқувчи ни чалғитадиган ёки хабар моҳиятидан узоқлаштирадиган кераксиз деталларни тушириб қолдиринг.

## **Оддийлик талаблари**

Амалий ёзишма ўта даражада оддий ва тушунарли бўлиши лозим. Мураккаб грамматик тузилишга эга, кўп маъноли жумлалардан қочинг. Қисқа баён услубидан фойдаланинг. Тавсиялар:

- сарлавҳани қалин шрифтда ёзинг;
- янги фикрни янги сатрдан бошланг;
- энг асосий жумлаларни бошқача шрифтда ёки қўштириноқда белгиланг. Агар хатни нома тарзида етказмоқчи бўлсангиз, эътибор бериш лозим бўлган жумлани ёрқин рангли маркер билан белгиланг. Агар электрон тарзда жўнатмоқчи

*Ёзма мурожаатингиз худди оғзаки мулоқотдаги каби осоё ва тез қабул қилинishiши истасангиз, уни содда ва тушунарли баён қилинг.*

экансиз, унда тегишли жумлаларни контраст рангларда жўнатинг;

- ахборотни кучайтириш учун графиклар, жадваллар ва бошқа визуал воситалардан фойдаланинг.

## **Хатоларни тўғрилаш**

Хат ёзиш услуби унинг муаллифи ҳақида жуда кўп нарсани айтиб туради. Мактубнинг нафақат имловий, балки услубий хатоларни ҳам тўғрилаш учун юборишдан олдин уни овоз чиқариб ўқинг. Кўз билан илгаш мумкин бўлмаган хатоларни эшитиш асосида осонгина фарқлаш мумкин.

## **Амалий ёзишмалар доим расмий бўлиши шарт эмас**

Бир пайтлар расмий мактублар қуидагича бўларди: «Сизга шуни маълум қиласмизки, жорий йилнинг фалон санасида бўлиб ўтган телефондаги мулоқотимизга асосан сизнинг эътиборингизга ҳисобот даврида бажарилган ишлар учун ҳисоб-варағи юборилмоқда». Ўта қуруқ ва расмий, тўғрими? Ҳа, бу эскирган ёзма мурожаат шакли. Бугун бундай тарзда хат ёзиш урфдан қолган. Кўпгина раҳбарлар фикрлари-

*Режаларни қоғозга  
чуширинг. Ана шунда сизнинг  
чутқич бермас истакларингиз  
чиқ шаклга туша олади.*

### **Наполеон Хилл**

ни ёзма баён этиш пайтида имкон қадар расмий сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади, шу боис айрим амалий ёзишмаларда юқоридаги каби баландпарвоз, энса қотиувчи жумлаларни учратамиз. Бундай хатлар адресатлар тарафидан ҳам сунъий ва носамимий қабул қилинади. Юқорида мисол тариқасида келтирилган хабарни ҳам қуидагича ёзсан олам гулистан: «Телефонда сизга ваъда қилганимдек, бу ойда бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-варақни юборяпман».

Бошқа тарафдан, электрон хатларнинг оддийлиги ва жўнатиш тезлиги амалий ёзишмаларнинг ўта даражада жўнашиб кетишига олиб келгандир? Ҳуллас, қандай га-

пирсангиз, шундай ёзишга ҳаракат қилинг:  
ўзингиз ҳам қийналмайсиз, бошқалар ҳам...

## Қоғозда сұхбатлашынг

Иш юзасидан хат ёзишга тұғри келиб қолганда құпчилик расмиятчилік қопқонига тушиб қолади. Бундан қочиш учун ўзингизни сиз хат ёзаётган одам билан тұғридан-тұғри ёки телефон орқали гаплашаётгандек ҳис әтинг.

Муваффакиятли амалий ёзишмалар учун тавсиялар:

1. Қандай үйласангиз ва гапирсангиз, шундай ёзинг. Ёзаётганда гапириш пайтида ишлатилмайдыган сұз ва иборалардан фойдаланманг. «Марҳамат қилиб, айни пайтдаги қор бўронлари туфайли туғилган нокулайлик сабабли маҳсулотларни етказиб бериш кейинги ҳафтага кечиктирилишини маълумот ўрнида қабул қилишингизни сўраймиз» деган гапни оғзаки шаклда «қор қаттиқ ёғиб тургани учун буюртмангиз кейинги ҳафта етказилади» дейсиз-қўясим.

Боғловчи феъллардан фойдаланманг. «Биз эндиликда мазкур номдаги маҳсулотларнинг етказиб берувчиси бўлиб ҳисобланмаймиз» дейиш ўрнига «энди бундай молларни етказиб бермаймиз» деб ёзиш қулай.

2. Адресатни қизиқтиринг. Оғзаки мулоқот икки тарафлама бўлади. Бир киши гапиради, иккинчиси унинг сўзини изоҳлайди

ёки савол беради. Хатта саволлар ва шахсий муроҳазаларни қўшаётуб, ўқувчининг эътиборини энг қизиқ жиҳатларга қаратасиз. «Биз ўз маҳсулотларимизни сизнинг талабларингиздан келиб чиқиб модификация қилишимиз мумкин» деган жумлани қўйидагича ўзгартиринг: «Бизнинг маҳсулотлар сизнинг талабларингизга мос келиши учун уни қандай модификация қилганимиз маъкул?» Шунда ўқувчингизни ўйлашга, фикр юритишга ундейсиз, унинг фикри мижоз сифатида сиз учун аҳамиятли эканини уқтириб ўтасиз.

3. Хатни муайяналаштиринг. Биз оғзаки мулоқот пайтида «мен», «биз», «сиз» сингари олмошлардан мунтазам фойдаланамиз. Амалий ёзишмаларда эса қўпинча мақсадни мажхул нисбатда баён этамиз: «ҳисобланади», «тавсия этилади», «саналади» каби мавхум феълларни ишлатамиз. «Текширишлар ўз якунига етказилгач, сизнинг ташкилотингизга батафсил ҳисбот юборилади» демасдан «Биз масалани ўрганиб, керакли маълумотларни олгач, сизни хабардор қиласиз» десангиз яхшироқ эмасми?

4. Хатни муайяналаштиришнинг энг яхши усули – агар адресат билан яқин муносабатда бўлсангиз, унинг исмини, фақат иш юзасидан гаплашсангиз, фамилиясини ўз мактубингизда ишлатиш. «Натижада савдо ҳажми ошади» деган жумла ўрнига «Тим (ёки жаноб Хант), бунинг натижасида сизнинг ҳудудингизда савдо ҳажмини ошира оласиз» деб кўринг-чи?

5. Амалий ёзишмада фикрларни табиий тарзда баён этиш, мунтазам алоқа ўрнатиш мухим. Киришимли, хушмуомала ва қизиқувчан бўлинг. Расмий оҳангдан қўра дўстона ифода адресатни кўпроқ жалб қиласди.

### Амалий қолипдан чиқишига ҳаракат қилинг

Ўрнига	ёзинг
Келгусида	кейинроқ (ёки аниқ вақт)
Айни пайтда	хозир
Шунга қарамасдан	лекин, бари бир
Бир йил муддат	бир йилда
ичида	
Сизнинг сўровинтизга	
жавобан	сўровингиз бўйича
Яқин келажакда	тез орада (ёки аниқ вақт)
Тахминларга биноан	эшлишишимизча
Қўйида имзо	
чекувчи(лар)	мен (биз)
Шу муносабат	шунинг учун
билин	...дан ташқари
Истисно қилинади	

### Мураккаб жумлалардан қочинг

Қисқа гап (йигирматагача сўз) тез қабул қилинади ва ўзлаштирилади. Битта гапда бирдан ортиқ фикр ёки гоя бўлмаслиги керак. Имкон даражасида фикрларни кам сўзли гапларда ифодаланг. Тўғри, айрим ҳолатларда касбий лексикага ёки жаргондаги сўзларни ишлатишга тўғри келади, аммо сиз бу сўзларни ишлатишдан аввал адресат уларнинг мазмуни билан таниш эканига ишончингиз комил бўлиши шарт.

## **Ёзишма эсда қоларли бўлиши керак**

Сиз ўқиёттанингизда мия ҳар бир сўзни эшиштган пайтингиздаги каби қабул қиласди ва қайта ишлайди. Сўз (худди амалий мурожаат сингари) агар визуал воситалар ёрдамида мустаҳкамланса, кўпроқ самара беради.

## **Графикадан фойдаланинг**

Кўчилик рақамларни жадвал ва графика ёрдамида тезроқ қабул қиласди. Шу боис, ахборотни график форматга ўтказинг. Расмлар, суратлар ва бошқа воситаляр ишчан ахборотни кучайтиради. Уларни матн ичига киритишингиз ёки илова қилишингиз мумкин.

Ахборотни графика ёки жадваллар кўринишига ўтказадиган жуда кўп компьютер дастурлари мавжуд. Ранг-барангликни ошириш учун жадвал ва графикларга ранг беринг.

## **Кўринарли мисоллар келтиринг**

Агар графика мақбул кўринмаса, ахборотни ўқувчининг тасаввурида матнданги ҳолат ҳақида тасаввур уйготувчи визуал тасвиirlар билан бойитинг.

Мисол тариқасида кадрлар беқарорлиги билан боғлиқ иккита хизмат ёзишмасини кўриб чиқайлик: «Кадрларнинг ўзгарувчанлиги экспедиторлик бўлимида ходимлар учун ортиқча юкламаларга сабаб бўлди, бу эса ўз навбатида баҳтсиз ҳодисалар, чарчоқ туфайли учрайдиган

касалликлар, оммавий ишдан бўшаш ҳолатларини қўпайтирди. Шу сабаб кўплаб буюртмалар вақтида бажарилмаяпти ва харидорларнинг шикоятлари қўпайиб бормоқда».

Ушбу қайд бехато ёзилган бўлса-да, кeling, уни бошқа бир муқобили билан солишириайлик: «Бугун эрталаб экспедиторлик бўлимига киргандим, у ерда ўнта ходим ўрнига юз кишининг иши билан шуғуланаётган олти нафар ходимни кўрдим. Улар ўн соатлаб тинимсиз ишлагани учун юзларидан чарчаганлари сезилиб турар, иш суръати ҳам пасайиб борарди. Бир ходим кичикроқ ҳодиса сабабли оқсай бошлади. Мен бўлимда турган пайтимда маҳсолотларнинг вақтида етиб бормаёттани ҳақида уч нафар мижоз кўнғироқ қилди».

Биринчи қайдда фактлар келтириляпти. Иккинчисида эса ўқувчи учун ҳолатни

*Шахсий ва телефон  
орқали мулоқотни электрон  
ёзишмаларга тенглаштирманг.*

*Мунтазам кўриш ва  
эшишиш орқали ҳамкорлар  
 билан алоқада бўлиш  
 ўзаро муносабатларни  
 мустаҳкамлайди. Бу эса,  
 томонлар бир-бирини англай  
 олишида катта аҳамиятга эга.*

***Чарльз Уонг, «Компьютер  
ассошиэйтс» президенти***

«кўриш» имкони бериляпти. Кўринарли мисоллар ва визуал воситалар ёзишмаларни тушунарли, шу билан бирга, қизиқарли қила олади.

### **Электрон ёзишмалар**

Шубҳасиз, сўнгти йиллардаги кўзга кўринарли янгилик интернетнинг мулоқот ва ахборот алмашиш соҳасидаги энг қулай воситага айланиши бўлди. Бироқ электрон мактуб ва электрон хабарлар ёзишда ҳам стандарт амалий хатлар ёзгандаги каби эътибор ва масъулият билан ёндашиш керак. Унутманг, электрон почта амалий ёзишмаларнинг бир кўриниши саналади. Телефон сухбатларидан фарқли ўлароқ, электрон ёзишмаларни сақлаб қўйиш ва исталган пайтда очиб ўқиш мумкин. Улар ҳатто судда ҳам исбот вазифасини ўтайди. Шу боис, электрон хатларни ёзишда ҳар бир сўзни, жумлани пухта ўйланг.

### **Самарали электрон ахборот алмашув**

Электрон хабарни тузишдан аввал нима ёзмоқчи эканингизни яхшилаб ўйланг. Электрон хат ҳам оддий хат сингари диққат билан ҳозирлик кўришни талаб этади. Агар сиз хатни йўриқнома кўринишида йўлламоқчи бўлсангиз, адресат сиздан нима кутаётганига аниқлик киритиб олинг. Агар бирор сўровга жавоб беряётган бўлсангиз, хабарни бир неча марта ўқиб чиқинг.

## **Адресатнинг эътиборини тортинг**

Кўпчилик ҳар куни ўнлаб, ҳатто юзлаб электрон хабарларни олиши мумкин. Агар хабарингиз дикқат билан ўқилишини истасангиз, адресат учун аҳамиятга эга бўлган мавзуга оид сарлавҳа топинг. Масалан, «25:06 да юборилган хабарга жавоб» эмас, «июнь ойидаги савдо ҳажми» деб сарлавҳа қўйинг.

Электрон хат ёзишда юқорида айтилган уч «Т» формуласи (тушунарли, тўлик, тегишли)ни унутманг. Агар хатингизга қўшимча файллар илова қиласиган бўлсангиз, уларнинг мазмуни ва сонини кўрсатинг, токи адресат сиздан ҳамма хабарларни олганига ишонч ҳосил қиласин.

«Жўнатиш» ҳаволасини босищдан аввал хабарни яна бир марта, иложи бўлса овоз чиқариб дикқат билан ўқиб чиқинг. Хат юбораётганда адресатдан юборилган мактуб етиб борганини тасдиқлашини сўранг. Агар ушбу электрон хабар сиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлса, адресатга қўнғироқ қилиб, хатингизни олган-олмаганини сўранг.

*Текшириш мен учун ҳатто  
хатдан ҳам муҳимроқ.*

*Китобнинг мазмунни  
ана шу пойдевор устидা  
қурилиши керак.*

***Леон Юрис***

## Махфийлик масалалари

Олдин эслатиб ўтилганидек, электрон ёзишмаларнинг махфийлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Замонавий хакерлар ҳатто энг мустаҳкам компьютер дастурларини ҳам бузиб кира оладилар. Сизнинг электрон хатингиз жамоатчилик мулки бўлишини унутманг. Агар бирор махфий маълумотни муҳокама қилиш керак бўлса, амалий ёзишманинг бошқа турларидан фойдаланинг.

*Хат фикрларни  
кристаллашитиради, фикр эса  
ҳаракатга ундайди  
**Пол Ж. Мейер,**  
**ёзувчи ва консультант***

Эсда тутиңг, компаниянинг марказий компьютеридан юборилган ҳар қандай хабар бошқа ходим томонидан ҳам ўқилган бўлиши мумкин. Кейинги йилларда жуда қўп ходимларнинг айнан электрон ёзишмалар пайтида корпоратив қоидаларни бузгани учун ишдан ҳайдалиш ҳолатлари қайд этилган. Ва бу ҳолатларнинг барчасида суд ходимларнинг махфийлик хуқуки бузилгани ҳақидаги даъвосини рад этган.

Янада жиддий муаммолар ходимларнинг ўз ёзишмаларида ноўрин ҳазиллар ва ножўя изоҳларга йўл қўйгани сабаб келиб чиқади. Унутманг, компания серверидаги ёзишмаларингиз исталган вақтда компа-

ниянинг ҳар қандай ходими томонидан очиб ўқилиши мумкин. Ҳеч қачон кимнингдир жинсий ёки ирқий хусусиятига ишора қиласиган изоҳ ёзиб қолдирманг. Бундай ёзишмалар судда раҳбариятнинг бу ёзишмага алоқаси бор-йўқлигидан катъи назар, компанияга қарши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда иш хабар муаллифининг ишдан ҳайдалиши, ҳатто унга ва компанияга нисбатан суд иши очилишигача бориб етади.

Хуллас, хатни кимга юбораётганингизни яхшилаб аниқлаб, кейин юбориш ҳаволасини босинг.

### **Электрон хабарлар билан ишлаш қоидалари**

1. Хабарни дикқат билан ёзинг.
2. Имкон қадар қисқа ёзинг. Агар кўпроқ маълумотларни йўлламоқчи бўлсангиз, бу ҳақда адресатга аввалроқ хабар беринг.
3. Тасвирловчи сарлавҳа қўйинг. Агар адресат хатнинг нима ҳақида эканини билмаса, уни эътиборсиз ўтказиб юбориши ҳам мумкин.
4. Мазмун ва баён услуби профессионал даражада бўлиши лозим. Норасмий услуг ёмон эмас, фақат жуда кўп миқдордаги тиниш белгилари, қисқартмалар, паронимлар, қўйилмалар, мураккаб бирикмалардан қочиш керак. Бутун хабарни катта ҳарфлар билан ёзиш ҳам бачкана кўринади.
5. Хатоларни тузатишда электрон корректордан фойдаланинг, бироқ шундан кейин ҳам бари бир хабарни бирров кўз-

дан ўтказиб чиқинг. Иложи борича овоз чиқариб ўқинг.

6. Агар бу хатга жавоб ёзиш шарт бўлмаса, вақтни тежаш мақсадида бу ҳақда адресатни огоҳ этинг.

7. Хабарни жўнатишдан аввал бир неча марта ўқиб чиқинг.

8. Зарурат туғилса, хатдаги асосий жумлаларга фон бериб, бўяб қўйинг.

9. Сизга юборилган ҳар бир электрон хабарга жавоб қайтаришга ҳаракат қилинг. Мулоқот тезлиги шафқатсиз рақобат муҳитида катта аҳамиятга эга.

10. Хабар нусхаси ва унинг кўринмас нусхасидан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг.

11. Хатлар «занжири»дан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг.

12. «Жавоб қайтариш» тугмасидан чекловсиз фойдаланг. Бу хабар тузишнинг оддий усули саналади.

13. Хабар нима мақсадда ёзилаётганини айтиб ўтинг: ахборот алмашишми, саволга жавоб олишми, муайян ҳаракатлар ҳақида сўрашми?

14. Муҳим хабарнинг етиб борганига ишонч ҳосил қилинг. Адресатга қўнгироқ қилинг ёки ундан тақдик хати юборишни сўранг.

15. Муболага ва ҳазилларни ҳаддан оширманг. Бу сиз ҳақингизда нохуш та-саввурни пайдо қиласди.

16. Хатни икки мартадан ортиқ жўнатманг. Хатлар занжирини ўқиши қийин бўлиб қиласди.

17. Кераксиз файлларни илова қилманг.  
18. Электрон почтангизга телефонлар ва шахсий алоқа координаталарини киритманг. Иш юзасидан ҳамкорлар билан овозли ва тасвирил алоқа ўрнатинг.

19. Хизмат компьютерингизга порнографик, ирқий ёки этник видеоларни юкламанг. Бу юкламаларни бошқа ходимлар ҳам кўриб қолиши мумкин. Бу ҳолатлар сизни қийин вазиятларга тушириши, ҳатто сизни ирқчилик ва маънавий бузукликда айблашларига асос бўлади.

20. Электрон почта орқали гийбат ва мишмишлар ёйилишига йўл қўйманг. Ҳатто юзма-юз ўтириб ёки телефонда гаплашиб ҳам бу ишни қилиш одобдан эмас. Интернет орқали бу мавзудаги мулоқот унинг қамровини бир неча баробар ошириши мумкин.

21. Агар хат фақат муайян бир кишига мўлжалланган, бошқаларга алоқаси бўлмаса, уни бошқа адресатларга юборманг.

22. Корпоратив электрон почтадан беҳаё латифалар ва ҳазилларни бошқаларга юборманг.

### **Омадли ҳисобот ёзиш сирлари**

Ҳисобот тузиш, уларни раҳбариятга ва ташкилотнинг бошқа менежерларига йўллаш ҳам менежернинг хизмат мажбуриятларига киради. Саводсизлик билан тузиленганинг истиқболингизни хавф остига қўяди, шунинг учун ҳисоботларни саводли тузишга эътибор беринг.

Дейлик, бошлиқ яқында компанияда жорий этилиши қутылаёттан янги дастурий таъминот юзасидан текшириш олиб бориш ва ҳисобот тайёрлаш ҳақида сизга топшириқ берди. Яхши ҳисобот шунчаки фактларни жойлаштириб чиқиши дегани әмас. Уни үқиган үқувчи етарлича маълумотга эга бўлиши ва тўғри қарор қабул қила олиши керак. Амалий мактубларнинг бошқа турлари каби бунда ҳам учта «Т» қоидасига амал қилиш керак. Яъни, ҳисобот тушунарли, тўлиқ ва тегишли бўлиши шарт.

*Соглом фикр –  
чубаффақиятли ёзиш  
кафолатидир.*  
**Гораций**

### **Жиддий ҳозирлик**

1. Ҳисобот қайси масала ёки муаммога бағишланганини билиб олинг. Сизга бу топширикни берган раҳбар билан ҳисобот мақсадини аниқлаштириб олинг. Кўпгина ходимлар улардан нима талаб қилишларини билмай туриб, ҳисобот тузишга жуда кўп вақт, пул ва яна пул сарф қилишади. Ҳақиқатан ҳам муҳим аспектларни ўрганиш ўрнига улар иккинчи даражали масалаларга кўпроқ вақт ажратишади. Янги дастурий таъминот ҳақида ҳисобот тузишда учта омил – дастур пакетини телемаркетингда қўллаш, техник хизмат

кўрсатишининг нархи ва ҳаммаболлигига эътибор қаратиш керак.

2. Агар ҳисоботнинг айрим бобларини ёзишни бошқа ходимларга топширсангиз, сизнинг асосий вазифангиз уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, тадқиқотлар натижаларини ёзib бориш ва тавсиялар бериш бўлиб қолади.

3. Фактлар ва барча зарур ахборотларни тўпланг. Масалан, дастурий таъминот ҳақида ҳисобот тузар экансиз, масъул шахслар бундай таъминот билан аввал шуғулланиб кўрган ҳамкаслар билан гаплашиб кўришлари, унинг қай даражада самарали эканини суриштиришлари лозим. Бундан ташқари, тегишли адабиётлар, маҳсус журналлар билан танишиш, ушбу маҳсулот билан таниш бўлган бошқа ташкилотларда ишлайдиган ходимлардан маслаҳат сўраш керак бўлади.

4. Барча ахборотлар таҳлил ва тасниф қилинган бўлиши керак. Ушбу дастурий таъминот ва унга ўхшаган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари рўйхатини тузиб чиқиш керак.

5. Раҳбарият хатнинг қайси турини афзал кўришини билиб олинг ва ҳисоботни шу кўринишда тузиб чиқинг. Масалан, инженер ҳали техник терминалар билан яхши таниш бўлмаган раҳбари учун ҳисобот тайёрламоқчи бўлса, у тушунарли тилда, профессионал сўзлардан камроқ фойдаланган ҳолда ҳисобот тайёрлаши керак бўлади. Бунинг иложи бўлмаса, муаллиф

маърузада тилга олинган терминларни тушунтириб бериши керак.

Агар сиз билан узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган раҳбарингиз учун бевосита ҳисобот тузишга тўғри келса, сиз ҳисоботни қай тартибда тузиш кераклигини яхши биласиз. Агар бунга ишончингиз комил бўлмаса, бошқа ходимларнинг ҳисоботларини кўздан кечиринг. Қуйидаги ларни эътиборга олинг:

- Раҳбарингиз қандай ҳисоботни афзал кўради: қисқами ё батафсил?
- Маълумотлар қандай кўринишда бўлиши керак: схема ва графиклар кўринишидами, ё статистик жадвалларми? (Балки ҳар иккиси ҳам бўлиши керакдир?)
- Рақамлар аниқ бўлиши керакми, ё яхлитланган кўринишдами?
- Раҳбарнинг ўзи бу ҳисоботни қандай шаклда тузган бўларди?

### **Ҳисоботнинг тузилиши**

Ҳисобот тузишнинг универсал усули ўйқ, аммо ушбу тавсиялар сизга асқотиши мумкин:

1. Мақсадни кўрсатинг. Ҳисоботни уни ёзишдан мақсадни баён этишдан бошланг. Масалан, «Сизнинг «Х» номли дастурий маҳсулот ҳақида юборган хизмат қайдингизга биноан унинг самаралилиги ва амалий аҳамиятига қараб, ушбу маълумотларни эътиборингизга ҳавола этаман».

2. Хулоса ва тавсиялардан бошланг. Хулоса охирида келтирилади деган анъана-

вий фикрларга қарамасдан, кўпгина раҳбарлар тадқиқот натижаларини ҳисоботнинг аввалида кўришни ёқтиришади. Бу эса уларга масаланинг моҳиятини чукурроқ англаш, деталларни эса кейинроққа қолдириш имконини беради.

3. Тўлиқ ахборотни тақдим этинг. Мақсадни қисқача баён эттач, моҳиятни тўла тасвирилаш керак бўлади. Хулосаларни тасдиқлаш учун фактларни тақдим этинг. Схема, график ва жадваллардан фойдаланинг.

4. Услуб ва шаклга эътибор беринг. Тушунарли тилда ёзинг, асосий фикрларни ажратиб кўрсатиш учун турли шрифт ва фонлардан фойдаланинг, аммо ҳисобот ранг-баранг рекламали проспектга ўхшаб қолмасин.

5. Ҳисобот ҳажми. Маъруза барча зарурий ахборотларни акс эттириши керак. Ортиқча битта ҳам сўз бўлмасин. Такрорлардан қочинг. Фақат ҳисобот охирида хулосаларни қисқача тарзда эслаб ўтишингиз мумкин.

6. Ҳисоботни бир неча марта ўқиб чиқинг. Ҳисоботни топширишдан аввал бир неча марта ўқинг. Имловий ва услубий хатоларни тўғриланг. Рақамларни текшириб чиқинг. Имкони бўлса, ҳамкасларингиздан бирига ҳисоботни ўқиб, унинг фикрини сўранг.

7. Ҳисобот раҳбарга қандай кўринища (босма, электрон ёки ҳар икки кўринища) топширилиши кераклигини билиб олинг.

8. Агар раҳбарнинг ўзи ушбу ҳисобот нусхасини бирор тегишли ходимга юбо-

ришни сўрамаган бўлса, уни бошқаларга берманг. Ҳисоботнинг бир нусхасини иш компьютерингиз хотирасида сақлаб қўйинг. Ушбу ҳисоботни тайёрлашда ишлатилган ва ҳатто ишлатилмаган материалларни ҳам муайян вақтга қадар сақлаб туринг. Агар келгусида ҳисоботингизга тузатиш киритиш ёки қайтадан ёзиш, туғилган саволларга жавоб қайтариш зарурати туғилганда бу хужжатлар сизга асқотиши мумкин.

9. Ҳисоботнинг оғзаки тақдимоти. Йигилица ушбу ҳисоботни оғзаки тушунтириб беришга тайёр бўлиб туринг. Оғзаки ахборий тақдимотлар қоидаларини кузатиб боринг (бешинчи бобга қаранг).

### **Резюме**

- Сиз нимаики ёзманг, бари:
  - тушунарли – оддий ва равон;
  - тўлик – мазмунга эга;
  - тегишли – қисқа ва аниқ бўлиши керак.
- Амалий ёзишма шахсий брендингизнинг таркибий қисми саналади. Эътиборли бўлинғ, хатоларни ўзингиз тўғриланг. Автомат корректорга ишониб қолманг.
- Ҳаддан ортиқ расмиятчиликка берилманг. Қандай гапирсангиз шундай, табиий ва самимий ёзинг.
- Ҳатни хусусийлаштириш, яъни шахсийлаштиришнинг самарали усули матнга адресат номини киритишdir.

• Агар ахборот график кўринишда тақдим этилса, амалий ёзишмалар кўпроқ самара беради.

• Электрон хатлар ва матнли хабарлар ёзишга худди анъанавий хат ёзгандаги каби эътибор ва масъулият билан ёндашинг.

• Ёзишдан аввал яхшилаб ўйланг. Хабарни ҳам оддий хатдаги сингари режалаштинг. Агар топшириқ бериш керак бўлса, адресат ўзидан нима талаб қилинишини англайдими-йўқми, текшириб қўринг.

• Электрон хатлар билан ишлаш қоидаларини яна бир бор ўрганиб чиқинг. Уларга ўзингиз амал қилинг, қўл остингиздагиларга ҳам ўргатинг.

• Ҳисобот тузиш, уларни раҳбариятга ва ташкилотнинг бошқа менежерларига йўллаш ҳам менежернинг хизмат мажбуриятларига киради. Саводсизлик билан тузилган ҳисобот сизнинг истиқболингизни хавф остига қўяди, шунинг учун ҳисоботларни саводли тузишга эътибор беринг.

• Муваффақиятли ҳисобот тузиш бўйича маслаҳатлар:

– мақсадни кўрсатинг;

– хулоса чиқаринг ва тавсия беринг;

– хулоса ва тавсияларни асослаб беринг.

Схема, график ва жадваллардан фойдаланинг:

– маърузада барча зарурий ахборотлар акс эттиши керак, ортиқча сўз бўлмасин;

– ҳисоботни топширишдан аввал уни бир неча марта ўқинг. Имловий ва услу-

бий хатоларни түғриланг. Рақамларни текшириб чиқинг.

– адресат жавобни қайси күринишда олишни исташини ўрганинг ва ҳисоботни шунга қараб тузинг.

- Ҳисобот раҳбарга қайси күринишда (босма, электрон ёки ҳар икки күринишда) топширилиши кераклигини билиб олинг.

- Ҳисобот ёзишда ишлатилган ва ҳатто ишлатилмаган материалларни ҳам сақлаб қўйинг.

**СИЗ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН  
КОМПАНИЯ ДОИРАСИДА  
МАРТАБАНГИЗНИ ОШИРИШ  
ЙҮЛЛАРИ**

Хизмат пиллапояларидан юқорилаш учун сиз айни пайтда ишлаётган компанияда, унга рақобатчи компанияда ёхуд фаолият түрини алмаштирган ҳолатда ҳам ҳаракат қилиши мүмкін. Ушбу бобда иш жойингизда үсии босқичлари қаламга олинади. Кейинги ўринларда иш жойингиз ёки касбингизни ўзгартыриб ҳам юксалиш мүмкінлиги ҳақида сұз юритамиз.

**Айни пайтдаги вазият**

Аввало битта нарсаны аниқлаб олинг: сиз күтарилиш учун шу иш жойингизда қолмоқчимисиз ёки бошқа жойға ўтасизми? Потенциал имкониятлар түрттә омилга қараб белгиланади, сиз ишлаёттан мухит, компания, касб тури ва шахсий қизиқышлар.

**Сиз ишлаёттан мухит**

Келажагингиз күпинчә бу иш мухитида қандай имкониятлар борлиги билан белгиланади. Айрим йұналишлар технологик жарайённинг ривожланиши билан ўз-ўзидан йүқолиб кетади, қайсиدير соҳа-

лар бошқалари билан құшилиб кетади ёки бошқасига аралашди.

Масалан, Сара енгил саноат соҳасида ишлайди. Бироқ бир неча йил ичида аёллар кийимини ишлаб чиқарувчилар чет әлга құча бошлашди ва Саранинг ўз иш жойида ўсиш имкониятлари пасайди. Келажақда нималар юз беришини олдиндан айтиш мушқул. Бироқ бу ўзгаришларнинг даракчилариға әътибор қилинг ва қуидаги саволларга жавоб беринг.

➤ *Бу ишибилармоналик мұхитининг тарихи қандай?*

*Хозирги пайтда бу соҳада ўсиш кузатиляптыми?*

➤ *Соҳада технологик жараён кузатиляптыми?*

➤ *Соҳа бозори қанчалик хилма-хил? (сотиши ҳажми қандай? Молларни етказиб бериш ҳүкүматтаға болғықми ёки маълум компанияларгами?)*

➤ *Потенциал бозорнинг кенгайиши кузатиляптыми?*

➤ *Кейинги илларда бу соҳада ишлаётган ходимлар сони ўсдими ё камайдими?*

## Компания

Профессионал даражанғизга қарамай, сиз ишлаётган компания сизнинг кела-жагингизни белгилашда катта аҳамият қасб этади. Агар компания гуллаб-яшнаса, ўсиш истиқболи юқори бўлса, инқироз хавф солмаса ҳам сиз боши берк кўчага кириб қолишингиз мумкин.

Куидаги саволларга жавоб беринг:

- Компания үз соҳаси бўйича етакчими?
- Рақобатчиларга қараганда унинг савдо ҳажми ошяптими?
- Компания янги товар ва хизматлар таклиф этяптими?
- Компания ўз саноат соҳасида технологик ўзгаришларга тайёрми?
- Компания рақобатчилар, мижозлар ва етказиб берувчилар ҳурматидан фойдаландими?

*Бизнинг дунёмизда ҳар  
бир ишни фурсати келганда,  
шахсан ўзи бажарган  
одамгина ютиб чиқади.*

**Жорж Бернард Шоу**

- Молиявий кўрсаткичлар барқарорми?
- Штатлар кўпайяптими?
- Ходимлар меҳнат стажи ва хизматлари эътиборга олиняптими?
- Лавозимларни тақсимлашида қариндоши-  
уручилик, таниши-билишиликка йўл қўйила-  
дими?

### **Касб ҳусусиятлари**

Ҳар бир компанияда маълум соҳада ўсиши муқаррар бўлган ва ўз касбида ўсиш имконияти бўлмаган ходимлар ишлайди. Агар касбингиз иккинчи тоифага кирса, касбингизни ўзgartиришга ҳаракат қилинг.

Қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- ✓ Сизнинг касбингиз хизмат тиллапоясидан юксалиш имконини берадими?
- ✓ Сиздан аввал бу касбда ишлаганлар кўтарилиганми?

- ✓ Сизнинг касбингизда малака ошириладими?
- ✓ Сиз ўз касбингизга кўра қарор қабул қила оласизми?
- ✓ Сиз компания ишида доим кўзга кўриниб турасизми?
- ✓ Сиз энг юқори раҳбарлар билан доим кўришиб турасизми?
- ✓ Сизнинг қўл остингизда ходимлар борми?
- ✓ Корпоратив ресурслар (пул, материаллар, асбоб-ускуналар) сизнинг ихтиёргиздами?
- ✓ Сизнинг лавозимингиз компания учун аҳамиятлими?
- ✓ Сиз ходимларнинг ўсиши учун масъул бўлган раҳбар қўл остида ишлайсизми?

### Шахсий қизиқишлилар

Ўсиш истиқболларини таҳлил қилиш асосида шахсий нуқтаи назарни ҳам эътиборга олиш керак. Иш сизга ёқиши керак. Нима билан шуғулланишингиздан қатъи назар, ҳар қуни эрталаб ишга гайрат ва иштиёқ билан боришингиз керак.

Энг аввало ишнинг амалдаги ҳолатини қуйидаги жиҳатларга қараб баҳолашга ҳаракат қилинг:

- иш ҳақи;
- фаолият тури;
- сиз ҳозирда ишлаётган компанияда ўсиш истиқболлари;
- хизмат пиллапояларидан илгарилаш имкониятлари;
- сиз ишлаётган корхона раҳбарининг

инсонийлиги;

- сиз ўқиётган муассаса раҳбарининг инсонийлиги;
- иш шароитлари;
- бўлимнинг бошқа ходимлари билан муносабатлар;
- ташкилотнинг бошқа бўлимлари ходимлари билан муносабатлар;
- хизмат пиллапояларидан юқорилаш учун билим ва тажрибалар ошириш имконияти;
- касбий юксалиш учун билим ва мала-ка ошириш имкониятлари;
- агар сиз бошқа ташкилотта ўтмоқчи бўлсангиз, кўникмаларни ортириш ва рақобатбардошликни ошириш имкониятлари;
- раҳбарият, ҳамкаслар ва ходимларнинг муносабати;
- навбатдаги ўсиш муддати;

Ушбу саволларга жавоб топиб, сиз холисона, тўғри қарор кабул қилишингиз мумкин.

### **Ишдан ишга ўтиш**

Тасаввур қилинг, сиз ишлаётган компанияда мансабингиз ошиши учун имкониятлар мавжуд, аммо сиз анчадан бери ҳануз битта жойда қимирламай ўтирибсиз. Балки шу компаниянинг бошқа бўлимига ўтиб ишлашингиз керакdir?

Компания ичида жой алмашиш бир неча усул билан амалга ошади. Бу ўринда масала сизнинг раҳбар билан шахсий муносабатингизга bogлиқ. Дейлик, сиз бир

бўлимда бир неча йилдан бери ишлайсиз, лекин раҳбар сизнинг лавозимингизни ошириш ҳақида ўйламаяпти. Агар муносабатларингиз яхши бўлса, у билан дўстона гаплашиб олинг. Унга хизмат погоналари бўйлаб қўтарилишни истаётганингиз, бунинг учун бошқа бўлимга ўтиб ишлаш ниятингиз борлигини айтинг.

Агар бевосита сиз ишлаётган бўлим бошлиғи билан муносабатингиз яхши бўлмаса, тўғридан-тўгри каттароқ бошлиқ билан юзлашишга ҳаракат қилинг. Ундан шахсий учрашув учун вақт ажратишни сўранг. Унга фақат ўз истагингиз эмас, бу қўтарилиш компанияяга қандай фойда келтиришини ҳам асослаб беринг. Унга ушбу компанияяда ишлаш сизга ёқишини, рақобатчи корхонага ўтиш ниятингиз йўқлиги, бироқ сиз ишлаётган бўлимда қўтарилишнинг имкони йўқлиги сабаб бошқа бўлимда ишламоқчи эканингизни айтинг. Раҳбар сизнинг истагингизни ерда қолдирмайди, шуни ҳам унутмангки, бу масалани у сизнинг тўғридан-тўгри раҳбарингиз, бўлим бошлигингиз билан ҳам муҳокама қиласди. Агар сизни бошқа бўлимга ўтказишмаса, бўлим бошлиғи билан муносабатларингиз чигаллашади. Ўйлаб қўринг, таваккалга тайёrmисиз?

Кўпгина компанияларда бошқа бўлимга ўтишнинг энг яхши йўли кадрлар бўлимига учрашиш саналади. Одатда бу бўлим ходимлари ҳаммага нейтрал муносабатда бўлишади ва фақат компания ман-

фаатларини кўзлаб қарор чиқаришади.

Кадрлар бўлими бошлиғи шахсан ёки хат билан мурожаат қилиши мумкин. Но-расмий муҳокама афзалроқ. Бунинг учун сиз бу сұхбатнинг маҳфий кечишига ишонч ҳосил қилинг, токи бевосита раҳбарингиз сизнинг розилигинизсиз бу режангиздан хабар топмасин. Кадрлар бўлими раҳбари сизни бошқа бўлимга ўтказишнинг иложи бор-йўқлиги ҳақида етарлича тушунча беради. У яна сизга маълум муддат ўз иш жойингизда қолишингизни, бошқа бўлимга ўтиш учун ариза ёзишингизни ёки бўлмаса, сиз ҳали билмаган бўш ўринлар ҳақида таклифлар бериши мумкин. Сиздан маҳсус шаклдаги ҳужжатни тўлдириш ёки тегишли кўринищдаги резюме тайёрлашни сўрашар. Шунингдек, компанияда раҳбар лавозимида ишлаётган бошқа ходимлар билан ҳам учрашишингиз мумкинилигини ёдда тутинг.

(Сұхбатдан ўтиш ҳақидаги тавсиялар билан саккизинчи бобда танишасиз).

### **Маошни ошириш**

Узоқ йиллар давомида кўплаб ташкилотларда маошларнинг оширилиши автоматик жараён кўринишига эга бўлган: ҳар бир ходимнинг ойлигига ҳар йили муайян миқдорда кўшимча ёки мукофот пуллари қўшилган. Баъзан раҳбарият қарори билан ходимларнинг ойлик маоши бараварига оширилади. Бугунги иқтисодий шароитда кўпгина ташкилотлар бу анъанадан

воз кечиши. Агар сиз ойлик маошингизни оширишларини истасангиз, астойдил ишлашингизга тўғри келади.

Одатда юқорироқ, масъулиятлироқ лавозимга қўтарилиган ходимнинг маоши ҳам бирмунчча оширилади. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, сиз ўз лавозимингизни ўзгартирмасдан туриб ҳам маошингизни оширишингиз мумкин.

Бу ҳолатда сиз маошга қўшимча қўшишни ўзингиз талаб қиласиз. Айрим компанияларда кимнинг маоши қанча бўлишини бўлим раҳбари ҳал қиласи ва бу ҳақда албатта ўзидан юқори турадиган бўғинга ҳам хабар беради.

Сиз маошингизни оширишни сўрашдан олдин компаниянинг маош ва қўшимчалар борасида юритаётган сиёсатини ўрганиб чиқинг. Агар у аниқ қонун-қоидалар асосида бошқарилса, сиз ўз талабингиз қанчалар ўринли эканини текшириб кўринг. Кўп ҳолатларда ҳатто энг қатъий режимдаги корхоналарда ҳам истисноларга йўл қўйилади. Аввал сиз ўз маошингиз миқдорини бошқа ходимларники билан холисона таққосланг. Агар ўзингиз билан тенг рутбада ишлаётган ходимлардан кўра қўпроқ маош олаётган бўлсангиз, унда маошингизнинг яна ошиши қийинроқ кечади.

Бошлиқдан шахсан учрашишни сўраб кўринг. Маошингизни ошириш истагида эканингизни бошқа ҳамкасларингизга айта кўрманг. Акс ҳолда раҳбариятда сизнинг ҳамкасларингизнинг маоши билан

боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Раҳбарлар билан зиёфат ёки норасмий йигилишларда маош ҳақида гаплаша кўрманг.

Чунки бундай ўтиришларда берилган ваъдалар тез эсдан чиқиб кетиши мумкин.

Суҳбатни раҳбарга шахсий кўрсаткичла-

*Бугун билим кучга эга. У сиз учун хизматдаги ўсиш ўйларини очиб беради.*

**Питер Друкер**

рингизни санаб бериш билан бошлиланг. Тортинманг. Сиз хизмат мажбуриятларингиздан ташқари қилаётган ишларингизни ҳам очиқ айтаверинг. Катта мақтовга сабаб бўлган ишларингизни ҳам айтинг. Масалан:

Раҳбар: «Компанияда ишлар олдинги йилга нисбатан суст кетяпти. Вазият ўнглангунча кутиб тур».

Сиз: «Тушунаман, лекин мендаги ишлаб чиқариш самарадорлиги ўтган йилга қарангда ўсган, шу сабабли менинг компания ривожига қўшаётган ҳиссам тўғри баҳоланишини истайман».

Раҳбар: «Ярим йил аввал ойлигинги ошириб берганмиз-ку?»

Сиз: «Тўғри, лекин бу режалаштирилган ошириш эди. Менинг назаримда қилаётган ишларим янада кўпрогига лойик».

Раҳбар: «Бу корпоратив бошқарув сиёсатига тўғри келмайди-ку?»

Сиз: «Мен бу қоидани бузишни истамайман. Аммо менинг вазиятимда алоҳида ёндашув зиён қилмайди».

Раҳбар: «Бу масалани ўйлаб кўрамиз, сендан олдин ҳам бу масалада мурожаат қилганлар бор. Улардан кейин албатта сенинг ҳам мурожаатинг кўриб чиқилади».

Сиз: «Бунинг учун сиздан миннатдорман ва натижани сабрсизлик билан кутаман. Мен бунинг учун ҳозирданоқ янада гайрат билан ишлашни бошлайман».

Эътибор қилинг, сиз шахсий сабабларга кўра, маошингизни оширишни талаб қилаёттанингиз йўқ. Сизнинг талабларингиз эришаётган ютуқларингизга асосланяпти. Албатта, сизнинг шахсий молиявий муаммоларингизнинг раҳбарга заррача қизиги йўқ. Шу боис, бу масалани у билан муҳокама қилиб ўтирунганг. Агар бошлиқ сизнинг яқин дўстингиз ёки қариндошингиз бўлмаса, сизнинг оиласигиз кенгайтани ёки янги уй сотиб олганингиз унинг қарорига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Бошлиққа ишдан кетаман деб таҳдид қилиб, уни қўрқитманг. Сиздан мансаби юқори одамга ультиматум қўйманг. Агар бу ўйинда ютиб чиқсангиз, сизга бари бир «шантажчи» деб қарашади, енгилсангиз ишдан айриласиз.

Ўзингизга мосини танланг. Маошингизни ошириш ҳақида бирор ишни қоийилмақом бажариб, яхшигина мақтов эшиттанингиздан сўнг мурожаат қилганингиз маъкул. Раҳбарга bemavrid бу ҳақда оғиз очиб, рад жавобини олгандан кўра, вақт кетса-да қулай фурсатни кутганингиз маъкул.

## Кўтарилиш

Шимолий Каролина штати Гринсборо-даги Креатив раҳбарлик маркази директори Мэриан Рудерман мансабда юқорилаш ҳақида афсоналарнинг учта кенг тарқалган турини аниқлаган:

1. *Ходим ўз хизматларига яраша мансабга кўтарилади.*

Албатта, хизмат ва ютуқлар ҳам муҳим. Аммо ундан ҳам муҳими, керак пайтда кепрак жойда бўла олишда. Бошқача айтганда, бу ўринда ҳолат ва имкониятлар катта роль ўйнайди. Раҳбарлар кимнингдир лавозимини оширишда аввало ўз интифада, шунингдек, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашишади. Улар биринчи навбатда ўзлари ишонган, фойдаси тегиши мумкин бўлган одамларни танлашади. Сиз ҳар доим мансаб ошиши учун хизмат қиласидиган «қидирувлар» пайтида ҳозир туришингиз лозим.

2. *Ходим ўз касбий маҳорати янги лавозим тарабларига мос келсангина каштароқ ишига ўтади.*

Албатта, касбий салоҳият ҳамиша муҳим, аммо бирор лавозим инсоннинг имкониятларига қараб тузилади ёки тавсия этилади, аксинча эмас. Раҳбар сизнинг қобилияtlарингизни билиши керак.

3. *Ходим амал курсисига ўтириши учун бир қанча рақобатчилари билан курашда енгиб чиқиши керак.*

Одатда раҳбар кимни қаерга ўтказишни яхши билади. Агар ўша одам сиз бўлсан-

гиз, унинг қарори тұғри эканига раҳбарни ишонтириңг. Агар бунга ишончингиз комил бўлмаса, раҳбарнинг кўз олдида тез-тез нималарга қодирлигингизни кўрсатиб туриңг.

### **Хизмат бўйича юқорилаш**

Хизмат бўйича ўсишнинг энг анъанавий усули – битта ташкилот доирасида даврий жиҳатдан ўсиб бориш. Омад эришиш йўлидаги энг биринчи ва тўғри қадам – вазифавий мажбуриятларни муваффақиятли бажаришдир. Агар сиз паст даражадаги ишларни ҳам маромига етказиб бажара олмас экансиз, ўсиш ҳақида ўйламай қўяқолинг. Унутманг, лавозимингиз ошиши учун касбий маҳоратнинг ўзи етарли бўлмайди. Бошқа омиллар ҳам бу ўринда катта аҳамиятга эга.

### **Тез қўтарилиш**

Кўп ташкилотларда лавозимларни ошириб бориш дастури ўта паст савиядада. Ёш ходим касбий маҳораттага эга бўлса, бир неча йил давомида жиддий муаммоларсиз қўйи ҳалқадаги раҳбар даражасига ета олади.

Аммо бундай ўсишларнинг аксарияти мавқе ва масъулият ўсишига қарамасдан ҳеч қандай самара бермаслиги мумкин. Агар сиз муайян бир мансабни кўзлаб ишга кирган бўлсангиз, ўша курсигача олиб борадиган йўлдаги бўш иш ўрнини эгаллашга ҳаракат қилинг.

Бен йирик саноат корхонасида ходимларни танлаш бўйича менежер лавозими-

да ишларди. Орадан икки йил ўтиб, катта менежер лавозимини тавсия қилишиди. Бен ўзи истаган лавозимга эришиш учун бошқа йўналишдаги кадрлар менежменти билан ҳам яқиндан таниш бўлиши лозим эди. Шу боис, у таклиф этилган лавозимни рад этди. Раҳбар унинг хоҳишини инобатга олди ва орадан ярим йил ўтиб уни ишлаб чиқариш бўйича кадрлар бўлими бошлиғининг ёрдамчиси этиб тайинлади. Бу унинг тажриба тўплаши учун муҳим эди.

Агар сизга юқорироқ лавозимни таклиф этишса, рози бўлишга шошилманг. Аввал ўйлаб кўринг, бу лавозим келгусидаги ўсишингизда аскотадими? Ўзингизга савол беринг:

*Таклиф этилаётган иш янада юқорироқ лавозим учун йўл очадими?*

*Бу лавозим сизга мустақил қарор қабул қилиш имконини берадими? (Нотўғри қарор сизнинг мавқеингизни тушириши мумкинligини ҳам унумтманг.)*

Таклиф этилаётган лавозим сиз орзу қилган «чўққи»га етишиший ўлини яқинлаштиргмаган тақдирда ҳам, сиз учун вақтинчалик фойдали қадам бўла оладими? Дейлик, вақтинча катта менежернинг ёрдамчиси бўлиб ишлай компания фаолияти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши учун фойдали бўлар. Бироқ бу лавозимда бир ё икки ийлдан ортиқ ишлаб бўлмайди. Чунки бу лавозим одамларни тўғридан-тўғри бошқариш имконини бермайди.

Сиз таклиф қилинган лавозимни қабул қилсангиз, раҳбарларнинг назарига тез-тез

*туша оласизми? Сиз ўз ишингизни қанчалик маҳорат билан адo этманг, уни керакли одамлар кура олмас экан, сиз бир жойда қолиб кета-верасиз. Бу ҳолатда тез-тез раҳбарият билан боғланниб туриши имконини берадиган лавозим-лар ўсишингида катта ши беради.*

Агар сиз ўзингиз орзу қилган даражага етишмоқчи бўлсангиз, мана шу омилларни эътибордан қочирманг.

Шунингдек, мансабингиз ошиши учун шахсий кўриниш ва корпоратив сиёсатнинг ҳам ролини унутманг.

*Одамлар қайси ташкилотда  
ишишларидан қатъи назар,  
сиёсий омиллар уларнинг  
ўзаро муносабатларига таъсир  
үтказади.*

**Эрвин Стантон, психолог**

### **Шахсий кўриниш**

Ҳар доим катталар назарига тушиб турдиган лавозимни эгаллашдан ташқари ҳамкаслар ва раҳбариятнинг хурматини қозонишга ҳаракат қилинг. Сиз эришаётган ютуқлардан ҳамкасларингиз ва раҳбариятнинг хабардор бўлиши жуда муҳим.

Жош ўз номзодининг ҳатто бўлим бошлиғи лавозими учун ҳам муносиб топилмаганидан қаттиқ ташвишга тушди. Унинг раҳбари Тодд (у билан беш йил бирга ишлаганди) нафақага чиқаётганда ўрнини унга бўшатиб беришини айтганди. Бироқ Тодд нафақа ёшига етишига икки йил қол-

ганда вафот этди. Раҳбарият унинг ўрнига илгари бу компанияда ишламаган бошқа одамни қабул қилди.

Нега маъмурият Жошнинг номзодини қўллаб-қувватламади? Чунки унинг қобилияти Тоддан бошқа ҳеч кимга маълум эмасди. Катта раҳбарлар ҳатто Жош деган ходим ишлашини билишмасди ҳам. У «кўринмас одам» эди.

Кўпгина ташкилотларда жуда кўп малакали, тажрибали ходимлар ишлашади, аммо уларни худди Жошга ўхшаб ҳеч ким танимайди. Шу боис, юксалишни ўйлаган ходим нафақат бевосита бошлигига, раҳбариятга ҳам ўзининг борлигини сездириб кўйиши керак.

Қандай қилиб кўзга кўриниш мумкин? Аввало ҳар ким ўз салоҳиятига ишониши лозим. Агар сиз лаёқатсиз бўлсангиз ва буни бошқалар ҳам билса, ахволингиз ёмон.

Жош ҳам топшириқларни аъло даражада бажаарди. Аммо бу етарли бўлмади. Умумий йигилишларда Жош ҳеч қачон ўз фикрини билдирмасди. Агар унда бирон фикр тугилса бўлим бошлигининг қулогига шивирлар, Тодд унинг фикрини оммага маълум қиласди. Ва табиийки, бу фикрни раҳбарият ҳам фақат Тодднинг ташаббуси сифатида қабул қиласди.

### **Фикрингизни баён қилинг**

Ўзингизни намоён этишнинг энг самарали усули бу умумий йигилишларда эътиборни тортиш ва фикр билдириш хи-

собланади. Агар сиз ўз касбингизни яхши билсангиз, албатта сизда қандайдир фикр бўлади. Бироқ кўпчилик олдида гапиришдан қўрқиш кенг тарқалган қусурлардан-бири. Сиз бу камчиликни йўқотинг.

### **Бошқа одамларнинг қизиқишлигига эътибор қилинг**

Валеридан «хизматда бунчалик тез кўтарилишингизнинг сабаби нима?» деб сўрашганида, «мен яхши эшига оламан», деб жавоб берди.

«Мен ўз одамларимни фақат мен билан эмас, бошқалар билан ҳам қандай гаплаша олишини яхшилаб эшиштаман, – деб тушиунирди у. – Бир марта йигилиш олдинан икки ҳамкасбнинг сифат устидан статистик назоратни қандай ошириш ҳақидаги баҳсларини эшишиб қолдим. Орадан бир неча ҳафта ўтиб, маҳсус журналда ана шу мавзудаги мақолага кўзим тушди. Мен ўша кунги баҳсни эслаб, мақолани қирқиб олдим ва бу мавзу билан қизиқкан ўша одамга юбордим. У менга раҳмат айтди ва бошқа менежерга менинг синчковлигим ҳақида гапириб берибди. Мен бундан руҳланиб, ҳамкасларни қизиқтираётган мавзудаги мақолаларни тўплаб, уларнинг ўзларига жўнатадиган бўлдим. Шундан кейин мен ҳамманинг назарида ҳамма учун керакли, уларга зарур маълумотни топиб бера оладиган ходимга айландим. Шундан сўнг ҳар бир бўлим раҳбари мени ўзига чақира бошлади. Шу тариқа менинг лавозимим тобора ошиб бормоқда».

Сиз ҳам Валерига ўхшаб, менежерларни қизиқтирган маълумотларни уларга етказиб туринг.

## Волонтёрлик

Билл университетни битириб, Американинг савдо ҳажми бўйича энг йирик 500 та компаниясидан бирига ишга кирди. У ишлаётган бўлимда йифирматача ёш, у билан рақобатлаша оладиган ходим ишларди. У ўзини кўрсатиш учун тинимсиз ишлашга ҳаракат қилди. Орадан бир неча ой ўтиб, Билл жамоат хайрия ташкилотларига гуманитар ёрдам учун йиллик йифимларни тўлаб берадиган бўлимни бошқаришга ўтди. У уч йил ичida компаниянинг барча раҳбар ходимлари билан мулоқот қилиб чиқди.

Вице-президентлардан бири Биллинг бу ҳаракатларини юқори баҳолади. У Билли ўзининг бўлимига чакириб, янги иш таклиф қилди. Йигит рози бўлди ва барча рақобатчиларини додга қолдириб, юқори ҳалқадаги менежерлик лавозимини эгаллади.

## Касаба уюшмалари фаолиятида қатнашинг

Саманта Американинг энг машҳур компанияларидан бирида ишларди. У ўзи ишлаётган компаниянинг маркетинг бўлимидан кетишга қарор қилди. У рақобатчиларнинг кўплигидан ўсиш учун имконият йўқлигини тушунди. У қурашдан воз

кечишдан аввал раҳбарнинг кўзига қўринмоқчи бўлди.

Самантага бир гал компаниянинг апрель йигилиши учун спикер (бошловчи) топишни топширишди. Бу вазифани у компаниянинг маркетинг бўйича вице-президентига юкламоқчи бўлди. Саманта у билан ҳеч қачон юзма-юз келмаган, раҳбар ҳатто унинг борлигини ҳам сезмаганди. Вице-президент унинг таклифига мамнуният билан рози бўлди. Шундан сўнг у икки марта турли масалалар бўйича Самантани ёнига чақирди.

Катта йиғилишда Саманта вице-президентнинг ёнида ўтирди ва уни аудиторияга таништириди. Ўша вақтдан бошлаб қиз вице-президентнинг назарига тушди ва шутариқа ўз мартабасини ошира бошлади.

Компания назарига тушишнинг яна бир усули соҳага оид журнallарга мақолалар ёзиб туришдир. Агар сиз ўз фаолиятингиз ҳақида мақола чоп этмоқчи бўлсангиз, компанияга тааллуқли айрим яширин жиҳатлар ошкор бўлиб қолмаслиги учун албатта раҳбарият билан маслаҳатлашинг. Кўп ҳолларда мақолалар чоп этиш муаллифнинг раҳбарият олдидаги мавқеини оширади.

Раҳбарият эътиборини жалб қилишнинг яна бир усули сотувчи ва харидорларда яхши таассурот қолдиришдир. Агар сиз билан бирга ишлаётган ходим сизнинг раҳбарингизга фаолиятингиз ҳақида ташаккурнома ёки тавсифнома ёзиб юборса яна яхши.

Лаёқат ва маҳорат муваффақият гаровидир. Аммо натижага эришиш учун лавозимингизни ошириш имконига эга бўлган одамлар сизнинг лаёқатингиз ва маҳоратингиздан етарлича хабардор бўлишлари керак.

Кўзга кўриниш нафақат лавозимингиз ошиши учун, балки ишбилармон мухитда, жамоат ишларида ва бошқа хаётий соҳаларда янги имкониятларни қўлга киритишингиз учун катта аҳамиятга эга.

### Шахсий реклама

Кўзга кўринишнинг мақбул усулларидан бири ўз-ўзини реклама қилишдир. Ҳар гал сиз ходимлар, бошқа компаниядаги ҳамкасларингиз билан учрашув чоғида ўзингизнинг кимлигингиз, меҳнат бозорида қандай жиҳатларингиз билан ажralиб туришингизни кўрсатиб беринг.

Шахсий реклама жуда самарали. Реклама одамлар сизни эшитишлари ва эслаб қолишлари учун керак. Ҳар қандай реклама агенти креатив, шу билан бирга ҳаққоний реклама ахборотини тузиш бу қадар осон эмаслигини тасдиқлайди.

Сизнинг мақсадингиз аниқ образга кириб, бир дақиқада 150 дан ортиқ сўз ишлатмаган ҳолда ўзингизга бўладиган қизиқиши оширишдан иборат.

### Шахсий рекламанинг мақсади

Шахсий рекламанинг асосий мақсади ҳамсуҳбатингизда сиз ҳақингизда кўпроқ маълумот олиш истагини пайдо қилиш.

Үйлаб топилган ва самарали ахборотдан ҳар қандай ҳолатларда – амалий йиғилишларда ҳам, жамоатчилик ва касаба уюшмалари йиғилишида ҳам фойдаланиш мумкин.

### Реклама ахборотини тайёрлаш

Сиз юқори бўғин раҳбари билан биринчи марта учрашяпсиз деб тасаввур қилайлик. У сизни эслаб қолиши учун унда ижобий тасаввур уйғотишиңгиз шарт. Эртами-кечки у сиздан нима иш қилишингизни суриштиради. Гарчи у билан битта компанияда ишласангиз-да, лавозимингизни айтишнинг ўзи кифоя қилмайди. Вазифангиз нималардан иборатлигини санаш эмас, сизни бошқалардан ажратиб турадиган жиҳатларни кўрсатиб бериш.

Бунинг энг яхши усуулларидан бири ўз ютуқларингиз ҳақида бир дақиқалик тақдимот тайёрлашдир.

Масалан, «мен кадрлар бўлими бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Ишим ўзимга ёқади ва ўз ижодий салоҳиятимни намоён этишимга имкон беради. Масалан, мен янги ишга келгандар учун тренинг ўтказиш тизимини йўлга қўйдим. Тренинг компьютер ўйини кўринишида ишлаб чиқилган. Ҳар бир янги ходим компьютер қаршисида ўтириб, ишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз қараашлари, нуқтаи назарини кўрсатиб беради. Ҳар бир машғулот охирида янги ходимлар тест топширишади. Менинг ушбу дастурим янги хо-

димларни ишга тайёрлаш муддатини 30 фоизга қисқартиради.

Сиз бу тақдимотни аввал ёлғиз ҳолда машқ қилинг. Диктофонга ёзиб эшишиб кўринг. Ҳаммаси табиий чиқиши керак. Тақдимотдаги сўзлар, жумлаларни қаршингиздаги одамнинг кайфияти, дунёқарashi, муносабатига қараб ўзгартиришга тайёр туринг.

*Биз учун битта эшик  
ёпилганда иккинчиси очилади.  
Аммо кўпинча ёпилган эшикка  
армон билан шунчалик узоқ  
термилиб қоламизки,  
очилган иккинчи эшикни  
пайқамай ўтамиз.*  
**Бенжамин Дизраэли**

### Корпоратив сиёсат

Кўпинча компанияларда бошқалардан ўзини юкорироқ кўрсатишга мойил одамлар пайдо бўлади. Ҳатто кичикроқ фирмада ҳам турли тактик усулларни қўллаб, мансабини ошириш учун раҳбарлар эътиборини жалб қилишга уринадиган одамлар ҳам учраб туради.

Ёш ходимлардан бундай баҳсларда иштирок этмаслик талаб этилади. То сиздан танлов сўралмагунча, улар билан бир гурухга тушиб қолманг. Тўғри, компаниядаги ҳар бир ходим эртами-кечми у ёки бу гурухга тушиб қолади. Гоҳида қайси гу-

руҳга тушишни ходимнинг ўзи ҳам белгилай олмайди. Сиз раҳбарнинг бирор топширигини бажаришга киришар экансиз, ўз-ўзидан унинг тарафдорлари гуруҳига тушасиз. Агар бу гуруҳ етакчи мавқега эга бўлса, сизнинг ошиғингиз олчи, гуруҳ раҳбари сизни ўзингиз истаган лавозимга ўтишингизга ёрдам беради.

Агар сиз қўшилган гуруҳ енгилиб қолса, сиз ўсиш имконини қўлдан бой берасиз. Балки ишдан кетиш керак бўлиб қолар?

Гурухни танлаш – жуда қийин ечим. Яхшиси, имкон қадар бетараф томонда туринг. Ғолиблик позициясида қолиш учун имкон қадар компания ҳақида кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилинг. Сиз ғолибларга яқинлашиб, ўзингиз учун қулагай муҳитни яратасиз. Омадсизларнинг ортидан бориб, ўзингиз ҳам улар сафига тушиб қоласиз.

Кўп компанияларда йиллар давомида бирор гуруҳ ютмайди ҳам, ютқазмайди ҳам. Шу боис, барча ходимлар билан бирдек муомала қилинг. Ходимнинг бир гуруҳдан иккинчи гурухга ўтиши унинг ҳар икки тарафдаги мавқеига путур етказиши мумкин.

### Рақобат

Мансаб учун курашар экансиз, ўзингиз ишлаётган ёки ёндош бўлимлардаги ходимлар билан рақобатлашишингизга тўғри келади. Мансабингиз ошгани, бўш

ишиңлари қисқарғани сари рақобат ҳам кучаяверади.

Хизмат поғоналаридан илгарилар экансиз, ким билан рақобатлашишингизни ҳамиша билишингиз керак. Рақибларингизнинг имкониятларини холисона баҳоланг ва улардан ўзиб кетиш учун ҳаракат қилинг.

*Муваффақиятга эришиш  
учун муҳими – бошлиш.*

*Бошлиш учун эса бош  
мақсадни кичикларига бўлиб  
чиқиш ва биринчисидан  
бошлиш керак.*

**Марк Твен**

Оилавий бизнесда юқори лавозимларга фақат шу оила аъзоларидан тайинланади. Ҳар бир ташкилотда раҳбарларнинг эътиборини жалб эта олган «эркатой»лар бўлади. Уларнинг илгарилаш имконияти ҳам кўпроқ. Агар сиз шундай вазиятга тушиб қолган бўлсангиз, сиз учун имкониятлар анча чекланган. Сиз бу рақобатни енгиб ўта оламан деб ўйласангиз, унда курашни давом эттиринг.

Аввало рақибларнинг тактикаларини ўрганинг. Ҳамма ҳам курашда ҳалол рақобат усусларини қўллайвермайди, шу боис орқадан тушадиган зарбаларга ҳушёр бўлинг.

Гарчи баъзи одамларга бу тактика ёрдам берса-да, тажрибали раҳбарлар бундай ходимларни яхши билишади ва қаттиқ танқид остига олишади. Шу билан бирга,

рақиблар сизни ҳамкасблар ва раҳбарлар олдида қоралашга, обрўсизлантиришга ва шу орқали ўзларини яхши кўрсатишга уринишади.

Келинг, улар билан курашдаги энг гиром усуllibарни кўриб чиқайлик:

*Тұхматчилар.* Улар сизнинг ҳар қадамнингизни пойлашади. Бирор хатога йўл кўйсангиз, бу ҳақда албатта раҳбариятга чақишишади. Улар сизнинг ҳар бир мағлубиятингиздан қувонишади. Шу боис, сиз имкон қадар ўз ютуқларингизни қўпроқ намоён этинг, токи камчиликларингиз уларнинг панасида қолиб кетсин.

*Нигилистлар.* Улар сизнинг ҳар бир ғоянгиз, таклифларингизни диққат билан эшишишади. Улар асосан оммавий муҳокамаларни кутиб юришишади ва ўша пайтда ишга киришишади. Улар сизнинг камчиликларингизни қидиришишади ва ижобий жиҳатларингиз кўп бўлса-да, салбий хулосалар чиқаришишади. Нигилистлар муқобил қарорлар чиқаришмайди. Уларнинг мақсади сизни имкон қадар аҳмоқона кўришишга мажбур қилишдир. Агар уларнинг хужумига тайёр бўлмасангиз, раҳбарият кўз ўнгида ёмон кўриниб қоласиз. Эҳтимол, кейинчалик ўзингизни оқлаб оларсиз, аммо етакчилик мақомини қўлдан бой берасиз. Сиз ўз гояларингизни ҳиссий жиҳатдан эмас, ақл билан ечишингиз керак. Нигилистлар сизни раҳбариятнинг эътиборидан узоқлатишини исташади.

«Чаққон»лар. Улар нигилистлардан фарқли ўларок, сиздан камчилик қидиришмайди. Балки сизнинг ғоя ва ютуқларингизни сохта усуллар билан бўлса-да, ўз ҳаракатлари соясида қолдиришни исташади. Масалан, сиз таниқли юлдузлар иштирокида реклама акциясини ишлаб чиқдингиз. «Илғор» рақибларингиз бу гояни дарров илиб олишади ва сиз танлаган юлдуздан ҳам таниқлироқ бошқа бир санъаткор иштирокидаги акция лойиҳасини раҳбарларга тақдим этишади.

«Чаққон»ларни енгиш учун улар киритган «тузатиш»ни муҳокама қилинг. Агар уларнинг иши тўғри бўлса, сизнинг лойиҳангиздаги иштироки учун уларни қўллаб-қувватланг. Агар тузатиш мантиқсиз бўлса, сиз олдиндасиз!

*Лаганбардорлар.* Бунақалар ҳар бир компанияда учрайди. Айрим раҳбарлар мақтовни ёқтиргани учун атрофида шундай кимсалар бўлишини исташади. Аслида раҳбарга «пахта қўйиб» мансабини оширадиган одам ҳар доим, ҳамма жойда бўлган. Улар раҳбарни мақташ учун асос топа оладилар, унинг фикрини маъқуллайдилар, сўзларини тўтиқушдай такрорлайдилар.

Бундай одамларни енгиш осон эмас. Аввало сиз раҳбарга мақтов ёқиши-ёқмаслигини ўрганинг. Айрим раҳбарлар сиртдан лаганбардорларга илтифот кўрсатиб туришса-да, ичларидан уларни жуда ёмон кўришади. Сиз ҳеч қачон лаганбардор бўлманг.

Ҳақиқий раҳбар ким ростини гапиряпти, ким «пахта қўйяпти», дарров билиб олади. Раҳбарнинг фикрини доим холис баҳоланг ва ўз мулоҳазангизни очиқ билдиринг.

Рақобатчиларни енгиб ўтиш учун уларнинг характеристини ўрганинг ва шунга яраша ҳужумга шайланинг. Сиз ўз вазифаларингизни ўз вақтида бажариб, буни раҳбариятга кўрсата олсангиз, бу сизнинг энг катта ютуғингиз.

### **Фаолият натижаларини баҳолаш**

Хизматда ўсиш имкониятини берувчи мухим омиллардан бири фаолият натижаларини баҳолашдир. Одатда ҳар бир ташкилотда раҳбар йиллик аттестация ўтказиб туради.

*Меҳнат бозорида талаб ва тақлиф қонуни ишилайди. Сиз - товарсиз. Сиздайлар эса, чиллионта. Ажralиб туришга ҳаракат қилинг.*

### **Меган Пители, профессионал тренер**

Ходимларнинг катта қисми ана шу синов олдидан қўрқиб туришади. Сиз бу қўрқувдан қочиш учун аттестацияга жиддий тайёргарлик қўринг.

## **Ўз фаолиятингизга мустақил баҳо беринг**

Раҳбар билан учрашишдан олдин ҳисоб давридаги ўз фаолиятингиз натижаларини холисона баҳоланг.

### **Ютуқлар рўйхатини тузинг**

Хронологик журнал ва сақланиб қолган қайдлардан фойдаланиб, йил бўйи эришган ютуқларингиз рўйхатини тузинг. Унга сиз ишлаётган бўлим ривожи учун қилган барча ишларингизни киритинг. Сиз йигилишлар пайтида билдирган ва қабул қилинган қарорларни ҳам эслатиб ўтинг. Албатта, бу ютуқлар раҳбариятнинг назаридан четда қолмайди.

### **Ўз камчиликларингиздан кўз юмманг**

Ҳеч ким мукаммал эмас. Эҳтимол, сиз ҳам қаердадир хатога йўл қўйгандирсиз? Қайсиdir ишни самарали битириш мумкин бўлгандир? Маҳсулдорликни ошириш йўллари ҳақида ўйланг ва уларни раҳбарият билан муҳокама қилиш учун тайёр бўлинг.

Балки маълум бир техник жараёнларни яхши баҳолай олмассиз. Аттестация пайтида раҳбарлар айнан шу камчиликка эътибор қаратадилар. Шу боис, сиз бу муаммони бартараф этиш учун ҳозир нима иш қилаётганингизни асосли тарзда тушунтириб беринг.

## Резюме

- Ўзингиз ишлаётган мухитдаги ҳамма имкониятларни ўрганиб, шахсий мақсад-ларингизни таҳлил қилиб чиқинг.
- Агар сиз ўзингиз ишлаётган компаниядан қониқсангиз, бироқ ўзингиз ишлаётган бўлимда ўсиш имкониятини кўрмасангиз, бошқа бўлимга ўтишга ҳаракат қилинг.

*Аттестация – икки ёқлама жараён. Раҳбар ва ходим унга худди фаолият давомида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ва келгусида уни янада яхшилаш режасини тузиш учун имконият деб билиши лозим.*

### **Скотт Вентрелла, ёзувчи ва маслаҳатчи**

- Агар бошқа бўлимга ўтиш ёки ўсиш имкони мавжуд бўлмаса, маошингизни ошириш йўлларини ўйланг.
- Илгарилаш учун имкониятларни оширай десангиз:
  - ўз ишингиз устасига айланинг ва ис-теъдодингизни намоён этишнинг барча усулларини қўлланг;
  - мулоқотнинг аъло кўникмаларини, раҳбарлик сифатини, аудитория олдида чиқиш хусусиятларини кўрсатинг;
  - раҳбарият кутганидан ортигини кўрсатинг. Режаларни ошириб бажаринг, бюджет маблагларини тежанг, муаммоли саволларни тезкорлик билан ечинг;

- ўрганиш ва ўқиши учун ташналигин-гизни кўрсатинг;
- тажриба ва малакангизни ошириб боринг;
- малака ошириш машғулотлари курсларига қатнашинг;
- компания ичидағи сиёсий бўлинишлар ва гуруҳбозликдан қочинг;
- ҳар қандай лавозимдаги ходимлар билан ишлашни ўрганинг;
- ўзингиз интилаётган лавозим ҳақида имкони борича кўпроқ маълумот тўпланг;
- умумий йиғилишларда кўпроқ амалий таклифлар билан ўзингизни кўрсатинг;
- соҳага оид журналларни ўқиб туринг ва фойдали мақолаларни раҳбариятга ҳамда ходимларга тавсия қилинг;
- касаба уюшмлари тадбирларида қатнашиб туринг;
- маҳсус нашрларда ўз мақолаларингиз билан қатнашиб туринг;
- инновацияларда, иш юзасидан пайдо бўлган янгиликлардан хабардор бўлинг;
- агар харидор, сотувчи, етказиб берувчи ёки мижоз сизнинг ишингиздан хурсанд бўлса, бу ҳақда раҳбариятга ташаккурнома юборишини сўранг;
- сизнинг ваколатингизга кирмаса ҳам, корхона фаолияти учун зарур бўлган, раҳбариятнинг кўзи тушадиган ишлар билан шуғулланиб туринг;
- ҳар йиғилик аттестацияга тайёр туринг. Ўз ютуқларингиз рўйхатини тузиб боринг, камчиликлардан чўчиманг;
- сабрли бўлинг. Мансабингиз бир кунда ошибб қолмайди.

## ЯНГИ ИШ ҚИДИРИШ ВАКАНСИЯЛАР МАНБАИДИР

Аввалги иш жойини йўқотиш иш қидириш заруратини келтириб чиқаради. Замонавий иқтисодий шароитларда оммавий ишдан бўшатишлар кам эмас, шу боис сиз кутилаётган компания қайта ташкил қилиниши ва қисқартирилишга тайёр бўлишингиз керак.

Бир томондан сиз ишларнинг кундалик ҳолати ва юқорилаш истиқболлари (еттинчи бобда батафсил берилган)ни баҳолаб туриб, хизмат поғонасидан ўсиш имкониятлари чеклангани туфайли бошқа компанияга ишга ўтиш қарорини қабул қилишингиз мумкин. Диққат! Ишни ихтиёрий алмаштириш – жиддий ва қийин қадам. Янги иш қидиришга киришишдан аввал, қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда дастлабки таҳлилни ўтказинг:

- иш жойи ва компаниядаги ишларнинг кундалик ҳолатини баҳоланг. Иш алмаштиришга аниқ асос борлигига ишонч ҳосил қилинг;
- ҳеч қачон фақат ҳис-туйғулар сабабли ишни ўзгартирманг. Агар сиз ишдан фақатгина раҳбар ёқмаётгани учун кетишини хоҳлаётган бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам бу

ёкимсиз түйгү ушбу компаниядаги барча ютуқлардан ҳам устун келадиган даражада құчлилиги ҳақида ўйлаб күринг. Биринчи навбатда турдош бўлимга ишга ўтиш вариантини кўриб чиқинг;

• ҳеч қачон қараашлар тўгри келмаётгани учун ишдан бўшаманг ва ишдан бўшашиб ҳақида дагдага қилманг. Тўғри келадиган вакансия бўшамагунча аввалги жойингизда қолинг. Ишни сақлаб қолиш молиявий ва руҳий хотиржамликни таъминлабгина қолмасдан, маъқулланади ҳам.

*Таваккал қилишда:  
қўрқмайдиганлар ҳаммада  
олдинда бўладилар. Бўронда,  
қўрққан қайиқ қиргокдан узо  
кетмайди*  
**Дейл Карнеги**

### Иш қидиришга киришишга тайёрланиш

Иш қидириш – пухта тайёргарликни талаб қилувчи кенг кўламли тадбир. Бизнинг давримизда яхши ишни тасодифан топиш мумкин эмас. Иш қидиришни сиз ўз қобилиятларингизни салоҳиятли иш берувчига сотишингиз мумкин бўлган савдо компаниясидай кўринг. Тайёргарликка:

- профессионал даражанинг пухта таҳлили: сиз иш берувчига нима таклиф қила оласиз;
- вакансия манбалари рўйхатини тузиш;

- самарали резюме ёзиш;
- интервьюга тайёргарликни киритиш.

Уибү бобда дастлабки икки банд күриб чиқылади, қолғанлари саккизинчи бобда очиб берилади.

### Вакансия қидириш

Компаниянинг ўз сайти бўлган тақдирда ҳам иш қидиришни салоҳиятли иш берувчи сайтини ўрганишдан бошламаган маъқул. Чунки вакансиялар рўйхати одатда бир ва бир нечта ихтисослашган сайтларга жойлаштирилади. Виртуал реклама хабарлари газеталардаги эълонлардан кўра анча тўлиқ маълумот берганлиги учун иш берувчи ва қидирувчилар уларни маъқул кўрадилар. Муносиб вакансияларни танлаб қўшимча маълумот олиш учун

*Галаба қозониш ва  
шили бўлиш учун жиiddий  
тайёргарлик кўришга тўғри  
келади. Агар сиз бир мураккаб  
иновни бир нечта бажариш  
чумкин бўлган синовларга  
бўлиб ташласангиз, тезроқ  
харакатни бошлишингиз ва  
чуваффақиятга  
ришишингиз мумкин.*

**Кевин Донлин,  
Минеаполеснинг  
машҳур нотиги**

түғридан-түгри иш берувчига мурожаат қилиш мумкин.

### **Резюмени сайтта жойлаштириш**

Резюмени ихтисослашган сайтта жойлаштириш иш қидиришнинг жуда самарали усули ҳисобланади. Яъни, иш қидирувчилар вакансиялар рўйхатини кўраётган бир пайтда иш берувчилар ҳам номзодларнинг резюмеларини ўрганаётган бўладилар.

Ёдда тутинг, иш берувчи томонидан резюмеингиз кўриб чиқилишининг ягона йўли бу уни топишдир. Шу боис, бошқа резюмелар ичидан сизникини топиши ва ажратиб олиши учун унда калит сўз ҳамда жумлаларни қўлланг. Бундай калит сўз лавозим номи ҳисобланади. Шундай бўлсада, бу сўз одатда умумий маънода қўлланилади ва аниқ бир компанияга йўналтирилган бўлади. Агар сиз резюмеда «менежер» сўзини кўрсатган бўлсангиз, унда бу сўз барча йўналишдаги менежер тоифасига тушиб қолади. «Ишлаб чиқариш менежери», «эркаклар кийими менежери» ёки «ўқитиш ва ривожлантириш менежери» каби номни аниқ киритиб қўйинг.

«Компьютер бўйича мутахассис» ўрнига «дастурний таъминот ишлаб чиқиши бўйича мутахассис» ёки «молиявий тизимлар таҳлилчisi» деб ёзинг.

Резюмега сизнинг билим ва тажрибангиз даражасини акс эттирувчи жумлаларни қўшинг. Компьютер бўйича мутахассис ишда қўллайдиган дастур ва тизимлар

рўйхатини тузиши; кадрлар танлаш бўйича мутахассис фаолиятнинг муҳим соҳаларини айтиши; савдо вакили («йирик озиқовқат магазинлари» ёки «саноат ишлаб чиқарувчилари») каби бозор хусусиятларини кўрсатиши мумкин.

Резюмеингизни кўриб чиқсан иш берувчи сиз билан телефон ёки почта орқали боғланишни хоҳлади. Сизни суҳбат учун чақириш ёки чақирмаслик ҳақида қарор қабул қилишдан аввал компания вакилига одатда қўшимча маълумот керак бўлади. Сўровга жавоб беришдан аввал, компания сайтини пухта ўрганиб чиқинг ва унинг фаолияти тўғрисида имкон борича кўпроқ маълумот йигинг. Бу сизнинг суҳбатга тайёргарлик кўришингизга ёрдам беради.

### **Муайян ишга ёллаш эълонлари**

Иш қидиришнинг яна бир услуби – газета ва журналлардаги муайян ишни бажаришга ёллаш ҳақидаги эълонларни кўриб чикиш.

Шундай бўлса-да, эълонларни кўриб чиқиб, сизнинг талабларингизга мос келадиганларига жавоб бериш керак.

Кичик бўлса ҳам ҳар бир шаҳарда вакансиялар кўрсатилган ҳеч бўлмаганда битта газета чоп этилади. Бундан ташқари, кўплаб нашрлар раҳбарлик ва техник лавозимларга вакансияларни тадбиркорлик ва молияга оид саҳифаларда чоп этадилар.

Маҳаллий газетадаги эълонлар – вакансияларнинг ягона манбаи эмас. Муайян ишни бажаришга ёллаш ҳақидаги эълон-

лар чоп этиладиган ихтисослашган тармоқ нашрлар ҳам мавжуд.

Матбуотдаги күплаб эълонлар «аноним» хисобланади, яъни ишга ёлловчи-компаниялар қўрсатилмайди. Бундай ёндашув бир қатор сабабларга кўра фойдаланилади. Биринчидан, раҳбарият ўз ходимлари ўрнини алмаштираёттаниларини билишларини ҳоҳламайди. Иккинчидан, улар иш қидирувчиларнинг сон-саноқсиз қўнғироқларига жавоб беришни ҳоҳламайдилар. Нихоят улар дўстлар, қариндошлар, мижозлар мурожаат қилишидан, шунингдек, малакасиз номзодлар билан мулоқот қилишдан ўзларини олиб қочадилар.

Агар сиз айни дамда ишсиз бўлиб ва иш қидираётган бўлсангиз, аноним эълонларга муайян ишни бажариш ҳақидаги эълонларга дадил жавоб бераверинг. Агар йўқ бўлса, бундай эълонга жавоб беришни ўйлаб кўринг, чунки ишга ёлловчи ролида сиз ишлаётган компаниянинг ўзи бўлиб чиқиши мумкин.

Агар эълондаги изоҳ сиз ишлаётган компанияни эслатса, бу аноним иш берувчи вакансиясини эътиборсиз қолдирганингиз маъқул. Албатта, эълонда ёгочни қайта ишлаш соҳасидаги вакансия қўрсатилган бўлса-ю, сиз эса пиво ишлаб чиқариш заводида ишласангиз, хавотирга ўрин йўқ. Агар ишга ёлловчи компания фаолият тури аниқ қўрсатилмаса, ушбу эълонга эътибор бермаган маъқул.

Агар вакансия изоҳида иш берувчи компания номи кўрсатилган бўлса, енгил нафас олишингиз мумкин. Одатда нуфузли компаниилар одамларни ишга жалб қилмоқчи бўлганда эълон остига «имзо» чекадилар.

Аноним ёки имзо чекилган бўлса ҳам муайян ишни бажариш ҳақидаги эълон матнини дикқат билан ўқиб чиқинг. Компания бўлажак ходимга қўяётган талабларни кўриб чиқинг. Агар сизнинг резюмеингиз ушбу талабларга жавоб бермаса, тегишли профессионал тажрибангиз ва мудаффакијатларингиз кўрсатилган алоқа хатини қўшиб қўйинг. Алоқа хатингиз зарур маълумотлар баёнда-баанд кўрсатилган тарзда қисқа бўлиши керак. Барча асосий маълумотлар резюмеда акс этиши керак.

*Кулнинг битта хўжайини  
бўлади. Ўзига ишонгган  
одамнинг олдинга қараб  
юришига оз бўлса-да ёрдам  
беришни хоҳловчилар бўлгани  
учун ўша одамнинг хўжайини  
кўп бўлади.*

**Жан де Лабрюйер,  
француз эссечиси**

### **Кадрлар агентликлари**

Кадрлар агентлиги билан самарали ҳамкорлик қилиш учун уларнинг қандай ишлаши ва улар ёрдамида ижобий натижаларга қандай эришиш мумкинлигини тушуниб этиш муҳим.

Биринчи навбатда агентлик сизни қи-зиқтираётган лавозимлар бўйича иш қи-дирувчилар билан ишлашини билиш ке-рак. Сиз фаолият кўрсатаётган соҳадаги ёки сизнинг иш ҳақингиз даражасидаги вакансияларни камдан-кам чоп этадиган агентликка ариза бериш бефойда.

Келажаги порлоқ агентликни топгач, у ерга боринг ва ходимлар билан шахсан ўзингиз сухбатлашиング. Бу улар талабла-рингизни тўлиқ тушуниб етган-етмагани ҳамда манфаатларингизни муносиб ифодалайдиган даражада тажриба ва маҳо-ратга эга эканини билишингиз учун керак. Агентликда алоҳида консультант тайинлашади. Бу одам меҳнат бозоридаги вазиятни яхши билади ва мавжуд вакансия-лар ҳақида фойдали маълумотни тақдим этади. У сизнинг резюмеингизни кўриб чиқади ва уни такомиллаштириш бўйи-ча тавсиялар беради (бунга тайёр бўлинг). Агар сиз маълум бир лавозимга талабгор бўлсангиз, консультант сизга ишга ёллов-чининг аниқ талабларига мос резюме ту-зишга ёрдам беради.

### **Кадрлар агентлиги билан ҳамкорликдан максимал фойда олиш**

- Консультантга кутаётган натижала-рингиз ҳақида очик ва рўй-рост гапириб беринг.
- Консультантдан меҳнат бозоридаги имкониятларингизга холисона (объектив) баҳо беришини сўранг.

- Кадрлар агентлиги ходимлари турли географик ҳудудлардаги ойлик маошлар ва тўловлар кўламини яхши билиши ва таҳлил қила олишини назарда тутинг.

- Сизнинг ҳамкорликка қизиқаёттанингизга ишонч ҳосил қилиши учун консультант билан мунтазам алоқани сақланг.

- Сизни салоҳиятли ишга ёлловчига бириттиришгандан сўнг агентликни воқеалар ривожидан хабардор қилиб боринг. Бу ишга қабул қилинаёттанингизда бир нечта суҳбатдан ўтишга тўғри келиб қолса муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолатда сиз ва иш берувчи билан алоқани яхши ушлаб турган агентлик ходими навбатдаги мулоқотдан муваффақиятли ўтиш учун маслаҳат бериши ёки маълумот тақдим этиши мумкин.

Нечта агентлик билан ҳамкорлик қилган маъқул? Фақат битта билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас, шунингдек, ҳаммасига бирданига ариза бериш ҳам мантиқсизлиkdir. Барча агентликларнинг реклама эълонларини ўрганиб чиқинг ва сизнинг фаолият турингиз ҳамда талабларингиз даражасига тўғри келадиганларини танланг.

*Кўп ҳолларда агентликлар билан ҳамкорлик қилувчи команиялар ходимлар бўлимлари раҳбарлари, салоҳиятли иш берувчилар, ишибилармон шерикларга яхши вариантини тавсия қиласидилар. Бундай мутахассислар билан вақт ва асабингизни тежаш учун маслаҳатлашиб олинг.*

## **Бошқарув ходимларини белгиловчи мутахассислар**

Агар сиз йилига 100 минг доллардан ортиқ маош тўланадиган иш қидираётган бўлсанғиз, бошқарув ходимларини белгиловчи мутахассиста мурожаат қилинг. Бундай мутахассислар гуруҳи саноат ёки фаолият турининг маълум тармоги иш берувчилари билан тўғридан-тўғри ишлашади. Бошқарув ходимларини белгилов-

*Ҳар бир инсон ҳозирда  
ёки келажакда сизнинг аниқ  
амалий алоқангиз ҳисобланади.  
шу боис ўзингиздан кейин  
кўприкни ёқиб юборманг.*  
***Сьюзан Б.Джонс,  
профессионал тренер***

чи мутахассислар мавжуд вакансияларни камдан-кам намойиш қиласидилар. Улар салоҳиятли номзодларни қидириш билан шугулланадилар ва номзодлар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқадилар. Улар мурожаат қиласидиган кўплаб номзодлар яхши иш жойига эгалар ва уни алмаштиришни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бошқарув ходимларини белгиловчи мутахассисларнинг асосий мақсадлари ишта ёлловчи-нинг талабларини қондириш бўлгани учун улар ўзларининг шахсий маълумотлар базаси асосида ишлайдилар ва ишсизлар билан камдан-кам ҳамкорлик қиласидилар.

Сизни қизиқтираётган соҳадаги иш доирасида банд бўлган агентларга резюменгизни тарқатиб чиқинг. Иш ҳақи даражаси, кўчиб ўтиш эҳтимоли ва бошқа талаблар акс этган қисқа алоқа хатини ёзинг. Агент сиз билан шахсан кўришишни истамаслиги, аникроғи, хатингизни маълумотлар базасига киритиб қўйиши мумкин. Талабларингизга жавоб берувчи вакансия пайдо бўлган дагина агент сиз билан боғланади.

Ишга ёллаш мутахассисига қўнгироқ қилиш бефойда. Агентнинг собиқ иш берувчи билан учрашув ташкил қилиб беришингизни истаб қилган мурожаати ушбу қоидадан мустасно бўлиши мумкин. Бундай мулоқот сизнинг ишга жойлашишингиз имкониятларини кенгайтиради. Аксарият компанияларда иш қидирувчиларнинг ихтисослашуви жамланган марказлашган файллар тизими мавжуд.

### **Бандлик масалалари бўйича консультантлар**

Бошқарув ходимларини белгиловчи мутахассисларни бандлик масалалари бўйича консультантлар билан адаштирманг. Консультантлар иш қидирувчидан маълумот ва иш тажрибаси даражасини баҳолаш киритилган ўз хизматлари, профессионал резюмени тузиш, тўғридан-тўғри почта орқали тарқатиш компаниясини ташкил қилиш ва бошқа қўплаб нарсалар учун ҳақ оладилар. Шундай бўлса-да, бандлик масалалари бўйича консультант-

нинг иштироки реал ишга жойлашишга олиб келишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Консультантлар ўз хизматлари учун сизга қайтариб берилмайдиган бир неча юздан бир неча минг долларгача оладилар. Улар сизга ушбу китобда бепул баён қилинган тавсиялар ва ўзингиз амалга оширишингиз мумкин бўлган ишларни таклиф қилишлари мумкин, холос. Ундан ортиғини эмас...

### **Тўғри йўл**

Баңдлик масалалари бўйича консультантлар фақатгина алоҳида иш қидирувчилар билан эмас, балки ишдан бўшаган ходимларини ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаётган компаниялар билан ҳам ишлайдилар. Ушбу ҳолатда агент хизматлари учун тўловни корхона амалга оширади. Бу иш қидирувчи учун манфаатлидир. Бироқ консультант билан ҳамкорлик қилиш ишга жойлашишингизда ёрдам беришига бари бир ҳеч қандай кафолат йўқ. Шунинг учун иш қидиришнинг бошқа усулларини ҳам кўриб чиқишига тайёр бўлинг.

### **Интернетдан иш қидириш мақсадида фойдаланиш**

Ишга ёлловчи интернетдан кўпроқ маълакали ходимларни топиш мақсадида фойдаланади.

## Компания сайти

Интернет пайдо бўлиши билан иш қидиувчиларга ўзлари иш топишни хоҳлаган компанияларни ўрганиш осон бўлиб қолди. Салоҳиятли иш берувчининг расмий сайтига албатта ташриф буюринг. Шунингдек, ушбу ташкилот фаолияти ҳақидаги ижобий ва салбий муносабатларни ўқиб чиқинг. Товарлар ва хизматлар рўйхати билан танишинг ҳамда вакансияларни кўриб чиқинг.

Минглаб рекруттер (ходимларни таңлаш бўйича консультант)лар орасида сўровнома ўtkазилганда, улар янги ходимларни айнан интернет орқали топишлари маълум бўлган. Ва бу жараён геометрик ривожланиш билан ўсиб бормоқда. Кўплаб ташкилотлар вакансиялар тақдим этилган веб-саҳифаларни ташкил этади. Компаниянинг бош саҳифасига «вакансия» сўровини киритинг. Ташкилотнинг расмий сайтига одатда унинг йўналиши ва истиқболлари ҳақида батафсил маълумот киритилади. Виртуал эълон газетадагидан фарқли ўлароқ ҳажм ва формат жиҳатидан чекланмайди ҳамда компания номзодларга қўяётган талаблар, бераётган имтиёзларни тўлиқ тақдим этиш имконини беради. Агар вакансия тафсилоти сизнинг профессионал даражангиз ва шахсий талабларингизга мос келса, сиз шу заҳотиёқ компания вакили билан телефон ёки электрон почта орқали болнанишингиз мумкин. Бун-

дан ташқари, сиз иш берувчи талабларига айнан жавоб берадиган бандларни янада аниқ қилиб резюме тайёрлашингиз мумкин. (Резюме ва алоқа хатини тайёрлаш қоидалири саккизинчи бобда батафсил ёритилган.)

Айни дамда компания сайтида сизни қизиқтирувчи бирорта ҳам вакансия бўлмаган тақдирда ҳам, сиз келажак учун фойдали маълумотни топишингиз мумкин.

### **Ижтимоий тармоқлар**

Сўнгти ўн йилликларда ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. «Facebook», «LinkedIn» ва «Twitter» номзодлар учун энг фойдали тармоқлардир.

«Facebook»да қанча одамлар билан дўстлашишингиз мумкинлигини бир ўйлаб кўринг. Эллик? Юз? Беш юз? Энди уларнинг ҳар бирида қанчадан дўст борлигини тасаввур қилинг. Оддий арифметика лол қолдирувчи натижани беради – минглаб алоқалар! Бу алоқаларнинг барчаси «дўстлар» дея таснифланса-да, уларнинг ҳар бири иш қидиришда фойдали бўлиши мумкин. Дастреб «Facebook»даги дўстларингиз рўйхати ва уларнинг болганиши манбаларини ўрганинг. Сиз ишга жойлашмоқчи бўлган компанияяда улардан бирининг қариндоши ишлаши мумкин. Ўша компаниядаги керакли одам билан боғлашни илтимос қилиб сўраган хабарингиз муваффақиятга эришиш имкониятини маълум даражада оширап балки?!

«LinkedIn» ишбилиармон ижтимоий тармоқ сифатида фаолият кўрсатиб турган бир пайтда «Facebook» асосан шахсий мулоқот билан намоён бўлади. Агар сиз «LinkedIn» иштирокчиси бўлмасангиз, рўйхатдан ўтинг ва профил (ўзингиз ҳақингиздаги ихчам маълумот ёки ташриф қоғоз) ингизни ташкил қилинг. «LinkedIn»даги профиль салоҳиятли иш берувчи фойдаланиши мумкин бўлган профессионал резюме ҳисобланади. (Босма резюмеингизда «LinkedIn»ни албатта кўрсатиб ўтинг.) Профилни ташкил қилгач, сабиқ ҳамкаслар, курсдошлар, синфдошлар билан алоқани ўрнатинг. Ҳар алоқа қўшилганда тизим автоматик равишда бир нечта янгисини таклиф қиласди. Ҳар бир алоқани дикқат билан текширинг ва фақат муҳим ёки зарурларини қўшинг. Қисқа муддатда сизнинг шахсий алоқаларингиз тармоғи юз ёки мингтacha ортади. Сиз уларнинг қандай ташкилотларда ва ким бўлиб ишлашларини аниқланг. Кўп-лаб иш берувчилар «LinkedIn»да вакансиялар рўйхатини жойлаштиришади ва корпоратив янгиликлардан хабардор қилиб боришади. Сиз, шунингдек, компанияя таҳлилчилари билан форумда мулоқотда бўлиш имконига эга бўласиз.

«Twitter» иш қидирувчилар учун яна бир фойдали манба ҳисобланади. Унга бир юз қирқта белги қолдириш мумкин бўлган шахсий янгиликлар блоги сифатида муносабатда бўлинг. Сиз муҳокама

мавзусини эълон қилишингиз билан унга бошқа иштирокчилар қўшилади. Агар «Twitter»дан иш юзасидан фойдалансангиз, сизга керакли одамлар аҳамият беришади. Оқибатда сизга вакансиялар акс этган маълумотларни тақдим этишлари ва профессионал ривожланиш юзасидан бошқа имкониятларни таклиф қилишлари мумкин.

Ижтимоий тармоқлар иш қидириш стратегиясини белгиловчи ягона йўл эмас. Хизмат погонасидаги ўсиш ўз қобилият кўникмаларини мунтазам таҳлил қилиб боришини, иш юзасидан фойдали алоқаларни доимо қидиришни, профессионал такомиллашувни стратегик ўрганиб боришини тақозо қиласди. Зарур ўзгартиришларни киритиб бориш учун вақти-вақти билан ўсиш суръатингизни баҳолаб боринг. Ишбилармон дунё жуда тез ўзгариб боради. Шу боис, ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш талабгорлар орасида биринчи бўлиш ва профессионал ўсишни таъминлайди. Сизнинг сахифангизни кўздан кечирадиган одамлар сонини қисқартириш ҳақидаги огоҳлантиришга қарамай, сизнинг хабарингизни салоҳиятли иш берувчи ўқиши мумкинлигини инобатга олиб, сизнингча у билиши шарт бўлмаган маълумотни ёзманг.

## Профессионал маълумотлар алмашинуви

Нуфузли вакансияларнинг қанчалар кўплигини кадрлар агентлиги ҳам, ходимларни танлаш мутахассислари ҳам билишмайди. Ходимларни танлаш бўйича консультантлар одатда ҳар йили бўшайдиган кам фоиздаги вакансиялар билан ишлашади. Компания раҳбариятининг бир қисми номзодларни фаол қидириш билан шуғулланмайди, аммо уларнинг кундалик ёки келажакдаги ишончини оқлашга мос одамларга қизиқиш билдиради. Айрим компаниялар кенгайиш ёки қайта ташкил қилишни режалаштиришда ходимларни қидириш билан шуғулланмасаларда, уларнинг эътиборини жалб қилган одамларни сухбатдан ўтказадилар. Баъзида компания вакили юксак профессионал сифатларга эга одамни топганда, айнан ўша ходим учун алоҳида лавозим ташкил қиласди.

Компанияда ўта муҳим лавозим бўшаганда раҳбарлар сиз худди яхши тиш шифокори, автомеханик ёки юристни қидирганингиздек улар ҳам шу лавозимга мос келадиган ходимни қидирадилар, яъни дўйстлар ва ҳамкаслардан кимнидир тавсия қилишларини сўрайдилар.

Сизни раҳбарларга тавсия қилиши мумкин бўлган одамлар билан танишиб, улар доирасини кенгайтириб борар экансиз, рақобатчиларингиз орасида имтиёз ортирасиз. Шахсий мулоқот чегара билмай-

ди. Сиз мuloқотда бўлаётган ҳар бир одам сизни яна бир нечта одам билан таништириши мумкин. Доирангиз қанча кенгайгани сари сизда иш топиш имконияти шунча юқори бўлади. Билишингиз мумкин бўлмаган вакансия ҳақида сиз шахсий мuloқот орқали хабардор бўлишингиз мумкин.

## Амалий мuloқотларни кенгайтириш

Амалий мuloқотни кенгайтиришнинг бир нечта усули бор. Сиз алоҳида фаолият соҳаси, аниқ географик ҳудуд билан чекланишингиз ёки ҳеч қандай чекловсиз алоқалар тизимини қуришингиз мумкин.

Бўлиши мумкин бўлган манбалар:

- *Дўстлар.* Сиз фаолият кўрсатаётган соҳага тўғридан-тўғри дахли бўлмаса ҳам, сизнинг кўплаб дўстларингиз ва танишларингизда иш қидиришда самара бериши мумкин бўлган алоқалар бор. Масалан, сизни даволовчи тиш шифокори ёки терапевт мижозлари орасида сиз қидираётган салоҳиятли иш берувчилар бўлиши мумкин.

- *Ҳамкаслар.* У ёки бу ишга алоқадор масалаларни ҳал қилишда узоқ йиллар давомида турли одамлар билан рўбару келган бўлишингиз мумкин. Булар савдо вакиллари, рақобатчилар, мижозлар, етказиб берувчилар, таъмирловчилар ва бошқалардир. Албатта, агар сиз бир корхонада ишлаётган ва янги иш қидираётган бўлсангиз, ушбу тоифадаги алоқаларга

эътибор билан муносабатда бўлганингиз маъқул.

• *Газеталар*. Ишбилармонлик фаолияти ёритилган саҳифаларни ўқинг. Мақолаларда кўпинча янги амалий имкониятлар сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган компания ва одамлар номи чоп этилади.

• *Ихтисослашган журналлар*. Тармоқ журналлар ва ахборот бюллетенларидан салоҳиятли иш берувчилар ҳақида фойдали маълумотни топиш мумкин.

• *Ишбилармон ассоциациялар ва тармоқ бирлашмалари*. Ишбилармон ассоциация ёки тармоқ бирлашмага аъзолик иш қидиришда фойдали бўлиши мумкин бўлган амалий алоқалар кенгайишини кафолатлайди.

• *Битиравчилар ассоциацияси*. Курсдошларингиз иш қидиришда кўп ёрдам кўрсатишлари мумкин.

• *Беғараз ҳомийлик ташкилотлари*. Ҳудудий, диний ва бошқа беғараз ҳомийлик ташкилотлар фойдали амалий алоқалар тизимини кенгайтиришда ёрдам берадилар.

• *Ижтимоий тармоқлар*. Аввал айтилганидек, «Facebook», «LinkedIn», «Twitter» ижтимоий тармоқлари мулоқот қилиш ва профессионал ахборот алмашиш учун ташкил этилган.

## Шахсий ва амалий алоқалар тизимини ташкил этиш

Шахсий ва амалий алоқалар файлли тизимини яратишга киришиш ҳеч қачон эрта ёки кеч бўлмайди. Узоқни кўра биладиган ёшлар бу ишни университетда ёк бошлишади. Алоқалар тизими турли кўринища бўлиши мумкин.

• *Компьютер дастури.* Амалий алоқаларни тизимлаштириш ва таснифлаш им-

*Сиз ижобийсини  
белгилашингиз, салбийсини  
камайтиришингиз ва  
мантиқийсига астойдил  
киришишингиз керак.  
**Джонни Мерсер***

конини берувчи кўплаб қулай компьютер дастурлари мавжуд. Ахборот алмашинуви асосан виртуал амалга оширилгани учун алоқалар рўйхатини қаттиқ дискда сақлаган маъқул.

• *Ташриф қогозлари.* Ташриф қогозларини сақлаш оддий, лекин жуда қулай усул. Унинг афзалиги шундаки, амалий алоқа ҳақидаги тўлиқ маълумот: тегишли одамнинг исм-шарифи, лавозими, корхонанинг номи ва манзили, телефон ва электрон манзил ҳамиша қўл остингизда бўлади. Ташриф қогозларини мунтазам равишда қайта кўриб боринг ва уларни гурӯҳ бўйича таснифланг. Ҳар бирининг орқа томонига сизга ўша одамни бир неча йилдан кейин

ҳам эслашга ёрдам бериши учун тегишли маълумотни қайд этиб қўйинг. Янада қуайликка эришиш учун ташриф қоғозларидан сканерда нусха кўчириб, маълумотларни компьютерга киритиб қўйинг.

- «*Rolodex*» картотекаси. Айрим раҳбарлар ушбу амалий алоқалар тизимини қуай деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда, мазкур картотека билан ишлаш ташриф қоғозларини тизимлаштиришга яқин усуб ҳисобланади.

- Тўлдирувчи ёки маълумотлар кесишадиган индексли файл. «*Rolodex*» картотекаси ва ташриф қоғозлари билан ишлашдаги асосий муаммо маълумотнинг алфавит тартибига асосан тизимлаштирилишидир. Бу сизга бирор бир маълумот картаси ёки сиз исмини эслайдиган инсон ташриф қоғозини топишингизда қулайдир. Тўлдирувчи ёки маълумотлар кесишадиган индексли тизим эса, алоқаларни сизга қулай бўлган тар-

*Резюмеингизни конкрет  
вакансияга мослаштиринг.  
Энг катта хатолардан бири  
- барча иш берувчиларга  
бир хил резюменинг  
жўнатилишидир.*

*Джеймс П. Нолан,  
ходимлар бўлими  
бошлиги*

тибда таснифлаш имконини беради. Кўплаб компьютер дастурлари ушбу жараённи автоматик равишда амалга оширади.

## **Амалий алоқалардан фойдаланиш**

Келинг, амалий алоқалар самарадор-лигини мисолларда кўрсак. «Dimpledoll Company» ходимлар бўлими бошлиғи Жейн Роуздан оиласвий бизнесни бошқара-диган тадбиркорлар йиғилишида чиқиш қилишини сўрашди. Тушлик танаффуси пайтида Жейн ундан аввал чиқиш қилган Скотт Райс олдига ўтирди.

Скотт Райс – прессланган пластмасса шакллари ишлаб чиқарувчи «Fibre-Mold, Inc.» компанияси вице-президенти. Суҳбат чоғида Скотт унинг компанияси шу худудда шарикли ручкаларга ғилоф ишлаб чиқарувчи бош корхона эканлигини эслатиб ўтди. Жейн суҳбатдан кейиноқ бошқа барча янги танишлари қаби унга ҳам маълумот картасини очиб қўйди. Шундай қилиб, Скотт «пластмасса» ва «компания эгаси» тоифаси-га киритилди. Унинг рўйхатта олинган маълумот картаси (ёки компьютер файли) тахминан шундай кўринишга эга:

**Асосий маълумот:**

**Тоифа:** пластмасса компания эгаси

**Исми:** Скотт Райс

**Лавозими:** вице-президент (ишлаб чиқариш)

**Компания:** «Fibre-Mold, Inc.»

**Манзил:** Дове кўчаси, 24-уй. Фармингдейл, Нью-Йорк, 11404

**Телефон:** 631-777-9876

**Қандай танишган эдик:** оиласий бизнес эгалари бўлган тадбиркорлар йигилишида, 2012 йил 20 январь куни.

**Изоҳлар:** компания шаркли ручкаларга гилоф ишлаб чиқаради. Бизнесга уни ҳозиргача бошқаруб келаётган отаси асос солган. Отаси бир неча йилдан сўнг нафақага кетгач, Скотт компанияга директор бўлади. Айни вақтда у технологик жараённи бошқаради. Жамоавий бошқарувга ўтиш масалаларини муҳокама қилдик. Тармоқ бирлашмасининг Лонг-Айленд савдо палатаси ва «Сьерра» табиатни муҳофаза қилиш клуби аъзоси.

Уйланган, уч нафар фарзанди бор. Очик денгизда балиқ овлаш ва оиласий кемпинг билан шугуулланади.

Маълумот картасига яна зарур деб ҳисбланган хоҳлаган маълумотни киритиб қўйиш мумкин. Бир йил ўтиб Жейннинг иш қидиришига тўғри келганда Скоттга телефон қилишга сабаб топилди. У гапни чўзиб ўтирмай аввалги учрашув ҳақида эслатди.

Жейн: «Скотт, бу «DimpledollsCompany»-дан Жейн Роуз. Биз бир йил аввал январда, оиласий бизнес эгалари бўлган тадбиркорлар йигилишида, бошқарувнинг замонавий услублари ҳақида чиқиш қилганимда учрашганмиз».

Скотт: «Албатта, мен сизни эслайман. Сизнинг айрим ғояларингиздан фойдаландим ва ҳайратланарли натижаларга эришдим».

Жейн: «Сизга фойдам текканидан хурсандман. Балиқ ови қалай?»

Скотт: «Уч кунлик балиқ овидан энди қайтдим. Сүраганингиз учун раҳмат. Сиз учун нима қила оламан?»

Жейн: «Бизнинг компаниямизни «Giant Toys» сотиб олди ва раҳбарият менинг лавозимимга ўз ходимини тайинлади. Шундай қилиб мен штат қисқартирилишига тушдим. Мен сиз билан ишга жойлашиш имкониятларини муҳокама қилиш учун учрашмоқчи эдим».

Улар келгуси ҳафтада учрашиш ҳақида келишиб олдилар. Скотт компаниясида Жейн учун иш бўлмасада, унинг резюмесини яхшилаш юзасидан бир нечта фойдали тавсиялар берди. Жейн учрашув учун миннатдорлик билдириб: «Менга иш қидиришда ёрдам бера олиши мумкин бўлган бирон кишини билмайсизми?» деб сўради. Ушбу саволни ҳар бир танишингиз билан бўлган суҳбат якунида доим беринг. Бу амалий алоқалар тизимини кенгайтиришнинг ажойиб усули.

Скотт Жейнни юқ ташиш бўйича йирик компания эгаси Билл Вэнсга йўналтириди: «Биллинг ўзи сизга иш таклиф қилмаслиги мумкин, лекин унинг компанияси ўнлаб ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатади. Ва у сизга ёрдам бериши мумкин бўлган биронтасини билиши мумкин».

## **Миннатдорлик ёзуви**

Самарадорлигидан қатъи назар, мулоқотнинг устасига ҳар бир алоқада миннатдорлик ёзувлари ҳамроҳлик қиласди. Агар мулоқот телефон орқали бўлиб, ҳамсухбатингиз резюмеингизни кўрмаган бўлса, унинг нусхасини миннатдорлик ёзувига бириктириб қўйинг. Ёзувни қўлингизда ёзишингиз ёки электрон мактуб жўнатишингиз мумкин.

Жейн шундай ёзган эди:

«Қадрли Скотт!

Мен билан учрашишга вақт ажратганингиз учун раҳмат. Айниқса, мен Билл Вэнс алоқа боғлаш ҳақидаги маълумот учун миннатдорман. Афсуски, янаги ҳафтагача у шаҳарда бўлмайди. У келиши биланоқ телефон қиласман.

Сизнинг маслаҳатингиз билан мен резюмеимни қайта таҳрир қилдим (нусхаси илова қилинмоқда). Сизда мен учун яна маслаҳатлар топилса бениҳоя хурсанд бўламан.

*Хурмат билан,  
Ж.Р. Роуз»*

Шундан сўнг Жейн Скоттнинг картасига қуийдаги маълумотни кўшиб қўйди:

06.08.2011: Қўнғироқ қилдим ва ишга жойлашиш масаласи юзасидан учрашишни сўрадим.

08.08.2011: Учрашдик. Яхши маслаҳат ва «VanceTruckers»дан Билл Вэнс алоқа маълумотларини олдим.

09.08.2011: Миннатдорлик мактубини юбордим.

09.08.2011: Билл Вэнсга қўнғироқ қилдим, шаҳарда йўқ, 16.08.да қайтади.

Амалий муносабат ишга жойлашиш масалаларини ҳал қилиш билан чекланмайди. Амалий мулоқотлар, шунингдек, ходимларни ишга олишда, тавсия хатларини текширишда, умуман, маълумот зарур бўлган бошқа вазиятларда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Алоқалар тизими бир кунда қурилмайди. Бу бари бир вақт ва уринишлар сарфланадиган машаққатли меҳнатдир.

Барча мулоқотлар ёзувини олиб бориш жуда муҳимдир. Сиз кимгадир ойлаб ёки йиллаб қўнғироқ қилмаслигиниз мумкин. Лекин йиллар ўтиб ҳам сўнти мулоқот ёки биринчи учрашувни ёдга олиш музни эритиб, алоқаларни тиклаши мумкин.

Амалий алоқаларнинг энг яхши манбалари бу – хизмат вазифаси нуқтаи назаридан кўплаб одамлар билан мулоқотда бўладиган касблар вакилларидир. Сиз савдо агентлари ва касаба уюшмалари ходимлари, тармоқ журналлари муҳаррирлари, банкирлар, сиёсий етакчилар ва ҳоказоларга кўпроқ эътибор қаратинг. Бу одамлар ҳамиша воқеалар ривожи ичida бўлишади. Уларнинг шахсий файллари муҳим эканлигини акс эттириб, юлдузча билан белгилаб қўйинг ва зарурат туғилганда биринчи навбатда уларга мурожаат қилинг.

## **Резюме**

• Ишни ихтиёрий равищда алмаштириш чуқур ўйлаб қўйиладиган қадамдир.

• Иш қидиришдан аввал, биринчи навбатда, малака ва тажрибангизни таҳлил қилинг ва профессионал муваффақиятларингиз рўйхатини тузиб чиқинг. Ундан келгусида резюме тузишингизда ва ишга қабул қилинишдаги сұхбатда фойдаланишингиз мумкин.

• Ҳар бир лавозимдаги иш тажрибасини қўйидагича ёзинг:

– асосий мажбуриятлар;

– одамлар бошқарувидаги маъсулият (қўл остидаги ходимлар сони, уларнинг лавозимлари, бошқарув даражаси, жамоавий иш ташкил этиш, сиз томондан ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилган ходимлар ва ҳ.к.);

– пул, материаллар, дастурлар ва бошқаларни тасарруф этиш ҳуқуқи;

– энг аҳамиятли профессионал муваффақиятлар (пул ва вақтни тежаш, даромад олишни кўпайтириш, бозорни кенгайтириш ва ҳ.к.);

– сизга мазкур ишда нима ёқарди? Нима учун?

– сизга мазкур ишда нима ёқмас эди? Нима учун? (Бу маълумот ўз-ўзини таҳлил қилишда самаралидир. Ким бўлишидан қатъи назар, унга собиқ иш берувчи ёки компания ҳақида салбий фикрларни айтиш шарт эмас.)

- Вакансиялар манбалари:
  - интернетдаги ихтисослаштирилган сайтлар;
  - газета ва тармоқ журналларидағи әйлонлар;
  - кадрлар агентликлари;
  - ходимларни белгилаш мұтахассислари;
  - баңдлик масалалари бүйича консультантлар;
  - ижтимоий тармоқлар.

- Амалий алоқалар тизими.

Фойдали амалий алоқалар тизимини көнгайтириб, сиз ишга жойлашиш масаласини тезкор ечиш имкониятини оширасыз. Ушбу ёндашувнинг афзаллиги унинг чегара билмаслигидадир.

Амалий алоқалар рўйхатини тузиш ҳеч қачон эрта ҳам, кеч ҳам эмас.

Ҳар бир учрашув ва амалий мулоқотдан сўнг сұхбатдошингизга миннатдорлик ёзувини юборинг. Ушбу ҳаракатингиз сизнинг профессионаллигингизни кўрсатади, сұхбатдошингиз хотирасида сиз билан бўлган мулоқотни тиклайди кўмак ва унга резюмени жўнатиш имкониятини беради.

## ЯНГИ ИШ ҚИДИРИШ – РЕЗЮМЕ ВА МУЛОҚОТ

Янги иш қидиришдаги мухим жиҳатлар:

1. Резюме.
2. Ишга қабул қилинишдаги мулоқот.

### Резюме

Резюме самарали иш қидиришдаги мухим элементлардан бири ҳисобланади. Одатда у орқали салоҳиятли иш берувчи билан биринчи алоқа амалга оширилади. Агар сизнинг резюмеингиз кутилган таассуротни қолдирмаса, унда сиз у билан шахсан кўришиш ва ўз қобилияtlарингиз ҳақида сўзлаб бериш ҳамда ўзингизни *ситиши имкониятидан маҳрум бўласиз!*

Резюме ўзида маълумотингиз, тажриба ва шахсий муваффақиятларингиз қиймати акс этган ахборотни жамлайди. Ундан иш мавжудлиги ҳақидаги эълонга жавоб беришда амалий алоқани ўрнатишда, шунингдек, кадрлар агентлиги ёки ходимларни белгилаш мутахассисларига жўнатишда фойдаланиш мумкин.

Резюме – сизнинг рекламангиз. У сизнинг кучли томонларингизга ургу бериши ва ожиз томонларингизни камайтириши, сизни суҳбатга чақирадиган даражада салоҳиятли иш берувчига ёқиши керак.

## **Резюме ёзишга тайёргарлик қўриш**

Резюме ёзишга тайёргарлик қўрища ўзингизнинг барча профессионал мувваф-фақиятларингизни таҳлил қилиб чиқинг.

У ёки бу лавозимнинг хизмат мажбуриятларини изоҳлаш шарт эмас, чунки аксарият рақобатчи ёки талабгорларда ҳам бу тажриба бор. Сиз бошқа номзодлардан сизни ажратиб турувчи алоҳида мувваффақиятларингизга ургу беришингиз

*Асосий эътиборни иш берувчининг аниқ талабларига қаратинг ва бу жиҳатларни резюме ҳамда алоқа хатида акс эттиринг.*

***Джерри Кристин,  
рекрутер ва ёзувчи***

керак. Конкрет фактларни баён қилинг.

Мана, бир нечта мисоллар:

- «Бўлимда кадрлар қўнимсизлигини 18 фоизга камайтирдим».
- «Мижозлар талабини икки баробар тезроқ ўрганадиган тизимни ишлаб чиқдим».
- «Уч йил давомида зарар кўриб ишлаган савдо ҳудудида ишлай бошладим ва бир йил ичида энг даромадли нуқтага айлантирдим».
- «Бир йилда 130 минг доллар сугурта бадалларини иқтисод қилишга имконият яратган корпоратив тиббий сугурталашни ниҳоясига етказдим».

## **Жалб қилувчи жумлаларни құлланғ**

Резюмени изланаётган иш хусусиятларига мос равища тузинг. Вакансияни диққат билан үрганиб чиқинг ва шунга мос равища резюмени қайта тұлдириңг.

Масалан, «графикалы дизайн билан ишлаш» каби конкрет билим талаб этилаётган бўлса, бу йўналишда тажрибангиз жуда кам бўлса ҳам резюмеда бу ибора албатта бўлиши керак.

Ишга олувчилар ўнлаб, ҳатто юзлаб резюмеларни қабул қилганиари учун уларнинг ҳаммасини бошдан охиригача тўлик ўқимайдилар. Балки юқоридаги каби жалб қилувчи иборага эътибор қаратадилар. Агар сиз резюмеингизни электрон почта орқали юборган бўлсангиз, иш олувчи менюда калит жумлани «топиш» топширигини беради. Агар у йўқ бўлса, сизнинг номзодингиз иш берувчи эътиборига тушмайди.

### **Резюме тузища нима қилиш мумкин эмас?**

1. *Жуда узун резюме түзманг.* Бу автобиография эмас. Сизни сухбатдан ўтказиш имконини берадиган энг салмоқли муваффақиятларингизни кўрсатинг. Ёдда тутинг, салоҳиятли иш берувчининг вақти кўп эмас ва у фақат аниқ баён қилинган резюмени ўқийди. Одатга кўра, резюме бир варақдан ошмаслиги керак. Икки варақ алоҳида иш тажрибасига эга иш қидиручиларга мумкин, холос.

2. *Резюме ўта қисқа бўлмаслиги керак.* Исмлар, сана ва лавозимларни санаб ўтиш етарли эмас. Резюмени ўқиб чиқиб, иш берувчида нима учун сизнинг номзодингизни жиддий кўриб чиқиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввур уйғониши керак. У қўнгироқ қилиб сиз ҳақингизда батафсил маълумот олиши учун ўзингизни ортиқча мақтаб юборманг. Агар бошқа иш қидираётганлар ўзлари ҳақида ҳақиқий ва жалб қилувчи маълумотларни тақдим қилишса, унда иш берувчи уларни маъкул кўриши мумкин.

3. *Резюмеда салбий тажриба ҳақида баён қилманг.* Резюмега қуидагиларни ҳам киритмаганингиз маъкул:

а) шахсий маълумотлар: ёш, жинс, оиласий шароит (фуқаролар ҳуқуқлари ҳақидаги қонунлар бу каби маълумотларни беришни тақиқлайди);

б) бўй ва оғирлик. Ақлий қобилияtlар ва профессионал кўникмалар одамнинг бўйи ва оғирлигига алоқаси йўқлигига қарамай, кўпчиллик одамлар инсон ҳақида унинг ташқи кўринишига қараб баҳо беришга мойилдиrlар. Албатта, мулоқот чогида сухбатдошингиз сизнинг қобилияtlарингизни кўради ва ташқи кўриниш ҳақидаги тасаввурлар ортга чекинади;

в) аввалги иш жойидан кетиши сабаблари. Албатта, иш берувчини аввалги иш жойидан кетишингиз сабаблари қизиқтиради. Бироқ ушбу масалани кейинги мулоқотга қолдирган маъкул. Агар бу «ком-

пания тугатилиши» билан боғлиқ бўлмаса, икки оғиз сўз билан ишни ўзгартиришга сизни нима мажбур қилганини тушунтира оласизми? Маълумотнинг етарли эмаслиги эса, тушунмовчиликка, ҳатто салбий хуносаларга олиб келиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳатни назарда тутинг. Агар сиз янги иш қидиришингизга сабаб хизмат погоналаридан ўсишни хоҳлаганингиз дея ишонтирмоқчи бўлсангиз, иш берувчи аввалги иш жойингизда бунга эриша олмаганингизни профессионалликнинг етишмаганида деб тушуниши мумкин;

г) иш ҳақи миқдори. Иш ҳақи миқдори лавозим, географик жойлашув ва бошқа омиллардан келиб чиқиб шакланиши мумкин. Шунинг учун ушбу саволни резюмега қўймаслик зарур;

*Биз хоҳлаган лавозимга  
эришишишимиз имкониятлари  
ҳар бир мулоқотга  
муваффақиятли тайёргарлик  
кўришишимиз билан ортиб  
боради.*

***Артур Р.Пелл,  
кадрлар бўйича  
консультант ва ёзувчи***

д) фотосуратингиздан фойдаланманг. Иш берувчи ташқи кўринишингиздан қатъи назар, сиз ҳақингизда мутахассис сифатида тасаввурга эга бўлиши керак. Кўпчилик иш қидирувчиларга тахминий

тасаввурлар сабаб мулоқот ўтказиш учун рад жавобини берадилар. Масалан, иш берувчи келишган ташқи кўринишга эга бир ёш йигитни унинг юзи ўта «ёш болага» ўхшагани учун сұхбатта таклиф қилмади.

4. *Резюмеда сизга кафолат берувчиларни кўрсатманг.* Сизнинг номзодингиз иш берувчини қизиқтириб қолса, у ўзи сиздан бу ҳақда сўрайди. Резюмеда фақат муҳим маълумот баён қилинган бўлиши керак. Кафолат берувчилар рўйхатини сўраган пайтларида тақдим қилиш учун алоҳида тайёрлаб қўйинг. Агар сизга кафолат берувчи ўта таниқли ва ҳурматли мутахассис бўлса, ушбу қоидадан истисно қилиш мумкин. Рўйхатга кафолат берувчини қўшишдан аввал унинг розилигини олинг.

5. *Аниқ бир лавозимни кўрсатманг.* Агар сиз бош муҳандис-кимёгар лавозимига даъвогарлик қилиб, бир вақтнинг ўзида бошқа қизикроқ варианtlарни ҳам кўриб чиқишига рози бўлсангиз, резюмеда «бош муҳандис-кимёгар» лавозимини кўрсатманг, бўлмаса сизнинг ўз-ўзидан бошқа имкониятлардан воз кечишингизга тўғри келади.

6. *Резюмени «талаблар»дан бошлиманг.* Рекламачилар «биз» сўзига урғу бериб, «мен» сўзидан қочиши кераклигини ҳисобга оладилар. Ўзингизни иш берувчига тақдим этиш, ўзингиз эмас, унинг учун қилишини хоҳлаётганингизни тушунтиринг. «Мен қизиқарли яхши иш топишни хоҳлайман» жумласи ўрнига «Дастурлар ишлаб чиқиши соҳасида ўн йиллик муваффакиятли тажри-

бага эгаман» деб ёзинг. Резюмеда «мен» сўзининг кўп ишлатилиши тажриба ва професионаллик етишмаётган ишчининг онг даражасини белгилаб беради.

7. Эски резюмени қайта ишламанг. Ҳар бир вакансияга алоҳида ёндашинг: кучли ва ожиз томонларингизни кўриб чиқинг ва резюмени ҳар бир аниқ лавозимга мос равища қайта ёзинг.

8. Билим олишга етарлича эътибор қилинг, аммо керагидан ортиқ вақт ажратманг. Резюмеда бевосита қидирилаётган вакансияга оид маълумот ёки билимлар даражасини келтириш керак. Битиурчилар олий ўкув юртларини анча йиллар аввал тамомлаган инсонларга нисбатан билим олишга қўпроқ эътибор қаратишлари керак. Агар диплом олинганига беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, фақат ўкув мусассаси, мутахассислик ва профессионал кўникмаларни кўрсатинг. Қидирилаётган лавозимга доир курс ва семинарлар рўйхатини тузинг.

9. Резюмени талабга мос бўлмаган шакл, орфографик ва услубий (стилистик) хатолар билан бузиб қўйманг. Тайёр бўлган ҳолатини бир неча бор ўқиб чиқинг, шунингдек, уни кимдир кўриб беришини илтимос қилинг.

10. Вақти-вақти билан резюмени дикқат билан кўриб чиқинг. Уни кўриб чиқишгандан кейин сизни сухбатга таклиф қилиш маса, резюмени қайта ёзинг.

## **Алоқа хати**

Алоқа хатини тайёрлашда икки ёндашувдан фойдаланиш мумкин. Энг қулайи – резюмега қисқача хат илова қилиш: аксарият иш берувчилар иш қидирувчилардан айнан шуни кутадилар. Иккинчи ёндашув, батафсил маълумот акс этган алоқа хатини резюме ўрнига жўнатишдан иборат. Ушбу ёндашув баъзи ҳолатларда маъқулланади. Хат электрон ёки чоп этилган кўринишида жўнатилиши мумкин.

## **Қисқача алоқа хати**

Резюмега илова қилинган шундай бир хатни мисол келтирамиз. Вильям Маршалл Огайо штати Виллетсдаги «Skinner Steel Fabrikators»да харид қилиш бўйича менежер бўлиб ишлайди. Унинг таниши Чарльз Грехем «Standart Tools, Inc.» вице-президенти Сьюзан Рандалга резюме жўнатишни маслаҳат берди. Грехемдан иш ҳақидаги барча маълумотларни билгач ва компания сайтини ўрганиб бўлгач, Вильям резюмега қисқача алоқа хати ёзди:

*«Хурматли миссис Рандал!*

Чарльз Грехем менга компаниянгиз харид қилиш бўлимидаги иш юзасидан боғланишимни маслаҳат берди.

Биласизки, мен ишлаёттан «Skinner Steel Fabrikators» компанияси «Midwest Metals» билан бирлашади ва харид қилиш масалалари «Midwest Metals»да ҳал этилади. Ме-

нинг пўлат ва бошқа хом ашё харида бўйича профессионал тажрибам, резюмеда кўрсатилганидек, «Standart Tools» талаблари ва андозаларига мос келади. Бу эса, мени сизнинг харид бўлимингиз фаолияти муваффакиятини таъминлашга хизмат қиласиган қимматли ходим эканлигимдан далолат беради.

Ушбу масалани сиз билан муҳокама қилиш ниятидаман. Мен сиз билан келгуси ҳафта учраша олишимиз мумкинлигини билиш учун боғланаман.

Хурмат билан,  
Вильям Маршалл  
Резюме илова қилинмоқда».

Эътибор қилинг, Маршалл биринчи навбатда маслаҳат берган инсон исмини келтириб ўтди. Шундан кейин у иш берувчига нимаси билан фойдали бўлишини тушунтириб, мажбурий бўлмаган оҳангда сухбат ўтказишни илтимос қилди.

Барча маълумотлар резюмеда акс этгани учун ўзининг бор иш тажрибасини тўлиқ баён қилиб ўтирумади. Алоқа хати қисқа ва мавзуга хос бўлиши керак. Айнан шу иш берувчига қизик бўлган *айрим тор* хусусиятли жиҳатларнигина акс эттиришингиз мумкин холос. («Менинг пўлат ва бошқа хом ашё харида бўйича профессионал тажрибам, резюмеда кўрсатилганидек, «Standart Tools» талаблари ва андозаларига мос келади».)

Хат сүнгіда учрашиш ҳақида сўранг ва бир неча кундан кейин шахсан ўзингиз құнғироқ қилинг. Сиз күп вақт ійқоти-шингиз мумкин, бироқ иш берувчи билан шахсан қўришиш ҳақида келишишга эришсангиз, ишга жойлашиш имкониятларингиз сезиларли равишда ортади.

*Агар сиздан бирор нарса  
қила олиш-олмаслигингизни  
сўрашса, ўйламасданоқ  
«Албатта қила оламан!»  
дек жавоб беринг. Кейин  
фикрингизни тез йигиб  
олингда, буни қандай қилиш  
кераклигини ўйлаб топинг.  
**Теодор Рузвелт***

### **Батафсил хат**

Айрим иш қидирудынчилар резюме ўрнига профессионал тажриба баён этилган алохыда хат тайёрлашни маъқул кўрадилар. Бундай хатни сизни тавсия қилишлири мумкин бўлган одамга ёки янги ходим қидираётган компания раҳбариятига йўлаш мумкин.

Бу каби хатни айнан кимга юбориш керак? Агар сиз бошқарув лавозимини эгалламоқчи бўлсангиз, компания президенти ёки бош директор номига ёзинг; агар савдо вакили сифатида ишламоқчи бўлсангиз, хатни савдо ёки маркетинг бўйича менежерга йўлланг; агар бош ҳисобчилик лаво-

зимига даъвогар бўлсангиз, молия бўлими бошлиги ва ҳ.к. номига ёзинг.

Компьютерда ҳар бир иш берувчи компанияга алоҳида батафсил хат тузиш мумкин. Бундай хат намунасини кўриб чиқинг. Компания номи ва манзилини кўрсатишни унутманг.

Чарльз Хокинз  
Бюстер чорраҳаси, 42  
Гринвиль, Нью-Йорк штати 12020

Эндрю Картер жанобларига  
«Bizzard» ишлаб чиқариш компаниясиға  
Джей кўчаси, 34-уй  
Скенектали, Нью-Йорк штати 2310

«Хурматли мистер Картер!

«Bizzard» бошқарувида маркетинг, ишлаб чиқариш, меҳнат ва молия муносабатлари соҳаларида беназир иш тажрибасига эга муваффақиятли раҳбар ходимга иш жойи топилмасмикан?

Оддий савдо вакилидан қаттиқ товарлар ишлаб чиқарувчи йирик компаниянинг тижорат директоригача бўлган йўлни бошиб ўтгач, мен бош директор ўринбосари лавозимига қўтарилдим ва директорлар кенгаши аъзолигига сайландим. Ушбу лавозимда мен бошқарув сиёсатини замонавий андозаларга мос равишда тўлиқ қайта ташкил этдим. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш салмоги ортди ва бошқарув харатлари камайди.

Менинг муваффақиятларимга қуидағилар киради:

- құл бошқарувини компьютер дастури орқали бошқаришга үтказиши;
- моддий-техник ресурларни бошқаришни ташкил қилиш;
- компанияга сезиларли имтиёзларни тақдим этган меңнат шартномаларини тақомиллаштириш;
- ҳудудий ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини бошқариш;
- савдо, назорат ва техник ходимларни белгилаш ва уларни ўқитиши;
- маркетинг таҳлили ва прогноз дастурларини ишлаб чиқиши;
- чакана ва ултуржы савдонинг маркетинг ҳамда реклама фаолиятини ташкил этиши.

Йигирма йиллик муваффақиятли тажрибам туфайли мен «Bizzard» бошқарув жамоасининг қымматли аъзосига айландым. Мен құшимча маълумотларни сизга қулай бўлган вақтда, ёзма равишда ёки шахсан учрашганимизда тақдим этсам бўладими?

Хурмат билан,  
Чарльз Хокинз».

Айрим иш қидирувчилар кўплаб компанияларга фойдасиз бўлган юзлаб хатларни юборадилар. Одатда йирик ташкилотлар талаб қилинмаган жуда кўплаб хатларни қабул қиласидилар ва натижада уларни

кўриб чиқиши пайсалга соладилар. Бир томондан Ҳокинз каби кишиларнинг аниқ компанияяга йўллаган мактублари жавоб беришга муносибдир. Бироқ шундай ҳолатда ҳам ижобий натижага умид қилиб қолмаслик керак. Агар юзлаб юборилган хатларингизга жавобан бир ёки икки сухбатга таклиф қилишса, омадим келди деб ҳисоблайверинг. Лекин яна уриниб кўриш зарар қилмайди.

Албатта, бир компанияяга қайта ва қайта хат юбориш учун вактни йўқотиш мантиқсизлик ҳисобланади. Агар биринчи мурожаат жавобсиз қолдирилган бўлса, иккинчиси ниманидир ўзгартиришига ишонч йўқ. Шундай бўлса-да, ўта қизик кўринаётган компанияяга бошқа усулни қўллаб кириб кўриш ва сухбат ўтказилиши учун уриниб кўриш мумкин.

Бундай ҳолатда сиз хатни юборган одамга бирор ҳафта ёки ўн кунлар ўтиб

*Сухбатдан ўтиши жараёнида  
сиз яна тўйқиз нафар бошқа  
талағорлар билан рақобатда  
бўлишингизга тўгри  
келади. Уларга нисбатан  
афзаллигингиизни намоён  
қила олишга тайёр бўлинг.  
Ўз нуқтаи назарингизни  
қатъийлик билан ҳимоя  
қилинг. Бўлмаса сиздан ўзиб  
кетишади.*

**Алан Фокс, социолог**

қүнгироқ қилинг. Ижобий жавоб олиш имконияти камроқ бўлса-да, у одам билан шахсан учрашишни илтимос қилиб кўринг.

Резюме ёки алоқа хатлари фақаттина компания эшикларини очиб беришга хизмат қилади. Унугманг, бу рекламангиз иш берувчи ни сизни сухбатта чақиришига ундаши керак.

### **Ишга қабул қилиш мулоқоти**

Қоидага кўра, айнан сухбат чоғида ишга олиш масаласи ҳал қилинади. Бу ўзингизнинг энг яхши қирраларингизни намойиш қилиш имкониятидир. Агар мулоқот давомида иш берувчида ижобий таассурот уйфота олмасангиз, иккинч мarta бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

Кўп холларда номзод ишга қабул қилинётганда бир нечта сухбатдан ўтади. Биринчи мулоқотни одатда кадрлар бўлими ходими ўтказади. Кейинги сухбат янги ходим бирга ишлаши мумкин бўлган масъуллар иштирокида бўлиб ўтади. Сўнгти бор сизнинг фикрларингизни айнан ишга қабул қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилувчи инсон тинглайди. Бу сиз ҳисобот берадиган масъул шахс ёки ишлашингиз кутилаётган бўлим бошлиги бўлиши мумкин. Энг асосий мулоқотга етиб боришингиз учун ундан аввалги сухбатдошларингизда яхши таассурот қолдиришингиз муҳим эканлигини ёдда сақланг. Кўпчилик иш қидирувчилар ўзларининг асосий қобилияtlарини сўнгти мулоқотда намо-

йишиң қилиш умидида оралиқ сұхбаттарға юзаки тайёргарлик күришади ва натижада улар омадсизликка учрайдилар. Бошқа-ча айттанда, дастлабки сұхбаттарни түғри баҳолай олмаслик натижасыда улар бош раҳбарлар билан учрашиш имкониятини күлдан бой берадилар.

Хар бир сұхбатта пухта тайёргарлик күриш шарт. Бириңчи мұлоқот жуда мұхим. Сиз билан мұлоқот қилаётган ҳар бир масъул шахс сизни бетакрор ва голиб номзод сифатида күришига умид қилиш нодонлиқдир. Дастандардың мұлоқоттарға расмий тус берманг ва ходимлар бўлими бошлигида яхши таассурот қолдиришга эришган бўлсангиз, энди мени бош раҳбар ўз-ўзидан ишга қабул қиласи деган хомхәёлга ҳам борманг.

Хар бир сұхбатдан аввал ўзингизни тутиш аниқ стратегиясини ишлаб чиқинг. Аввалги сұхбаттардан келиб чиқиб, бош раҳбар қандай саволлар бериши ва компанияя учун нималар мұхим эканлиги ҳақида хуласа чиқариш мумкин. Бўлиб ўтган ҳар бир сұхбатни чуқур таҳлил этиб бориш келгуси мұлоқотга тайёргарлик күриш учун мұхимдир.

Бириңчи сұхбатдан кейинги сұхбат учун намуна сифатида фойдаланинг. Ҳар бир сұхбатта компанияя ҳақида олинган маълумот, лавозимлар ва аввалги номзодларни сұхбатдан ўтказища кўлланилган услубларни инобатта олган ҳолда тайёргарлик кўринг.

Биринчи навбатда номзодларга қандай талаблар қўйилаётганини билиб олиш зарур. Кучли томонларингиз ва жиҳатларингизни ижобий ҳамда ишончли тарзда намоён қилиш учун ўз тажрибангизни таҳлил қилиб олинг.

### Иш берувчи талаблари

Айтайлик, сұхбатдош резюме ҳамда алоқа хатингизни ўқиган. У тажриба ва билимларингиздан яхши хабардор. Бу ҳолатда сизга аниқлик киритувчи саволлар ҳамда хизмат мажбуриятлари ва ваколатларига доир қўшимча маълумотлар беришади. Бироқ сиз билан мулоқот қилувчи шахснинг резюмеингизни ўқиб чиқишига вақти бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун тажрибаси ва билимларингиз ҳақида қисқача маълумотлар беришга тайёр бўлинг.

Профессионал кўнилмалардан ташқари сұхбатдошингизни ишга муносабатингиз, аввалги иш берувчилар, раҳбарлар ва қўл остингиздагилар билан ўзаро муносабатингиз каби шахсий фазилатларингиз ҳам қизиқтиради. Ички мантиқий манбалар, қисқа муддатли ва узоқ муддатта мўлжалланган мақсадлар, юксак муваффақиятларни айта олишга тайёр бўлинг. Сиз билан мулоқот қиласидиган киши қандай қийинчилликларга дуч келганингиз ва уларни қандай енгиб ўтганингиз ҳақида сўраши турган гап.

Ҳар бир лавозим сұхбат давомида очик айтиладиган алоҳида талаблар билан ха-

рактерланади. Сизга ижодий салоҳиятингиз, ғояларни илгари суриш қобилиятингиз, одамлар билан умумий тил топиша олиш маҳоратингиз, кучли ва ожиз томонларингиз, шунингдек, хизмат погонасидан ўсиш салоҳиятингизни баҳолаш мақсадида саволлар беришади. Бу ерда фақат нимани гапираётганингиз эмас, балки қандай гапираётганингиз, нималар ҳақида сукут сақлаётганингиз ва ўзингизни қандай туваётганингиз ҳам жуда муҳим. Бошқача айтганда, сұхбатдошингиз қисқа муддат ичиде сизнинг профессионал ва шахсий фазилатларингиз ҳақида күпроқ билиб олиши керак.

### **Сизнинг талабларингиз**

Ишга қабул қилиш мuloқотига тай-ёргарлик кўриш жараёнида сиз нафақат иш берувчи талабларини тушунишингиз, балки сұхбатдан кутаётган натижа – ўз талабларингиз рўйхатини ҳам тузиб қўйишингиз керак. Сизнинг бош мақсадингиз – иш жойига эришиш. Бунинг учун аввало сұхбатдошда яхши таассурот қолдириш керак. Биринчи таассурот – энг муҳими эканлигини ёддан чиқарманг. Сұхбатдан ўтиш учун кабинетга кирган дақиқангиздан бошлаб ҳар бир харакатингиз, ҳар бир сўзингиз, ҳар бир ишорангиз баҳолана бошлайди. Кийинишингиз, табасум қилишингиз, ўзингизни тутишингиз, хатти-харакатларингиз – буларнинг ҳамма-ҳаммаси аҳамиятга эга. Содда қилиб

айтганда, нимаики қилсангиз ва нимаики гапирсангиз, сизни галабага ёки маглубиятга олиб келади!

Иккинчи муҳим вазифангиз – кучли жиҳатларингизга ургу бериш ва ожиз томонларингизни имкон борича камайтиришдан иборат. Буни амалга ошириш учун барча афзаликларингиз ва камчиликларингизни рўй-рост баҳолашингиз керак. Зарурат туғилиганда у ёки бу камчиликларингизни қандай бартараф этишингизни тушунтиришга тайёр бўлинг. Ушбу лавозимга яна бир нечта номзод талабгор эканлигини бир сония бўлсин ёддан чиқарманг. Улар ким ва нима таклиф қилишларини билмасангиз ҳам, ўзингизнинг энг яхши томонларингизни кўрсата олиб, рақобатчилардан ўтиб кетиш учун барча имкониятларни ишга солинг.

Ишга қабул қилиш мулоқотига тайёр гарлик кўриш жараёнида инобатга олишингиз керак бўлган яна иккита муҳим талаб бор. Биринчидан, мазкур компания ва ушбу лавозим сизга мос келишини яна бир бор ўйлаб кўринг. (Мос келадиган компанияяда мос келмайдиган иш ёки мос келмайдиган компанияяда мос келадиган иш вақт ва кучнинг беҳуда сарф бўлишига олиб келади, холос.) Иккинчидан, иш берувчи бажара олсагина унинг таклифини қабул қилишингиз мумкин бўлган талабларингизни аниқ ифода этинг.

Бир томондан ўзингиз, иккинчи томондан иш берувчига нима кераклигини билиб

олганингиздан кейин мулоқотдан ўтиш стратегиясини режалаштиришга кириши-шингиз мумкин. Ҳар бир сұхбатта алоҳида ва пухта тайёргарлик күриш керак. Имкон борича компания ҳақида күпроқ маълумот йиғишга ҳаракат қилинг. Үзингизнинг ишбилармоңлик қобилиятларингиз ва профессионал тажрибангизни таҳлил қилиб олинг. Күплаб муваффақиятли иш қидирудвчилар мұхим ишбилармоңлик қобилиятлар ва эришилган ютуқлар рўйхатини тузиб чиқиши ҳамда ҳар бир мулоқотдан аввал кўриб чиқиши тавсия этадилар.

Тажриба – энг яхши стратегия. Иложи бўлса, сұхбатни дўстингиз ёки кадрлар бўйича консультант билан репетиция қилиб олинг. Мулоқотга тайёргарлик кўришнинг яна бир услуби бу – сизни унчалик қизиқтирумagan вакансияга бўлса ҳам, таклиф қилинаётган барча сұхбатларда иштирок этиш. Шу йўсинда сиз ўзингизда мулоқот қилиш кўникмасини шакллантирасиз, ўзингизга ишонч ҳосил қиласиз ва сиз учун мұхим сұхбатлардан муваффақиятли ўта олишга эришасиз.

### **Мулоқотга тайёргарлик кўриш ва уни режалаштириш**

1. Уйга вазифани бажаринг: мулоқот бўлиши кутилаётган одамлар, ташкилот ва у ердаги мухитни ўрганиб чиқинг.
2. Компания ўз тармогида қандай ўрин эгаллашини аниқланг.
3. Сұхбатдошнинг оддий, мураккаб ва чалгитувчи саволларига самимий жавоб

тайёрланг. (Саволлар намуналари қуйида берилмоқда.)

4. Якка тартибда ва гурұхда ўтказила-диган мuloқotларга тайёргарлик қўринг.

5. Билимларингиз, профессионал қо-билияtlарингиз, ижобий интилишларингизга аниқ мисоллар ва исботларни ўйлаб қўйинг.

6. Қизиқишиңгиз ва ишлашга хоҳи-шингизни кўрсатиш учун сұхбатдошга са-воллар рўйхатини тайёрлаб қўйинг.

7. Мuloқotни ўзингизга ишонадиган инсон билан репетиция қилиб олинг ва ундан кутилмаган фикр билдиришини сўранг.

### **Сұхбатдошнинг анъанавий саволлари**

Ушбу бўлимда энг кўп тарқалган ва ишга қабул қилишда сизга берилиши мумкин бўлган саволлар тақдим этилган. Уларга бир оғиз сўз билан жавоб бериш мумкин эмаслигига эътибор қаратинг:

1. Сиз ўзингизни қандай таърифлаган бўлар эдингиз?

2. Нима учун аввалги иш жойингиздан кетдингиз?

3. Нима учун сиз айнан шу ишни танла-дингиз?

4. Сизнинг қисқа муддатли ва узоқ муд-датли мақсадларингиз қандай?

5. Қандай эътибор ва рагбатлантириш-лар сиз учун муҳим?

6. Профессионал фаолиятингизга боллиқ бүлмаган қандай мақсадларни ўз олдингизга құясиз?

7. Беш йилдан кейин нима билан машгул бўлишни хоҳлар эдингиз?

8. Беш йил ичида қанча маблаг ишлаб топмоқчисиз?

9. Ҳаётингизнинг ҳеч қаерда ишламаган даври нима билан боллиқ бўлган?

10. Руҳий изтиробга туширувчи ҳолатлардан қандай чиқиб кетасиз?

11. Бир ўзингиз ёки жамоа билан ишлашни маъқул кўрасизми?

12. Зиддиятларни қандай ҳал қилишга ўргангансиз?

13. Иш тажрибангизда фикрлар келишмовчилиги түфайли раҳбарият билан тўқнаши келганмисиз? Муаммоли масалаларни қандай бартараф қилгансиз?

14. Сизнинг энг кучли ва ожиз томонларингиз қайсилар?

15. Энг яқин дўстингиз сизни қандай таърифлаган бўларди?

16. Сиз ишлаган энг яхши ишхонани таърифлаб беринг.

17. Сиз билан бирга ишлаган энг яхши раҳбарни таърифлаб беринг.

18. Сўнгги раҳбарингиз сизнинг ишингиз ҳақида нималар деган?

19. Нима учун мен айнан сизни ишга олишим керак?

20. Бизнинг компания каби корхонада муваффақиятга эришиши учун нималар зарур?

21. Компаниямизда қайси йүналишларда ишни яхшилай олган бўлар эдингиз?

22. Бўш вақтингизда нималар билан машгулсиз?

23. Муваффақиятли менежер қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

24. Раҳбар қўйл остидагилари билан қандай муносабатда бўлиши зарур?

25. Қайси ютуқлар сизни кўпроқ хурсанд қиласди ва қониқтиради? Нима учун?

26. Бизнинг ташкилотимиз ҳақида нималарни гапириб бера оласиз?

27. Бизнинг товар ва хизматларимиз нимаси билан қизиқ?

28. Бизнинг рақобатчиларимиз ҳақида нималарни гапириб бера оласиз?

*Сиз нима билан машгул  
бўлишни ёқтирасиз?*

*Ишлаётган ишингиз ёқмаётган  
бўлса уни ўзгартиринг, чунки  
уни сиз эплай олмайсиз. Бу  
ишда сўнгги кунларингизгача  
қолишга ҳожати йўқ, чунки  
сиз ҳеч қачон муваффақиятга  
эриша олмайсиз.*

**Ли Якокка**

### **Мураккаб саволларга тайёр бўлинг**

Суҳбатдош сизга қалтис савол бериши мумкин: нима учун аввалги иш жойингизда узоқ қола олмадингиз? Ёки фараз қилинаётган бирор бир муваммо ечимини топинг... Савол сизни боши берк кўчага олиб

кирганини күрсатмаслик учун очиқ ва рост жавоб беришга ҳаракат қилинг. Қуида келтирилган маслаҳатлар сизга мураккаб вазиятдан чиқишига ёрдам беради.

- Саволга ҳақиқатан қизиқаётганингизни ва уни тушунишни хоҳлаётганингизни намойиш қилинг. Сұхбатдошингизга диққат билан қулоқ солинг ва зарур бўлса ундан тушунарсиз жойларни изоҳлаб беришини сўранг.

- Қийинчиликлар олдида ўзингизни йўқотиб қўйманг. Қизиқарли савол учун сұхбатдошингизга миннатдорлик билдиринг.

- Сұхбатдошнинг сўзларини ўзингизга олманг ҳам, ўзингизни ҳимоя қилманг ҳам. Унутманг: ҳар бир савол сизга бўлган қизиқиши белгисидир.

- Хотиржамликни сақлаб, бир текис нафас олинг.

- Табассум қилинг, кўзингизни олиб қочманг, ўзингизни қатъиятли тутинг.

- Барча нарсага қувноқлик билан муносабатда бўлинг.

- Саволларга жавоб беретиб аҳамиятли сўзлар ва жумлаларни қўлланг.

- Бу каби муаммо ижобий ҳал этилгани ҳақида тажрибангиздан мисол келтиринг.

- Иложи бўлса, муҳокама этилаётган мавзуга оид ўз ютуқларингиз ҳақида гапириб беринг.

## **Мулоқот чоғида нима қилиш мумкин ва мумкин эмас?**

Ишга қабул қилиш бўйича агентлар номзодларнинг ишга жойлашиш имкониятларини оширувчи ёки аксинча, пасайтирувчи хатти-ҳаракатларини белгилаб борадилар.

*Нималарга амал қилиши керак:*

1. Мулоқотга белгиланган вақтда ёки бир оз эртароқ келинг.
2. Мобил телефон ва бошқа электрон ускуналарни ўчириб қўйинг.
3. Замон талабларига мос кийининг.
4. Суҳбатдош хонасида сизни нима қизиктириб қолгани ҳақида рўй-рост амалий мулоқот ўрнатиб олинг.
5. Нигоҳингизни олиб қочманг ва хатти-ҳаракатларингизни назорат килинг.

*Ўз ишингни севиш ва бу  
қанчалик мухимлигини англашдан  
яхшироқ яна нима бор?*

***Катерина Грехем, ношир***

6. Тинглашни билинг ва сўз билан ифодаланмаётган хатти-ҳаракатларга эътибор қаратинг.
7. Ишонч ва ижобий кайфиятни на мойиш қилинг.
8. Бошқа одамлар ҳақида ёмон фикр айтманг.
9. Худди сизни ишга қабул қилишгандек «биз» деб гапиринг.

10. Қисқа ва мавзу бўйича гапиринг.
11. Фактларни баён қилиб, фикрларингизни тажрибангиздаги мисоллар билан мустаҳкамлаб боринг.

12. Ишончли тавсияномаларни тақдим қилинг.

13. Пухта ўйланган ва ўринли саволлар беринг:

- Янги вазифаларимни бажаришга киришишдан аввал ишга ўтишимни енгиллаштирадиган нималар қилишим мумкин?
- Мен аввалдан тайёргарлик қўриб қўйишим керак бўлган қандай қийинчиликларга дуч келишим мумкин?
- Таشكilot иши ва маданияти билан яқиндан танишишим учун қандай материал ва ҳужжатларни қўриб чиқишим мумкин?
- Менинг номзодим ва малакам юзасидан сизда қандай савол ёки иккиланишлар бор?
- Кейинги босқич қанақа?
- Сизнинг қарорингиз ҳақида мен қандай билишим мумкин?

*Нималар қилмаслик керак:*

1. Мулоқотга кеч қолиш.
2. Овозсиз режимда бўлса-да, телефонни ёкиқ қолдириш.
3. Ёқимсиз ташқи кўринишда келиш.
4. Ўзини ўта қатъиятли, агрессив ва қайсар ҳолатда тутиш.
5. Ўта паришон ва бўшашган қўринишга эга бўлиш, нигоҳни олиб қочиш.
6. Сухбатдош гапираётганда ўз ўйлари билан баңд бўлиш.

7. Түшкүн кайфиятни намойиш қилиш.

8. Собиқ раҳбарлар, ҳамкаслар ва қўл остидаги ходимлар ҳақида салбий фикрлар билдириш.

9. Ўз хизматларини етарлича ифодалай олмаслик, ўзини ишончсиз тутиш.

10. Ишдан кўра иш ҳақи, имтиёзлар ва дам олиш кунларига кўпроқ қизиқиши.

11. Ишончсиз, иккиланган, ноаник фикрлар билдириш, сұхбатдош саволларини эътиборсиз қолдириш.

12. Ўзининг асабийлашишидан безовта бўлиш. Албатта, меъёрдаги ҳаяжон бўлиши табиий. Бу сизга бари бир эмаслиги ва яхши таассурот қолдиршга ҳаракат қилаётганингизни кўрсатади.

13. Ишончсиз маълумотлар, айниқса, тавсияномаларни тақдим қилиш.

14. Ҳал қилинмаган масалаларни очик қолдириш.

### Мулоқотдан сўнг

Сұхбатдан сўнг сизни эслаб қолганликлари ва яхши таассурот қолдира олганингизга ишонч ҳосил қилишингиз керак. Бунинг учун бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш керак.

1. Сиз билан сұхбатлашганларнинг барчасига миннатдорлик ёзувини ёзинг. Танишганингиздан мамнун эканлигингиз ва бирга ишлашни хоҳлашингизни ифодаловчи бир-икки жумла ёzsангиз кифоя.

2. Ҳаммага бир хил фикр ёзманг.

3. Агар бошқарув тизимидан кимдир алоҳида ёрдам берган бўлса, буни ёзувингизда қўрсатиб ўтинг.

4. Суҳбатдан маълум муддат ўтиб ҳам сиз билан боғланишмаса, қўнғироқ қилинг ва қабул қилинган қарор ҳақида шахсан қизиқиб қўринг.

5. Телефон орқали хабарни қисқа ёзинг, исмингиз ва телефон рақамини хабар аввалида ҳам, охирида ҳам қўрсатиб ўтинг.

6. Агар сұхбатдошлар қарор қабул қилишга иккиланишаётган бўлса, бирор кунни офисда ўтказишингизни ёки муҳокама қилинган мавзу бўйича бизнес-режа қилишни таклиф қилинг.

7. Қабул қилинишингиз мумкин бўлган иш жойига тавсиянома берган одамларга хабар бериб чиқинг.

### **Ўзингиз ҳақингиздаги фикрни қабул қилишга тайёр туринг**

Шахсий қиёфани бошқаришдаги энг кийин жараён бу – ўзингизни ташқаридан бошқа одамлар кўриб турганидай кўра ол-маслигинги бўлса керак. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижаларига кўра, инсон ўзига нисбатан атрофдагилардан кўра, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлишга мойилроқ. Бир вактнинг ўзида у ўзини қониқарсиз тутаётганини англаб етмаслиги мумкин.

Ўзингизни четдан кузатиш ва баҳо бериш учун:

- Ўз чиқишиларингизни диктофонга ёзиб ёки видеотасвирга тушириб, сунг тингланг ва кўринг. Кўзгуда ташқи кўринишингизни бузиб турган ҳолатларни кўриб чиқинг. Соқолингиз тоза олингандими? Сочингиз бетартиб эмасми? Кийимларингиз дазмолланганми?

- Ўзингиз ишонган ҳамкасларингиздан ташқи кўринишингиз ва хулқ-авторингиз ҳақида фикр билдиришларини сўранг.

- Атрофдагиларнинг сизга муносабатини ўрганиб боринг.

*Бизнинг дунёимизни доим одамларга қувонч улашувчи вазиятларни қидирадиган инсонлар бошқаради. Агар топа олмасалар, унда ўзлари шу вазиятни яратадилар.*

**Жорж Бернард Шоу**

Айниқса, иш қидириб юрган дўстларингиз сиз ҳақингизда фикр айта оладиган энг яхши манба. Ўз навбатида сиз ҳам уларга ёрдам бера олишингиз мумкин.

Ўзингизни тренер ёки мураббий сифатида тасаввур қилиб кўринг. Бошқа инсонлар ҳақида қайси манбаларга қўра хулоса чиқаришингизни таҳлил қилинг. Яхши амалларга эътибор қаратиб, салбийларидан воз кечинг. Ўз кузатишларингизни ҳамкасларингиз билан муҳокама қилинг. Лекин танқид асосли ва яхшиликка хизмат қилиши керак.

## **Резюме**

- Резюме тузища риоя этиладиган 10 та қоида:
  1. Резюме жуда узун бўлмаслиги керак.
  2. Резюме баландпарвоз гаплардан иборат бўлмаслиги керак.
  3. Резюмеда мувваффақиятсиз тажрибангизни кўрсатманг.
  4. Резюмега тавсияномалар рўйхатини киритманг.
  5. Аниқ лавозим номни кўрсатманг.
  6. Резюмени «талаблар»дан бошламанг.
  7. Эски резюмени янги вакансияга мослаштирунганг.
  8. Маълумотларга керагича эътибор қилинг, лекин билимларингизга ўта кўп эътибор бериб юборманг.
  9. Яхши ёзилган резюмени орфографик ва услубий хатолар қилиб бузиб қўйманг.

*Севган шингизни  
қилинг, шунда бир кун ҳам  
ишишингизга тўғри келмайди.*

## **Конфуций**

- 10. Резюмени вақти-вақти билан ўқиб туринг.
  - Резюме ва алоқа хати ўз-ўзини реклама қилиш белгиси эканлигини унуманг. Уларнинг мақсади – иш берувчини сизни сухбатга чақиришига ундаш.
  - Сухбат – иш қидиришдаги муҳим босқич. Бу салоҳиятли иш берувчига ўзингизни тақдим қилишингиз учун ягона им-

коният. Бириńчи мулоқотда унда яхши таассурот қолдира олмасангиз, бошқа бундай имконият бўлмайди.

• Суҳбатга боришдан аввал имкон борича иш берувчи ва компания ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлинг. Сиз унга нима таклиф қилишингиз ва қобилиятларингизни қандай қилиб ишончли тарзда тақдим қила олишингизни ўйлаб кўринг.

*Сизнинг вазифангиз ўз  
мақсадингизни топиш ва  
унга бутун борлигингиzinи  
топширишадир.*  
**Будда**

• Мулоқотни имконият даражасида дўстингиз ёки ишга ёлаш бўйича консультант билан репетиция қилиб кўринг. Мулоқотни видеотасвирга олиб, қайта кўриб чиқинг ва ишонган ҳамкасларингизга ҳам кўрсатинг.

• Ҳар бир суҳбатга пухта тайёргарлик кўринг. Бириńчи мулоқот худди сўнгиси каби муҳимдир. Ёки аксинча.

• Ҳар бир мулоқотни режалаштиring. Аввали суҳбатлар, кўпроқ берилган саволлар ва компания ҳақида қўлга киритган янги маълумотларингизни инобатга олиб стратегиянгизни белгиланг.

• Ҳар бир суҳбатдан аввал ўхшашиб саволлар, шунингдек, нималар мумкин ва нималар мумкин эмаслиги ҳақидаги маслаҳатларни кўриб чиқинг.

• Ҳар бир мулоқотдан сўнг барча суҳбатдошларга миннатдорлик мактубларини юборинг.

## ФАОЛИЯТ ТУРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Агар хизмат погонасидан күтарилиш имконияти бўлмаётган бўлса, унда фаолият турини тўлиқ ўзгартирисингизга тўғри келади. Тарихда ўз касбини ўзгартириб катта мартабага эришган инсонлар ҳақида мисоллар кўп. Гоген буюк рассом бўлишдан аввал банк хизматчиси бўлган. Бенжамин Франклин ўз фаолиятини босмахона ишчиси сифатида бошлаган. Дейл Карнеги мураббий ва ёзувчи бўлгунча савдогар ҳамда актёр сифатида фаолият кўрсатган.

Кўп ҳолатларда фаолият турини алмаштириш буюк одамларники каби катта ўзгаришларга олиб келмайди. Муҳандис фотосуратчига айланади, ўқитувчи университетга қайтади ва тиббиётни ўрганади, сотувчи реклама ходими, ҳатто руҳонийга ҳам айланиши мумкин.

Одамлар узоқ йиллар билим олиб, меҳнат сарфлаб, эгаллаган касбларини алмаштиришларига сабаб бор.

**1. Боши берк кўча.** Эртами-кечми бошқа ҳеч қаёққа юришнинг иложи қолмаган давр келади. Сотувчи бўлимда энг зўри деб тан олинса-да, лекин унинг менежерликка ўтиш имконини рад этадилар; ҳамширага навбатдаги босқичга ўтишга

тажриба ёки хоҳиш етишмайди. Агар сиз ўз соҳангиз доирасида эришилган ютуқлар билан чекланмоқчи бўлмасангиз, фаолият турини ўзгартириш вариантини кўриб чиқинг.

**2. Профессионал ўсиш шароитларининг ўзгариши.** Сиз бу соҳадаги ишни танлаганингизда ўша пайтда мавжуд бўлган шароитларга ишонгансиз. Шарт-шароитлар ўзгарди ва бу иш сизни энди қониқтиримайди. Технологик ривожланиш ва бошқа омиллар сабаб у ёки бу соҳа мухимлиги ҳамда долзарблиги ортиши ёки аксинча пасайиши, бугун нуфузли ҳисобланган касб ўн йилдан сўнг долзарб бўлмай қолиши мумкин.

*Касбий фаолиятингиз  
муваффақияти сиз  
қилишингиз керак бўлган  
барча ҳаракатларни қандай  
бажарганингиздан кейинги  
ҳаракатларга боғлиқ.  
**Брайан Трейси***

**3. Саноатдаги пасайиш.** Баъзида саноатнинг у ёки бу тармоғида қисқа муддатли ёки узоқ муддатли пасайиш кузатилади. Совуқ уруш тугаб, собиқ Иттифоқ парчаланғандан сўнг АҚШ ҳукумати фазовий ривожланишни тўхтатиб, мудофаани инвестициялашни қисқартирди. Бу икки тармоққа даҳлдор бўлган кўп касблар ўз-ўзидан бекор қилинди. Муҳандислар, физиклар ва бошқа олимлар, шунингдек,

бошқарув ходимлари ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаган эдилар. Кўпчилиги касбини ўзгартиришга мажбур бўлди. Дурадгор, архитектор, кўчмас мулк бўйича агентлар ва декоратор каби мутахассисларнинг ишсизлиги туфайли кўчмас мулк бозоридаги иқтисодий барқарорликка путур етди. Кўпчилик учун фаолият турини ўзгартириш вазиятдан чиқиб кетиш йўли бўлди.

**4. Шахсий хulosалар.** Баъзида одамлар фаолият турини мазкур иш уларга қизиқарли ва қониқарли бўлмагани учун ўзгартирадилар. Айрим руҳшунослар зерикиш ва руҳий зўриқишига чек қўйиш учун касбларни умр давомида икки ёки уч марта ўзгартиришни тавсия қиладилар. Бироқ кўпчилик одамлар буни нотўғри деб ҳисобладилар. Вақтингчалик ноқулайлик – малакани ўзгартиришга сабаб дегани эмас. Иш жойи ёки фаолият турини ўзгартириш масалаларига жуда жиддий ёндашиш зарур. Бир хил мажбуриятни бажаравериш оқибатида ҳар бир одамда кейинчалик зерикиш ҳиссини пайдо қилади. Бундан ташқари, касблар бир хиллиги ва оғирлиги билан фарқ қилади. Бирор бир янги нарсани синаб кўриш қўп одами ўзига жалб қилади, бироқ бу ўз ҳаётини тубдан ўзгартиришга сабаб бўлади дегани эмас. Биринчи навбатда янги лавозимга ёки турдош бўлимга ўтиш вариантини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

## Янги касб танлаш

Малакани ўзгартериши ентил вазифа эмас. Ёшингиз улгайгани ва бир ишда қанчалик кўп ишлаганингиз сари иш ҳақингиз шунча юқори бўлади. Ушбу омилнинг ўзиёқ касбни ўзгартериши ҳақидаги масаланинг жозибадорлигини пасайтириши мумкин. Агар қарор қабул қилган бўлсангиз, огир меҳнат, йиллаб билим олиш ва

*Ўзингизни хизмат поғонасидан  
кўтарилишнинг меъмори эмас,  
ҳайкалтароши деб билинг. Болга  
уришга, йўнишга, тозалашга  
ва сайқал беришга астойдил  
тайёргарлик кўринг.  
**Б.К.Форбе, ношир***

тажриба тўплашга тайёр бўлинг. Сиздан вакт, куч ва маблағни аямаслик талаб қилинади. Шунга қарамай, бу мақсадга эришиш йўлида сизнинг ҳафсалангизни пир қиласиган кўп нарсалар бор. Ушбу ҳолатда профессионал маслаҳати фойдали бўлиши мумкин. Кўпчилик одамлар касбий йўналтириш фақатгина хизмат поғонасидан кўтарилишни режалаштираётган талabalар учун керак дея ҳисоблайдилар.

Профессионал консультантлар мижозларга турли услублар билан ёрдам берадилар. Инсоннинг яширин салоҳияти ва қобилиятларини кашф этишга ёрдам берувчи тестлар ўтказилади. Айрим одамлар у

ёки бу истеъоди мавжудлигини тасаввур ҳам қилмайдилар. Масалан, маълум бир соҳада ишлашни режалаштираётган муҳандис ўзида музокаралар олиб бориш ва муаммоларни ижодий ечиш қобилияти борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ишга қабул қилишдаги сўровнома тузишдан фарқли ўлароқ, бу каби тестлар сиздаги камчиликларни аниқлашга эмас, балки сизнинг фазилатларингизни тушунишга хизмат қиласи.

Тестларга қўшимча сифатида консультантлар фикрлаш доирангиз ва ишларнинг турли қўринишиларига муносабатингиз, шунингдек, хизматдаги ўсишга бевосита боғлиқ бўлмаган шахсий қизиқишиларингизни ҳам дикқат билан ўрганадилар. Улар учун сизнинг хоббингиз, жамоатчилик фаолиятидаги йўналишларингиз, мактаб ва университетда қандай тўгаракларга қатнашганингиз, касбнинг аҳамиятли томонлари, турмуш ўртоғингиз ва бошқа оила аъзоларингиз, шунингдек, дўстларингиз қизиқишиларини билиш жуда муҳим. Буларнинг барчаси уларга сизга кўпроқ қайси фаолият тури тўгри келиши ва қайси касбда сиз максимал даражада ўзингизни намоён қила олишингизни тушунишлари учун керак.

Консультантлар маълум бир фаолият тури билан шугулланишни камдан-кам маслаҳат берадилар. Улар муваффақиятли бўлиши мумкин бўлган бир нечта йўналишни танлашни таклиф қиласидилар.

Шундан сүнг улар танланган соҳа бўйича аниқ талаблар ҳақида батафсил маълумотни тақдим этадилар.

Ўн уч ёшли Берт суғурта агенти сифатида олиб борган саккиз йиллик фаолияти давомида маълум бир муваффақиятларга эришди. Шундай бўлса-да, келгусида ривожланиш имкониятларини кўрмагани ва бир хилдаги вазифаларни яна йигирма беш йил бажаришни хоҳламагани сабаб бу иш унга ёқмай қолди. Тестдан ўтказиш ундаги рассомлик қобилиятини кашф қилди. Хобби ҳам ижод билан bogliq бўлиб чиқди (у маҳаллий театр саҳнасини безаган ва скаут (ёш ижодкор)лар клубида рассомчилик тўгарагини олиб борар эди).

Консультант Бертга ўз истеъодини муваффақиятли қўллаши мумкин бўлган бир нечта йўналишларни таклиф қилди: интеръер дизайнери, модалар бўйича консультант, мерчандайзер (товаршунос ёки товаршунос ёрдамчиси), расм ўқитувчиси ва ҳ.к. Берт рўйхатдан интеръер дизайнери ва модалар бўйича консультантни ажратиб олди. Консультант Берти ушбу касблар хусусиятларини тушуниб етишга, келгусида хизмат юзасидан олдинга юришда зарур бўлган қўшимча билим ва тажриба олишга ёрдам берган одамлар ҳамда ташкилотлар билан танишириб қўйди.

Касбий йўналиш бўйича профессионал консультацияни мутахассислардан қидирган маъқул. Кўпинча бундай хизматдан фойдаланадиган маҳаллий коллеж ёки университетга мурожаат қилинг. Бундай

хизматни, шунингдек, бутун дунёда мавжуд бўлган ихтисослашган агентлик ва қўмиталар ҳам тақдим этади.

## Ўзгаришлар даври

Фаолият турини ўзгаришишнинг бир неча хил услуби бор: аралаш касбларни танлаш, малакани ўзгаришиш ва ўз ишини бошлиш.

### Аралаш касбларни танлаш

Аралаш касбларни танлаш – энг осон йўл. Муҳандис – конструктор Карл ишлаб чиқариш бўйича муҳандисликка ўтиб ишлагандай, сиз ҳам янги иш жойида билим ва профессионал тажрибангиздан самарали фойдаланишингиз мумкин. Ушбу йўл билан Карл техник билимлари ва тажрибасини ўзи учун мутлақо янги йўналишда қўллай олди. Техник маҳсулотлар савдоси унга муҳандислик билимлари орқали одамлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилиш истагини рӯёбга чиқариш имконини берди.

Авваламбор ўз қобилияtlарингиз ва қизиқишиларингизни консультант ёки кадрлар бўйича мутахассис ёрдамида мустақил равишда таҳлил қилинг. Қайси соҳаларда ишлашни хоҳлашингизни ўйлаб кўринг ҳамда ўз билим ва амалий кўникмаларингизни ишлашингиз мумкин бўлган касблар талабларига мувофиқлаштиринг. Бу орқали сиз салоҳиятли иш берувчи билан мулоқотга тайёргарлик кўрасиз. Агар

у ҳозирги касбингиз ва сиз келгусида хоҳла-  
ётган янги касб ўртасидаги тафовутга ургу  
бера бошласа, сиз эса, аксинча, бу икки касб  
ўртасидаги ўхшашикларни қўрсата оласиз.  
Муваффақиятли иш ташкил этиш учун қу-  
йидаги муҳим ҳаётий талабларни унутманг:  
сабот, ақл, мақсад сари интилиш ва ҳ.к.

### **Малакани ўзгартириш**

Фаолият турини тубдан ўзгартириш ара-  
лаш касбларга ўтиб ишлашдан бир мун-  
ча қийинроқ. Интенсив курслардан ўтиш  
(белгиланган муддатда йирик ҳажмдаги  
ва маълум бир йўналишдаги билимларни  
ўзлаштириш) ёки бошқа соҳа бўйича ик-  
кинчи маълумотни олишга тўғри келади.  
Агар айни дамда кимёгар бўлиб ишлаёт-  
ган ва келгусида ҳуқуқшунос бўлмоқчи  
бўлсангиз, унда камида уч йил давомида  
ҳуқуқшунослик асосларини ўрганишин-  
гизга тўғри келади. Ҳатто кимёнинг бошқа  
мутахассислиги бўйича ишлаш учун ҳам  
бир неча ой ва йиллар қўшимча билим  
олиш талаб этилади. Айрим ҳолатларда  
иш берувчи янги ходимлар учун ўқув курс-  
ларини ташкил этади, лекин бу ҳолатда  
сиз маблағ сарфлашингиз керак бўлади.  
Ва ишга қабул қилинган бўлсангизда, бир  
неча ой ўқишга мажбурсиз.

Малакани ўзартириш ҳақида қатъ-  
ий қарор қабул қилишдан аввал «ҳа» ёки  
«йўқ»ларни тарози палласига қўйиб кўринг.  
Бу ўринда профконсультантга маслаҳат учун  
мурожаат қилиш тавсия қилинади.

Консультантта мурожаат қилишдан ташқари, янги иш йўналишини танлашда ўзингизга ўзингиз ёрдам беришингиз мумкин.

- *Материалларни ўрганиш.* Китоб ўқинг, ихтисослашган журналларга обуна бўлинг. Босма нашрлардан турли касблар, компаниялар, лавозимлар ва ҳ.к.лар ҳақидаги жуда кўп фойдали маълумотларни олиш мумкин.

*Хеч қачон мамнуният  
багишламайдиган иш билан  
шугулланманг. Агарга ўз  
ишингиз ёқса, сиз ўзингиздан  
қониқяпсиз ва баҳтлисиз.  
Мустаҳкам согликка эга  
бўлган шароитда баҳт ва  
ички хотиржамлик сиз орзу  
ҳам қилмаган омадга кафолат  
беради.*

***Роджер Карас,  
телевидение шарҳловчи  
ва ёзувчи***

- *Сайтлар.* Компаниялар сайтларини ўрганиб боринг. Уларнинг товарлар ассортиментлари ва хизматлари, вакансиялари, улушли бозорлар ва ҳ.к.лар билан танишиб боринг. Интернетда сизни қизиқтираётган соҳада банд бўлган ходимлар мақолалари ва блогларини топинг.

- *Мулоқот.* Мутолаадан кўра фақатгина сиз қизиқаётган соҳада банд бўлган

одамлар билан шахсан кўришишгина фойдали бўлиши мумкин. Буни дўстлар ва қариндошлардан бошланг. Чунки уларнинг мазкур соҳада ишлайдиган танишлари бўлиши мумкин. Бу одамлар ишлайдиган маҳаллий компаниялар билан boglанинг. Улардан шахсан учрашиш ҳақида илтимос қилиб кўринг. Агар сизга ёрдам бера оладиган кишини топа олмасангиз, ихтинослашган журнал муҳарририга қўнғироқ қилинг ва учрашишни ёки бирор бир мутахассисни тавсия қилишини сўраб кўринг.

Аниқ бир одамдан суҳбат жараёнида олинган маълумотни китобдан топиш қийин. Мутахассис сизга касбнинг кундаклик муаммо ва қийинчилклари, иш шароити, хизмат поғонасидан ўсишнинг реал имкониятлари, молиявий тўловлар ва бошқа жиҳатлар ҳақида гапириб бериши мумкин.

Агар иложи бўлса, касбнинг мураккаблик даражаси ва унинг қанчалик қизиқарли эканлигини реал баҳолаш учун мутахассисдан унинг офиси ёки иш жойида бир кун бўлиб кўришингизни илтимос қилиб кўринг. Сизни касбга жалб қилган ижобий омиллар салбийлари олдида ҳеч нарса бўлмай қолиши мумкин. Ёки аксинча, четдан бўлган қараш сиз қабул қилган қарорнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

## Муваффакиятли малака ўзгартиришга мисоллар

### *Майк Х.: муҳандисликдан шифокорликка*

Майк муҳандис-механик мутахассислиги бўйича маълумотга эга бўлиб, авиаконструкция ишлаб чиқарувчи бўлиб ишлар эди. Бу иш уни қониқтирмас ва профессионал ўсиш имконини бермасди. Кўп йил қўшимча ўқиш кераклигини билса-да, у узоқ ўйланишлардан сўнг тиббиёт ва стоматология билан шуғулланишга қарор қилди. Майк ушбу мавзудаги мавжуд барча адабиётларни ўқиб чиқди ҳамда кўплаб тиш шифокорлари ва тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди. У бир нечта тиббий ўқув муассасаларида бўлиб, ўқитувчилардан унинг ёшидаги ва мутахассислигидағи инсон касбини шифокорликка ўзгартириши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида маслаҳат сўради. Майк турли қобилиятларни аниқловчи тестларни топшириди ва тиббиёт коллежига кириш учун имтиҳон топшириб, юқори балл тўплади.

Майкнинг ҳал қилувчи қарорни қабул қилишига шифокорлик касбининг барча ютуқ ва мураккабликларини тушунтира олган йирик клиника бош шифокори ёрдам берди.

Майк тиббиётни танлади. Бунинг учун у ҳозирги ўттиз ёшида вақт ва пул сарфлашга тайёр эканлигини тушуниб етди. У турмуш ўртоги ва фарзандларининг молия-

вий таъминотини етарлича амалга ошириди ва нуфузли тиббиёт коллежига қийинчиликларсиз ўқишига кирди. Чунки у ерда Майкнинг техник маълумоти ва иш тажрибасини тиббий билимларни ўрганиш учун қониқарли база сифатида баҳолашди. У коллеж ва интернатура (тиббиёт институтлари (айрим давлатларда коллежлар ҳам олий таълим муассасаси сифатида кўрилади) битирувчиларининг дипломдан кейин шифокорлик касбининг бирор йўналиши бўйича дастлабки ихтисослашуви)ни ҳам аъло баҳоларга тамомлади. Техник фанларга нисбатан тиббиётни ўзлаштириш қийин бўлмади. Майк ҳозир мувваффақиятили (ва баҳтли) шифокор-анестизиолог. Муҳандислик тажрибаси унга тиббиёт амалиётида фойдали янгиликларни жорий қилишга ёрдам берди.

Майк каби фаолият турини тубдан ўзгартиришга қарор қабул қилиш ҳолатида сиз нафақат ўз салоҳиятингиз ва қизиқиш даражангиз, балки касб ва малакани ўзгартириш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам тўғри баҳолай олишингиз керак. Аниқроги, сизнинг қиммат таълим курсларидан ўтишингизга тўғри келади. Ўқиши туфайли даромадларингиз ҳам камаяди. Кутилаётган харажатларни оиласингиз билан албатта муҳокама қилинг ва ҳар бир фикрни инобатга олинг.

## **Кимберли: Бозор тадқиқотчилегидан математика ўқитувчилигига**

Кимберли фармацевтик маҳсулотлар бозорини таҳлил қилувчи мутахассис сифатида беш йил ишлади. Юқори малакали статист сифатида бу аёл мазкур соҳада энг юқори иш ҳақига эга бўлди. Маркетингта ўтиш учун унга савдодаги тажриба зарур эди. Шундай бўлса-да, Кимберлинин савдо эмас, балки ўқитувчилик кўпроқ қизиқтирар эди. У математика ўқитувчилари кам эканлигини билар эди. Шу боис, ушбу соҳани ўрганишга қарор қилиди. Барча зарур маълумотларни йиғиб бўлгач, Кимберли уларни оддий тизимни қўллаш бўйича таҳлил қилиди: у варакнинг бир четига математика ўқитувчисига қўйилган талабларни, иккincinni томонга эса, мазкур соҳадаги ўз ютуқларини ёзди. Шундай қилиб, у ўқитувчилик қилиш учун қайси жиҳатларни такомиллаштириш кераклигини аниқлади.

Кимберли жадвали:

### **Шахсий маълумотлар:**

Маълумоти: олий математика  
Амалий бошқарув магистри

### **Тажриба:**

Статистик таҳлил  
Хисоботларни тузиш  
Ёш мутахассисларни ўқитиш

### **Профессионал талаблар:**

Олий математик маълумот  
Таълим курслари

Ўқитувчи дипломи  
1 йиллик ўқитувчилик тажрибаси  
Тавсия қилинади: олий математикани  
қўллаш орқали ишлаш

Кимберли педагогик маълумот олиш кераклигини тушуниб етди. У педагогик коллежга ўқишига кириш учун кечки тайёрлов курсларига ёзилди. Амалий бошқарув дипломи ва бозорни ўрганиш соҳасидаги иш тажрибасига эга бўлгани ҳолда у бир ярим йил ичida тўлиқ курсни тамомлади. Дипломдан кейинги тақсимотни олиш учун Кимберли ўз ишини ташлади. У битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширди ва шу заҳоти университетга олий математика ўқитувчиси этиб ишга қабул қилинди.

*Джим: учувчи-мерганликдан руҳонийликка*

Джим Ироқдаги уруш даврида жанговар самолётларда учарди. У жанговар хизматлари учун орден билан тақдирланди ва қуролли ҳаво кучлари подполковниги даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Йигирма йиллик хизматдан сўнг Джим

*Хаётдаги энг катта хатобу – пул топиш мақсадида бизнесни бошлишдир.*

*Кўнглингизга ёққан ишни қилинг, вақти-соати билан пул ўзи келади.*

***Герман Гарсон, актёр***

истеъфога чиқишига қарор қилди. Унга ҳалигача учиш ёқар ва у бемалол фуқаро авиациясида ишни давом эттириши мумкин эди. Шундай бўлса-да, Джим фаолият турини тубдан ўзгартиришни лозим деб топди.

У болалигидан черковга қатнар, бироқ коллеждан кейин бу машғулотни ташлаб қўйган эди. Ироқдаги иккинчи уруш даврида унинг самолёти талафотга учради. Джим хавфли қўнишни амалга оширишга мажбур бўлди. Иккинчи учувчи ҳалок бўлди. У эса фақат енгил жароҳатлар олди. Джим омон қолгани учун Яратганинг олдида қарздорлигига ишонар эди. Шу боис, қолган ҳаётини парвардигор хизматида ўтказишга қарор қилди. Уйга қайтгач, уни ҳарбий гарнizonга ишга жўнатишиди. Бу ерда Джим маҳаллий черковдаги диний хизматларда фаол қатнашди. Маънавий устозининг маслаҳатига кўра, у диний таълимни ўргана бошлади. Джим диний коллежнинг кечки курсларига ёзилди. Кейинчалик Бирлашган диний семинариясига ўқишига кирди. Олий маънавий даражага этишигач, уни Пенсильваниядаги черковга руҳоний этиб тайинлашди. Джим ҳозир ҳам севимли иши билан банд.

### *Эндрю: полициячиликдан гўрковликка*

Эндрю ўз фаолиятини икки марта ўзгартирган. Университетни тамомлагач, чилангар ёрдамчиси бўлиб ишлади. Бироқ

заводдаги иш унинг учун эмаслигини тезда тушуниб етди. У станоклар билан эмас, одамлар билан ишлагиси келар эди. Эндрюни полициячилик касби қизиқтириб қолди, шунинг учун у маҳаллий колледжадаги маҳсус курсларга ёзилди. Дипломни олиб амалиётни ўтаб бўлгач, ўзининг қадрдан шаҳрига полицияга ишга қабул қилинди.

Унга полициячи иши ёқар эди. Ҳатто уни хизмат поғонасидан қутаришиб терговчиликка тайинлашди. Бироқ Эндрюда бутун умрини бу ишга баҳшида қилиш нијати йўқ. Унинг дўстларидан бири маҳаллий дафн маросимлари бюросида ишлар эди. Эндрю дўстининг олдига тез-тез келиб турар эди. У мазкур иш билан қизиқиб қолди. У ҳётида энг фожиали дамларни бошдан кечираётган инсонлар дардини енгиллаштиришга бюро директори ва унинг ходимлари ёрдам бераётганини ўз кўзи билан кўрар эди. Эндрю шундай эзгу амалларни бажаришга қарор қилди ва тегишли билимларни олди.

Эндрю полициячиликни дафн маросимини ўтказиш иши билан бирга олиб бора бошлади. Бир неча йилдан сўнг ўзининг дафн маросимлари бюросини очди. Полицияда йигирма бир йил ишлаб истеъфога чиқди ва фақат юқорида айтиб ўтилган иш билан шуғулана бошлади. Мазкур ишга бўлган садоқат уни шаҳардаги дафн маросимлари бюролари директорларининг энг хурматлисига айлантириди. Бундан ташқа-

ри, унинг ўгли отаси изидан боришга қарор қилиб, қўшни шаҳарда иккита дағн маросимибюросини очди. Ўтган йили уларнинг сафига Эндрюнинг йигирма ёшли набираси ҳам қўшилди.

### **Бошлаган ишни ташламанг**

Профессионал фаолиятни тўлиқ ўзгартиришга қарор қилган кўпчилик одамлар тури қийинчилкларга дуч келишади. Кўпинча уларга бошлаган ишларини охирига етказиш насиб этмайди. Бу муваффакиятсизликларга доим ҳам қобилиятнинг етиш маслиги ёки фаолиятнинг янги йўналишларини қидирувчиларга нопрофессионаллар дея ишончсизлик билан қараш сабаб бўлмайди. Асл сабаб муваффакиятга эришиш учун астойдил киришмаслиқдадир. Касбни алмаштириш оғир меҳнат, ўзини баҳшида қилиш ва қийинчилкларни енгишга ижодий ёндашишни талаб қиласи.

### **Хусусий бизнес**

Хусусий бизнесни бошлаш баъзида профессионал фаолият турини ўзгартиришнинг энг яхши варианти ҳисобланади. Балки сизда ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлган гоя бордир. Балки фабрика, дўкон ёки сервис компаниясини очиб ишламоқчиидирсиз.

Бу ҳолатда бошқалар фикрига муте эмасиз. Сиз учун эшиклар очик ва хоҳлаган ишингиз билан шуғулланишингиз мумкин. Агар бунинг учун пулингиз бўлса, албатта.

Бизнес маблағ қўйилишини талаб қи-  
лади. Кутилаётган харажатларни хи-  
соб-китоб қилмай туриб, ишни бошлиш  
ҳақида ўйлаб ўтируманг. Кўпинча бошлов-  
чи бизнесменга иши юришиб кетмагунча  
бир неча ой мобайнода иш ҳақидан бош  
тортишга тўғри келади. Ҳар қандай биз-  
нес таваккалчиликка асосланади. Мабо-  
до омадсизликка учрасангиз, бизнесга  
тиккан пулингиздан айрилиб қоласиз.  
Бошқа томондан қараганда, хусусий иш  
юритишнинг афзаликлари бор. Сиз на-  
фақат катта маблаг ишлаб топишингиз,  
балки қимматли сармоя эгасига айла-  
нишингиз ҳам мумкин. Муваффақиятли  
бизнесни ҳар доим сотиб юбориш мум-  
кин.

Хусусий иш юритиш мустақил равища  
муҳим қарор қабул қилиш ва ўзингизга  
ўзингиз раҳбарлик қилиш каби қўплаб  
имкониятларни беради. Жуда кўп ишлаш-  
га тўғри келади. Лекин сиз касбий ўсишин-  
гизни ўзингиз баҳолай оласиз ва бу маса-  
лала кимгadir ёқиши шарт эмас. Ишби-  
лармонлик соҳасини таҳлаётганда ўзингиз  
масалани тез англайдиган ва тушуниб қол-  
ган йўналишларга ёндашганингиз маъқул.  
Энг оммалашган омадсизликлар ичидা

*Сиз вазиятни эмас,  
ўзингизни бошқаришингиз  
керак. Шуни англаб етсангиз  
кучга эга бўласиз.  
**Марк Аврелий***

пул етишмаслигидан кейинги ўринда би-  
лимсизлик туради.

### *Хусусий ишни бошлиш шартми?*

Сизда мұваффакиятлы бизнес юритиш учун қобилият борми? Буни аниқлаш учун қүйидаги саволларга рўй-рост ва очик жа-воб беринг. Уларга сизнинг номингиздан дўстингиз ҳам жавоб беришини илтимос қилинг. Заиф томонларингизни тан олинг ва иложи бўлса уларни бартараф этишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда хусусий ишни бошламаган маъқул.

Ҳар бир босқичда сизга мос келадиган аниқликларни белгилаб боринг.

### *Мен ташаббускор одамманми?*

- Мен ҳамма нарсани ўзим қиласман. Ҳеч ким мен нима қилишимни эслатиб турмайди.
  - Ишни бошлишимга кимдир ёрдам берса, мен бошланган ишни мустақил ра-вишда охирига етказишга тайёрман.
  - Билмадим. Мажбур қилишмаса, мен ҳеч нарса қилмайман.

### *Одамлар билан мұлқотда мен қандайман?*

- Мен одамларни яхши кўраман ва ҳамма билан тил топиша оламан.
- Менинг дўстларим бор. Менга бош-қа ҳеч ким керакмас.
- Кўпчилик асабимни қўзғайди.

## *Мен масъулияттиманми?*

- Ишнинг боришини назорат қилиш менга ёқади.
- Агар зарур бўлса, мен ишларнинг боришига жавоб беришга тайёрман, аммо масъулиятни бошқа кимдир зиммасига олгани маъқул деб ҳисоблайман.
- Ҳамма нарсани ўз бўйнига оладиган «мард» доим топилган. Қаршилигим йўқ.

## *Мен яхши ташкилотчиманми?*

- Мен ҳамма нарсани ҳамиша режалаштираман. Менда ҳамма нарса ҳисобга олинган. Муаммо пайдо бўлса, нима қилишни яхши биламан.
- Ҳамма иш бир текис кетаётган пайтда ташкилотчилик билан шуғулланишга тайёрман. Муаммо пайдо бўлиши билан мен йўқ бўлиб қоламан.
- Мен режалар тузишга ҳаракат қилганман, аммо улар ҳеч қачон амалга ошмаган. Шунинг учун муаммоларни улар пайдо бўлганда ҳал қиляпман.

## *Мен қанчалик меҳнатсеварман?*

- Мен қанча керак бўлса, шунча ишлайман. Нимадир керак бўлса, кучимни ва вақтимни аямайман.
- Қанчадир муддат қўлим қўлимга тегмай ишлайман. Бироқ мен «етар, бас қилинг» дейдиган вақт бари бир келади.

- Нимагадир эришиш учун ҳолдан тойгунча ишлаш шарт әмас деб үйлайман.

### *Мен қарор қабул қила оламанми?*

- Энг қалтис вазиятларда ҳам мен түғри қарорни тез қабул қиласман.
  - Ҳаммасини обдан ўйлаб олишим учун менга вақт керак. Қарор шошма-шошарлық билан қабул қилинса, кейин афсус қиласман.
  - Мен мустақил қарор қабул қилиши ни ёқтирумайман. Бу ишни бошқа кимдир қилгани маъқул.

### *Одамлар менга ишонишадими?*

- Албатта, мен ҳамиша айтган сўзим-нинг устидан чиққанман.
- Мен иш юзасидан гапиришга ҳаракат қиласман, аммо баъзида умумий гаплардан фойдаланаман.
- Бунинг нима аҳамияти бор? Тупурдим.

### *Бошлиған ишимни охирига етказаманми?*

- Ниманидир бажаришга киришдими, мени тўхтатиб бўлмайди.
- Алоҳида тўсиқлар бўлмаса, одатда ишни охирига етказаман.
- Аввалдан нимадир яхши бошланмаса, давом эттиришдан маъно йўқ деб ҳисоблайман.

## *Соғлигим қай ахволда?*

- Мен ҳамиша күч-қувватга тұламан.
- Мен деярли ҳамма ишга ярайман.
- Мен бошқалардан аввал қучдан қоламан.

Биринчи, иккинчи ва учинчи жавобларни ҳисоблаб чиқинг. Агар биринчи жавоблар күпроқ бўлса, сизда ишбилиармонлик қобилияти бор. Иккинчи ҳолатда сиз мустақил равишда бартараф эта олмайдиган қийинчиликлар мавжуд. Учинчи жавоблар йиғиндисида эса кучли ишбилиармон ҳамкор топинг ёки хусусий бизнесни бошлиш фикридан воз кечинг.

## *Соҳа турини танлаш*

Тадбиркорлик соҳасини танлашда тажриба ва шахсий қизиқишиларни инобатта олиш зарур. Агар сиз фотосуратга олишни яхши кўрган бўлсангиз, унда фототоварлар магазини ёки фотомарказ очишингиз мумкин. Аввалги иш жойингизда ходимларни танлаш ва ишга олишингиз билан шуғулланган бўлсангиз, кадрлар агентлигини очишингиз мумкин. Агар сиз яхши механик бўлсангиз, устахона ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўринг.

Бошқа томондан эса, агар қизиқиши ва тегишли билимларни олишга астойдил интилиш бўлса, умуман янги бўлган ишбилиармонлик йўналишида ҳам муваффақиятларга эришиш мумкин.

Кўплаб майда компанияларни уч хил фолият турига бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш, савдо ва сервис (хизмат кўрсатиш).

Ишлаб чиқариш товарни тайёrlаш ва сотишни талаб қилади. Бунда сиз нафақат ускуна ва хом ашёга, балки ишлаб чиқариш биноси ижарасига ҳамда ишчилар иш ҳақига ҳам инвестиция киритишингизга тўғри келади.

Ишлаб чиқариш соҳаси муҳандис, технолог ва механик бўлиб ишлаган одамлар учун қизик.

Савдо соҳаси улгуржи ва чакана сотувни назарда тутади. Улгуржи савдогарнинг товар захирасини яратиши, омборхона бинолари ва ходимлар иш ҳақи учун инвестиция киритишига тўғри келади. Чакана сотувчи савдо нуқталари, товар захираси ва савдо агентларига харажат қилиши керак. Шаҳар четида кичик галантерея магазинини бир неча минг доллар сарфлаб очиш мумкин. Аммо шаҳар марказидаги кийим-кечак магазинига бир неча ўн минг доллар керак бўлади. Жиддий сармоя талаб қиласидиган йирик универсал магазинлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаси қиммат ускуналар талаб қилмагани учун сармоя тикишнинг энг фойдалиси ҳисобланади. Масалан:

- Сотув бўйича агентлик: товар хариди ва омбор ташкил қилиш талаб қилинмайди. Агентлик ишлаб чиқарувчи ёки ул-

туржы савдогар томонидан амалга ошириладиган буюртмани ташкил қилади. Ушбу йұналишдаги иш савдо билан қизиқадиган одамларга тұғри келади.

- Консалтинг: күпинча раҳбарлар, шуннингдек, мұхандис, бухгалтер, кадрлар бүйінча ва умуман, бошқа мутахассислар ўзининг қасбий соҳасида консалтинг хизматларини тақдим этиб муваффакиятта эришадилар. Сармоя тикиш даражаси минимал: фақат оғисни ижарага олиш, мебель харид қилиш, сайт ташкил қилиш ва реклама воситаларини чоп эттириш керак. Бизнесни бир неча ойлик ҳисобларни амалга оширишга етадиган маблағ билан бошласа бўлади. Энг катта қийинчилик – мижозлар базасини тўплаб олиш. Агар сиз салоҳиятли мижозларни етарлича яхши билмасангиз, ташкилот хавф остида қолиши мумкин.

- Бизнес хизматлар: ўз ишингизни бошлиашнинг яхши ва қиммат бўлмаган услуби. Сизнинг қизиқишиларингиз ва қобилиятингизга мос йұналишни танланг: сайтлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни техник жиҳатдан ва ахборот таъминоти билан кўллаб бориш, ксерокопия ва нусха кўпайтириш, тўғридан-тўғри почта воситаси орқали рекламани ташкил этиш, йирик бўлмаган компаниялар бухгалтериясини олиб бориш, кадрлар агентлиги, вақтингчалик ишга жойлаштириш бўйича хизматлар, инкасация ёки кредит агентлиги ва ҳ.к.

- Истеъмолчилар хизмати: таъмирлаш, солиқ ундириш, уй ҳайвонларини

сақлаш, фитнес-тренер, мусиқа, расм, чет тиллар ўқитувчиси ва ҳ.к. хизматларига талаб катта.

Фаолият турларини танлаётганда шахсий қизиқишиларингизни, шунингдек, ушбу соҳага бўлган эҳтиёжни инобатга олинг. Салоҳиятли харидорлар ёки мижозлар билан сұхбатлашинг, бозордаги рақобатни ўрганинг. Агар ушбу йўналишга кўп компаниялар жалб қилинган бўлса, уларни айланиб ўтиш ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳал қилувчи қарорни қабул қилишдан аввал барча фактларни йигинг ва таҳлил қилиб чиқинг.

Ўз ишингизни бошлиш учун маблагингиз етарлими? Бизнесни бошлиш ва даромад олиш даражасига етиш учун қанча маблаг кераклигини яна бир бор ҳисоблаб чиқинг. Агар молиявий муаммоларни ҳал қилишга шубҳа бўлса, унда иш бошламаган маъқул.

### **Бизнесни бошлиш**

Ўз ишингизни бошлишнинг уч йўли бор: нолдан бошлиш, ишлаб турган бизнес ёки франшиза (брэнд)ни сотиб олиш.

### **Хусусий бизнесни нолдан бошлиш**

Бизнесни нолдан бошлища сиз фақат ўз кучингиз ва маблагингизга ишонишингиз керак.

*Афзаликлар.* Ушбу ҳолатда франшиза ёки тайёр компанияга харажат қилиш

шарт эмас. Сизда ускуна сотиб олиш ва ходимларга иш хақи түлаш учун күпроқ маблаб қолади. Түловларга мажбуриятингиз йўқлиги учун барча даромад сизга тегади.

*Чекловлар.* Бизнесни юргизиб юбориш учун кўп вақт талаб этилади. Кўпчилик мижозлар танилиб улгурган маълум фирмалар билан ишлашни афзал биладилар. Номингиз танилиши учун кўп ишлашга ва реклама учун кўп маблаг сарфлашга тўғри келади. Товарлар ва хизматлар сифатидан қатъи назар, истеъмолчилар ва мижозлар сизни таниши учун вақт керак бўлади. Тикланиш даврида кўп хатоларга йўл қўйишингиз мумкин, шунинг учун ушбу соҳада муваффакиятларга эришган профессионаллар ёрдамидан фойдаланган маъқул.

### **Тайёр бизнесни сотиб олиш**

Етарли сармояга эга бўлсангиз тайёр компания ёки бизнесдаги улушни сотиб олишингиз мумкин.

*Афзалликлар.* Ишлаб турган муваффакиетли бизнесни сотиб олишнинг ижобий томони шундаки, бу ерда мижозлар базаси шаклланиб бўлган ва сиз шу пайтдан бошлаб даромад ола бошлайсиз. Агар компания даромадли бўлса, асосий ишлар бажариб бўлинган, яъни узоқ муддат талаб қиласиган жараён – мижозлар, етказиб берувчилар ва кредиторлар билан ишлаш масаласи ҳал қилинган. Агар ҳамкор сифатида бизнесдаги улушни сотиб олаётган бўлсангиз, унда сиз тажрибали бизнес

эгасидан иш ўрганиш имкониятини қўлга киритяпсиз.

Чекловлар. Тайёр бизнесни сотиб ола-ётиб адашишингиз мумкин ва зарар қўриб ишлаётган компанияни қўлга киритасиз. Бу харидан воз кечиш учун сабаб бўлмайди. Сиз «ҳа» ёки «йўқ»ни тарози палласига қўйиб кўришингиз керак. Агар компаниянинг зарар қўриб ишлашига сабаб бўлган омилларни бартараф эта олсангиз, масалан, бошқарув тизимини ўзгартирсангиз, қўшимча сармоя киритсангиз, унда харид қилиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий савдо палатаси ёки бизнесни такомиллаштириш бўйича бюро, шунингдек, компания мижозлари ахборотнинг фойдали манбалари бўлиши мумкин.

Тажрибали бухгалтердан компанияни баҳолаб беришини ва унинг молиявий операцияларидаги ёпиқ ҳолатларга аниқлик киритиб беришини сўранг. Компания билан бирга қандай активларни харид қилишингизни таҳдил қилиб чиқинг. Раҳбарият алмашганидан сўнг ходимлар сиз билан ишлагани қоладими? Албатта, ҳеч ким кафолат бермайди. Шундай бўлса-да, ушбу масалани нафақат раҳбарият билан, балки ходимларнинг ўзи билан ҳам муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Қайси ускуна, кўчмас инвентарь ва товар қийматга кишини аниқланг. Баъзида ишбилармонлик мулкига баланд нарх қўйиб юборилади. Шунинг учун бухгалтерингиздан барча рақамларни диққат билан қўриб чиқи-

шини сұранг. Агар компания қийматига номоддий активлар ( фирманинг бозордағи нархи ва тоза активлари суммасидаги фарқи) кирса, уларнинг қанчалик рационал эканлигини таҳлил қилиб чиқинг. Тұланмаган ҳисоблар ва қарздорлик мажбуриятлари бүйича түловни ким амалга оширишига аниқлик киритинг. Фақат бухгалтер ёки юрист аниқлик киритиши мүмкін бўлган кўп деталлар борлиги учун тажрибали мутахассисни ёллаганингиз маъкул. Бизнесни харид қилаётганда бу масалаларда иқтисод қилиш шарт эмас.

Кўплаб компаниялар фаолиятига аниқлик киритиш учун фақат тажрибали бухгалтер ёки юрист эга бўлган билимлар талаб этилади. Мисол учун, сиз вино сотиладиган магазин, кадрлар ёки суғурта агентлиги ёки кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи фирмани сотиб олмоқчи бўлсангиз, бу ҳолатда лицензия олиш учун мазкур жараён билан яхши таниш бўлган юрист ёрдамисиз ишингиз битиши қийин.

Керакли мутахассисни топиш учун тегишли профессионал бирлашмага ёки яхши юрист ёки бухгалтерни тавсия қила оладиган, даҳлдор соҳада банд бўлган одамларга мурожаат қилинг.

Агар алоҳида ҳолатлар бўлмаса, тегишли ҳужжатга эга бўлган исталган юрист ёки бухгалтер ҳам бўлаверади. Ушбу ҳолатда етакчи юридик ёки бухгалтерлик компаниясига мурожаат қилиш шарт эмас. Мос келадиган мутахассисни топганингиздан

кейин худди ўз шифокорингиз билан бўлгани каби у билан ҳам рўй-рост ва очик гаплашинг. Агар яхши маслаҳат олмоқчи бўлсангиз, унга ўз режаларингиз ва шубҳаларингизни очик-оидин баён қилинг.

Охирги сўзни сиз айтишингиз кераклигини унутманг. Бухгалтер ва юрист сизга маслаҳат бериши мумкин. Аммо қарорни сиз қабул қилишингизга тўгри келади.

Агар сиз бизнесда улуш сотиб олаётган бўлсангиз ва бизнеснинг асосий эгаси сизнинг ҳамкорингизга айланса, унда сиз компания бир маромда фаолият кўрсатиши кафолатига, шунингдек, тажрибали ҳамкасбдан билим ва консультациялар олиш имкониятига эга бўласиз. Шундай бўлсада, бирга ишлаб кетишишингизга ишонч ҳосил қилинг. Чунки шериклик иши никоҳга ўхшайди – бир-бирингизга қачон ён босишни билишингиз керак.

Шунингдек, сиз ҳамкорингизнинг муваффақиятли фаолиятига ҳамда шу фаолиятни мустаҳкамлай оладиган қобилиятларингиз борлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар сизнинг ҳамкорингиз ишбилармон бўлмаса, ўз бизнесини сақлаб қолиш учун фақат сизга ва сизнинг маблагингизга умид қилиб турган бўлса, бундай келишувга рози бўлишдан аввал ўйлаб кўрганингиз маъқул.

Ҳамкорлик ҳақидаги шартномага қўл қўйишидан ёки фирма акцияларини сотиб олишдан аввал тегишли ҳужжатларни тажрибали юристга кўрсатиб олинг. Сиз

киритаётган сармоя ва манфаатларни химоя қилишингиз керак.

### Франчайзинг

Франшизаларни сотиб олиш – ўз ишингизни бошлашнинг яна бир йўли. Тўгри танловни амалга ошириш учун франшиза кўргазма-савдосига ташриф буюринг ҳамда босма ва виртуал манбаларни ўрганиб чиқинг.

Фаолият тури ва франчайзерни таълаб олганингиздан кейин унинг нуфузига баҳо беринг. Имтиёз (ўқиши, ускуна ва инвентарь, хизмат кўрсатиш давомийлиги ва х.к.) учун тўлов нимани кафолатлашига аниқлик киритинг.

Имконият даражасида бошқа франчайзилар билан гаплашиб кўринг. Улар франчайзер хизматларидан қониқяптими ёки йўқми, шуни билинг. Бошқа франшиза соҳиблари билан учрашув сизга ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган одамларни яхшироқ билишга ёрдам беради.

Шартномага кўл қўйицдан аввал бухгалтердан компаниянинг молиявий аҳволи, юристдан эса шартнома шартларини ўрганиб чиқишиларини сўранг. Имтиёзлар учун тўлов ва бошқа молиявий мажбуриятлар тўғри ҳамда иккала томон учун тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Энг арzon франшиза энг яхшиси дегани эмас.

*Афзаликлар.* Яхши франчайзерлар ўз оталикларидағи ҳамкорларга доимий кўмак бериб келадилар. Улар бино тан-

лаш ва уни жиҳозлашга, бюджетни режалаштиришга, ходимларни ўқитишга ёрдам беришади. Ҳар бир амалий босқичда конультация берадилар ва ўз номи ҳамда маркаларини тақдим этадилар. Бошқача айтганда, улар сизнинг тезроқ оёққа туришингизга ёрдам берадилар.

**Чекловлар.** Хусусий бизнесни нолдан ташкил этишдан кўра кўпроқ сармоя тикишга тўгри келади. Тадбиркорликнинг фаолият туридан келиб чиқиб франшизалар бир-биридан тубдан фарқ қиласиди. Кўплаб франчайзерлар имтиёзларга тўлов нархини ўzlари белгилайдилар. Бундан ташқари, сиз франчайзердан яна ускуна ва кўчмас инвентарь, шунингдек, хом ашё ва материаллар сотиб олишингизга тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳасида франчайзерлар одатда сизнинг ҳар бир битимингиздан лицензион тўловларни ундириб олишади. Франшизани сотиб олишга розилик беришдан аввал ўзингизнинг барча фойдаланувчилик мажбуриятларингизни таҳлил қилиб чиқинг.

Франчайзингнинг ноқулайлик тугдира-диган яна бир жиҳати бу – унинг франчайзи фаолиятини назорат қилишни хоҳлашидадир. Буни назарда тутинг ва кутилаётган даромадлар салмоғини баҳоланг. Сизнинг франчайзи сифатидаги минимал мустақиллигиниз фақат бизнеснинг дастлабки ривожланиш босқичидагина бўлиши мумкинлигини франчайзер маълумоти учун етказиб қўйинг.

## Резюме

Профессионал фаолият турини алмаштириш мұхим ҳәёттің қарорлардан бири бўлиши мумкин.

Қайси йўлни танлашингиздан аввал синовдан ўтган фактлар асосида барча «ҳа» ва «йўқ»ларни тарозига солинг ва шундан сўнг қарор қабул қилинг.

• Ишни ёки фаолият турини ўзгартириш ҳақидаги қарор – ўта жиддий қадам. Бу қарорни оқлаш учун сизда асосли изоҳлар бўлиши керак. Фаолиятни ишдаги шароитлардан вақтинчалик қониқмаганилигингиз учун алмаштириш шарт эмас.

• Профессионал фаолиятни алмаштириш – ҳамиша қийин вазифа бўлиб келган. Ёшингиз улгайгани сари тажрибангиз ва иш ҳақингиз ҳам ортиб бораверади. Ҳудди шунингдек, ёш ўтган сари бошқа ишни бошлиш мураккаблашиб боради. Агар сиз касбингизни бари бир ўзгартиришга қарор қабул қилган бўлсангиз, унда астойдил меҳнат қилишга ва қўшимча билим олиш учун йиллаб ўқишига ўзингизни тайёрланг. Бундан ташқари, асабларни мустаҳкам қилишга ҳам тайёр бўлинг, чунки муваффақият йўлида ҳафсалангизни пир қиласиган кўплаб тўсиқлар кутиб турибди.

• Ишга жойлашиш масалалари бўйича консультантлар янги профессионал йўналишни танлашда ёрдам беришлари мумкин.

• Биринчи навбатда ўзингизнинг профессионал тажрибангизга баҳо беринг. Қизиқишиларингизга мос соҳаларни аниқлаб олинг. Улардан қайси бирлари сизга кўпроқ тўғри келади?

• Муваффақиятга эришишда муҳим рол ўйнайдиган мақсад сари интилиш, событқадамлик, тиришқоқлик ва салоҳиятлилик каби омилларни унутманг.

• Малакани ўзгартириш бир неча ой давом этадиган ўқишни ва қўшимча сарф-харажатларни талаб қилиши мумкин. Сўнгти қарорни қабул қилишдан аввал барча «ҳа» ва «йўқ»ларни тарози палласига қўйинг.

• Хоҳлаётган касбингиз ҳақидаги батағсил маълумотни олиш учун ихтисослашган журналларни ўқинг, компаниялар сайтларини ўрганинг ва мазкур соҳада банд бўлган мутахассислар билан сухбатлашинг.

• Баъзида фаолият турини ўзгартиришнинг энг яхши йўли бу – хусусий бизнесни бошлишдир. Балки ҳаётга татбиқ этишни хоҳлаган гоянгиз бордир. Балки сизда истеъмолга етказмоқчи бўлган товар бордир ва ниҳоят, балки сиз шунчаки ўзингиз учун ишламоқчиидирсиз.

• Бизнес сармоя киритишни талаб қилади. Оёққа туриш учун қанча пул кераклигини таҳдил қилиб кўринг ва узоқ ойлар давомида иш ҳақи олмасликка тайёр бўлинг. Бизнес таваккалчиликка асосланади. Инқироз рўй берганда сиз ҳамма нарсангиздан айрилиб қоласиз.

Бошқа томондан олиб қараганда, ўз ишини юритишнинг афзалликлари маълум. Сиз пул ишлаб топишдан ташқари номоддий активларни ҳам қўлга киритасиз. Муваффақиятли бизнесни ҳамиша яхшигина пулга сотиш мумкин.

• Сиз ўзингиз ишламоқчи бўлаётган соҳа ва бозорни тадқиқ қилинг. Салоҳиятли харидор ёки мижозлар билан сұхбатлашинг. Ҳал қилувчи қарорни қабул қилишдан аввал барча фактларни йигинг.

## ДЕЙЛ КАРНЕГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

### Дўст орттириш

1. Танқид қилманг, муҳокама қилишдан ўзингизни тийинг.
2. Тўғри ва ҳаққоний баҳо беринг.
3. Суҳбатдошингизни ниманидир жудаям хоҳдашига мажбур қилинг.
4. Одамларга чин кўнгилдан қизиқиш билдиринг.
5. Табассум қилинг.
6. Инсон исми ҳамма тилда ҳам унинг учун энг ширин оҳанг эканлигини унутманг.
7. Яхши тингловчи бўлинг. Бошқаларни ўзи ҳақида гапиришини рафбатлантириб боринг.
8. Суҳбатдошингизни қизиқтираётган нарса ҳақида гапиринг.
9. Шундай қилингки, суҳбатдошингиз ўзининг муҳим шахслигини англасин. Буни чин кўнгилдан ва самимий амалга оширинг.
10. Баҳсда устун келишни истасангиз, яххиси, ундан воз кечинг.
11. Суҳбатдошингиз фикрини ҳурмат қилинг. Ҳеч қачон унинг ноҳақ эканлигини гапирманг.
12. Агар ноҳақ бўлсангиз, буни тез ва ишонч билан тан олинг.
13. Мулоқотни дўстона оҳантда бошланг.
14. Бошиданоқ суҳбатдошингизни «ҳа» дейиш заруратига олиб келинг.
15. Одамга гапириб олиш имкониятини яратинг.
16. Суҳбатдошингиз бу ғоя ўзига тегишли деб ҳисоблашига имкон беринг.
17. Ҳар қандай вазиятни бошқа одам нуқтаи назаридан кўриб чиқишига чин кўнгилдан ҳаракат қилинг.

18. Башқаларнинг фикр ва хоҳишлирига хайри-хоҳлик билдиринг.

19. Бирмунча балаңд ғояларга унданг.

20. Ўз ғояларингизни самарали тақдим қилинг.

21. Суҳбатга чорланг.

22. Суҳбатдошингиз фазилатларини чин кўн-гилдан тан олиш ва эътироф этишдан бошланг.

23. Одамлар эътиборини уларнинг хатоларига тўғридан-тўғри эмас, оғир ботмайдиган изоҳлар билан қаратинг.

24. Кимнидир танқид қилишдан аввал ўз хатола-рингиз ҳақида гаплашинг.

25. Буйруқ бериш ўрнига саволлар беринг.

26. Инсон ўз қиёфасини сақлаб қолишига имко-ният беринг.

27. Кичик муваффакиятларни ҳам қўллаб-кув-ватланг ва ҳар бир самарали қадамни рағбатланти-риб боринг. Баҳолашда самимий, мақтова да саҳий бўлинг.

28. Инсонга у оқлашга ҳаракат қиласидиган об-рў-эътиборни беринг.

29. Имкон борича тетик бўлишга ҳаракат қилинг. Шундай қилингки, хато жуда осон бартараф этиладигандай туюлсин.

30. Одамлар сиз таклиф қиласидиган ишни мам-нуният билан бажаришлирига ҳаракат қилинг.

### **Безовта бўлмасликният асосий тамойиллари**

1. Бугунги кун билан яшанг.

2. Безовталик билан қандай қурашиш мумкин:

а) ўзингиздан «мен билан энг ёмон нима содир бўлиши мумкин?» деба сўранг;

б) хаёлан ўзингизни энг ёмон нарсага тайёрланг;

в) энг ёмон нарсани яхшилашга ҳаракат қилинг.

3. Безовталигинги учун тўлашингиз керак бўлган бебаҳо тўлов – согликни йўқотиш мумкинлиги ҳақида тез-тез эслатинг.

## Безовталиктин таҳлил қилишнинг асосий услублари

1. Барча фактларни йигинг.
2. Барча фактларни ўрганиб чиқиб, ечимни топинг.
3. Қарор қабул қилиниши билан ҳаракатни бошлианг.
4. Қуидаги саволларга жавоб ёзинг:
  - Муаммо нимадан иборат?
  - Ушбу муаммо қандай пайдо бўлган?
  - Уни бартараф этиш йўллари қандай?
  - Муаммони ечишнинг энг яхши йўли қайси?
5. Безовталик ҳисси сизни эгалламай туриб уни бартараф этинг.
6. Доим банд бўлинг.
7. Бўлар-бўлмасга безовта бўлманг.
8. Безовталиктин қуролсизлантириш учун эҳтимоллар назариясини ишга солинг.
9. Тақдирдан қочиб кутулиб бўлмаслигига тан беринг.
10. Сизни безовта қилишга мажбур қиласидан уёки бу ҳодисани тушуниб етгач, унга керагидан ортиқ эътибор берманг.
11. Ўтмишни эслаб безовта бўлманг.
12. Яхши нарсаларни ўйланг ва ўзингизни қувноқ тутинг. Шу захоти қувончни ҳис қиласиз
13. Ўз тафаккургизни тинчлик, мардонаворлик, соглик ва умид ҳақидаги фикрлар билан бойитинг.
14. Ҳеч қачон душманларингиздан қасос олишга уринманг.
15. Миннатдорлик билдиришларини кутманг.
16. Омадсизликларни эмас, галабаларингизни ҳисобланг.
17. Бошқаларга тақлид қилманг.
18. Тақдир сизга лимон берса, сиз уни лимонадга айлантиринг.
19. Бошқаларни баҳтли қилишга ҳаракат қилинг.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
<i>Биринчи боб. Ишchan қиёфа яратиш.....</i>	8
<i>Иккинчи боб. Ҳодимларни бошқариш</i>	
кўникмаларини такомиллаштириш ....	38
<i>Учинчи боб. Жараёнли менежмент</i>	
кўникмаларини такомиллаштириш....	64
<i>Тўртинчи боб. Оммавий чиқишилар</i>	
бўйича кўникмаларни ошириш.....	98
<i>Бешинч боб. Амалий ёзишмаларни</i>	
такомиллаштириш .....	122
<i>Олтинчи боб. Сиз хизмат қиласиган</i>	
компания доирасида мартабангизни	
ошириш йўллари.....	144
<i>Еттинчи боб. Янги иш қидириш</i>	
вакансиялар манбаидир .....	173
<i>Саккизинчи боб. Янги иш қидириш –</i>	
резюме ва мулоқот.....	201
<i>Тўққизинчи боб. Фаолият турини</i>	
ўзгартириш .....	231
<i>Илова. Дейл Карнеги тамойиллари .....</i>	265

*Оммабоп нашр*

**ДЕЙЛ КАРНЕГИ**

**МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАН  
ҚАНДАЙ КҮТАРИЛИШ  
МУМКИН**

**Мұхаррір  
Мұхайё РИХСИБЕКОВА**

**Бадий мұхаррір  
Үйгүн СОЛИХОВ**

**Мусаффих  
Мадина МАҲМУДОВА**

**Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ**

**Техник мұхаррір  
Умид ЯҲШИМОВ**

*Лицензия рақами: АI № 252. 2014 йил 02.10 да берилған.*

*Босиша 14.07.2016 й.да рұхсат этилди.*

*Бичими 84x108 1\32.*

*Босма тобоги 8,5. Шартли босма тобоги 14,28.*

*Гарнитура «Palatino Linotype». Офсет қоғоз.*

*Адади 5000 нұсха. Бүортма № 225.*

*Баҳоси келишилған нархда.*

**«Яңғы аср авлоди» НММда тайёрланған.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.**

**Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.  
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шохкүчаси, 44.**

***Мурожаат учун телефонлар:***

**Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.**

**Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-37. факс – 273-00-14;  
e-mail: yangiasravlod@mail.ru**

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:**

**«Тұғри овқатланишнинг 55 қоидаси»  
84x108 1\32, 88 бет  
Юмшоқ муқова**

Мазкур китобдан фойдали ва тұғри овқатла-нишнинг әңг муҳим – 55 қоидаси жой олган. Ушбу қоидалар ҳаёт тарзингизни тубдан ўзgartиришни тақозо этмайды. Сиз қундалик овқатланиш тартибини бир оз ўзgartиришингиз, атроф-мухит, реклама ва бошқа омиллар оркали сингдирилган маҳсулотларни дастурхонингиздан четлатишиңгиз, фойдали ва тұғри овқатланиш мезонига әльтибор беришиңгиз керак, холос. Бу каби оддий қоидаларга амал қилиш натижасыда ахволингиз ўзгара боради: фикрингиз тиниклашади, күнг-лингизни шодлық ҳисси чулғаб олади, ўзингизга нисбатан ишонч ҳисси ортади. Китобдаги маълумотлар соғлиғингизни сақлашда, фарзандлар ва яқынларингизни турли касалликтардан әхтиёт қилишда сизга яқындан ёрдам беради. Демек, мустаҳкам саломатлық сари юзланамиз!

**«Оилада севти сұхбатлари»  
84x108 1\32, 112 бет  
Юмшоқ муқова**

Ҳаёт ичра оила ҳаётимиз ҳам ўтиб кетмоқда. Уни ҳузур-халоватли, мазмұнли, мароқли ўтка-зиш ҳар ота-онанинг орзуси.

Бу әзгу ниятингиз амалға ошиши учун ушбу китобдан ҳар куни бор-йүғи 15 дақиқа оилангиз даврасида мутолааи йўлга қўйсангиз бас.

Оилангиз СЕВГИ, МЕХР, САОДАТ шуълалари ила нурафшон бўлсин, азиз ўқувчи!

**«Мактаб оиласдан бопланади»**

**84x108 1\32, 232 бет**

**Юмшоқ муқова**

Агар фарзандингизнинг ижобий томонга ўзгаришини хоҳласангиз, ҳаракатларингизни бошқаринг.

Агар фарзандингиз камроқ телевизор кўришини истасангиз, ўзингиз ҳам телевизор кўришни камайтиринг.

Унинг китоб ўқишини истасангиз, сиз ҳам унинг кўз ўнгидаги китоб ўқишини канда қилманг...

Тақдим этилаётган китоб Сиз ва Сизнинг фарзандларингиз ҳақида. Мутолаа давомида фарзандингиз билан боғлиқ муносабатларингизга ойдинлик кирита олсангиз, китобда келтирилаётган фикрлар, кўрсатмалар ҳаётингизда асқотса, биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

**«Имо-ишоралар сири»**

**84x108 1\32, 144 бет**

**Юмшоқ муқова**

Бу китоб имо-ишоралар ва тана ҳаракати тилини, юз ифодаси ва тана ҳолати тилини ўрганишини хоҳлаганлар учун, сухбатдоши ҳақида у ўзи ҳақида гапирганидан кўра кўпроқ билишга ҳаракат қилувчилар, инсон хатти-ҳаракатининг асл, туб сабаблари сирини очишни, сухбатдошининг лаҳзалардаги кайфиятини аниқлашни истаганлар учун. Агар сиз фақат ижобий қиёфа ифодалашга ёрдам берадиган новербал белгиларни ишлатиб ўз танангизни бошқаришни, бу билан сухбатдошингизни ижобий тасаввур ва кайфиятга йўналтиришни ўрганмоқчи бўлсангиз, унда бу китоб сиз учун. Ўз танангиз сизни сотиб қўймаслиги, аксинча сизга иттифоқдош бўлиши учун имо-ишоралар алифбосини синчиклаб, об-

дон ўрганишингиз, ҳар бир новербал сигнал қандай маъно англатишини яхши билиб олишингиз даркор. Китобни ўқиб, келажакда бу қимматли тажрибадан фойдаланинг. Китобни сизга тақдим ва тавсия этишимиздан мақсад шу.

**«Ишнинг қўзини биладиган одамнинг замонавий одоб-ахлоқ китоби»**

**84x108 1\32, 128 бет**

**Юмшоқ муқова**

Улкан мұваффақиятлар оддий ва арзимас бўлиб туйилган ҳақиқатлардан бошланади. Бу – жуда жўн кўриниши мумкин, аммо ҳаётнинг энг оддий, лекин ўта зарур мазмуни ушбу ҳақиқатлар ҳукмига бўйсунади. Сизга ишонч билдиришлари, ҳамкорликда ишлашлари ёки яхши ишга жойлашишингиз учун нималар керак ва қандай қоидаларга амал қилишингиз лозим? Қайси жиҳатларингиз сизни атрофдагиларга «фош қиласи»?

Китоб дунё ва ҳалқаро этикет мезонларига асосланиб тайёрланди, бу эса сизга ҳалқаро ишбилармонлиқда ҳам жуда қўл келади. Шунингдек, ушбу китобдан юқоридаги саволларга атрофлича жавоб топасиз.

# ДЕЙЛ КАРНЕГИ

Дейл Карнеги 1888 йил Миссури штатида, фермерлар оиласида туғилди. Факирона хаёт ёш Дейлнинг юрагида сирли орзуларни уйғотди, катта бұлганида оиласи ҳаётини үзгартыришга қарор килди. Үсмир үйгит педагогика колледжига үчишга кирди, нотиқлик санъети мактаби тұғарғыға катнади.

Дейл Карнеги маҳаллий бизнесменларға нотиқлик бүйіча үкув машындарини үтказды. Тингловчиларға мұваффакиятта ершиш, мижозлар билан мұомала үрнатыш усулларини қизықарлы асосда олиб бордикі, кейинрок Дейл Карнеги маңузұлары китоб холидә үкувчилар қўлига етиб борди.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-805-9



9 789943 278059

Рахбарлик курсисига үтирганнингиздан сүнг ходимлар ингизни сиз илгари бажарған ишни камиде сиздек ёки ундан ҳам яхшиrok бажаришларига илхомлантириング.

Гэллоп институтининг аниклашича, ходимнинг бевосита раҳбар билан муносабати иш ҳаки ва имтиёзлардан күпроқ аҳамият касб этар экан.

Сиз ходимлар ингизга касбий ва шахсий үсиш имкониятими яратыб, уларнинг садокати ва ишончига эга бўласиз.

Тадқиқотларга қараганда, бошликларнинг эътирофи, қарор қабул килиш иштирок этиш ходимлар учун пулдан кўра мухимроқ санааларди.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт тарзи ва иш услуги бор. У ёки бу ходим қандай ишлаётганини кузатинг. Шу орқали унинг ахлоқий манерасини билиб оласиз.

Зерикарли ишни ранг-баранг қилиш учун уни замонавийлаштиринг.

Ўз вазифасини қониқарсиз бажаргани учун уни ишдан қувиш таҳди迪 ходимга ҳаракат бағишимайды, бундай ҳолатда у минимум даражада ҳаракатланади. Фақат мотивациянинг ҳаққоний усулларигина ходимни керагидан күпроқ ишлашга ундайди.

Мақтов ҳаққоний бўлиши кепрак. Сиз үзингизга, гапираётган гапингизга ишонинг.